

74.00
К 42

КАРОМАТ ҚИЛИЧЕВА

**УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚИЛИЧЕВА КАРОМАТ ЮНУСТАЕВНА

Умумий педагогика назарияси ва амалиёти

(VII АСРДАН XIV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАКТАБ ТАРБИЯ
ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАКҚИЁТИ)

Методик кўлланма



У - 4297

Тошкент – 2012

Мазкур методик кўлланма ислом дини заминида исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши ва унинг мазмунида ифодаланган педагогик гоялар, исломий-тасаввуфий таълимотда қалб, рух, ақл ва нафс тарбияси, исломий-тасаввуфий таълимот йўналишлари; Баҳоуддин Нақшбанд, нақшбандия тарикати таълимоти қондадари, “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” шиори, унинг инсон мънавиятидаги аҳамияти, XIV-XVI аср педагог алломалари Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳирiddин Мухаммад Бобур, Алишер Навоий меросида педагогик карашлар ва уларнинг ўрганилишининг педагогик технологик хариталари тақдим этилди. Мавзуларга оид хулоса ва адабиётлар берилди.

Мазкур методик кўлланма олий таълим тизимида “Педагогика тарихи” фанидан таълим олувчилар ва ёш педагоглар, илмий тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор Ҳамиджон Ҳомидий.

Тақризчилар:

педагогика фанлари доктори,
профессор Тоҳтаходжаева М.Х.
педагогика фанлари доктори,
профессор Сафарова Р.Ғ.

Методик кўлланма университет Илмий кенгашининг 2012 йил, 21 июндаги 10/4.9.-сонли қарори билан тасдикланган ва нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – сингилмас куч» асарида таъкидлаганидек: «Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбай эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, баҳт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур килиш кийин».

Шу тарика И.А.Каримов миллый маънавиятимизнинг илдизларини ҳам ҳаққоний тарзда кўрсатиб бера олган: «Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос сингилмас куч – маънавият бор».

*Дарҳақикат, бизнинг маънавиятимиз энг қадимги даврлардан бошлиб ҳозирги кунгача ривожланиб, бойиб, умуминсоний қадриятлар даражасига етган. Исломий-тасаввифий таълимоти ва унинг намояндлари томонидан илгари сурилган қарашлар ва гоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида ёшлар қалбига маънавий озука бермокда.

Бугунги кунда талабаларнинг маънавий ҳаётини таъминлаш учун аждодларимиз ўтилари, панд-насиҳатларидан фойдаланиш алоҳида педагогик қимматга эга. Мустакиллик туфайли, ўзбек халқи ўзининг буюк келажагини яратиш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун улуг алломалик мақомига эришган аждодларимиз илмий-маънавий мероси бизга мадад беради.

Талабалар маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериладиганлигининг асосий сабабларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагича изохлайди: «Биз мусулмон дини

ҳақида галирганда аввало, Оллоҳ ва Унинг Расулини, ўзимизга рухан яқин бўлган улуг алломаларимиз, улуг имомларимизни тасаввур қиласмиш. Мана шу кутлуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз ҳурмат билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Фиждувоний, Замахшарий каби пиру комилларимизни назарда тутамиш. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуг аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик?

Чунки бу буюк инсонларнинг аэз номлари, ўлмас мероси мукаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кеттан. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз бу мутафаккирларимизнинг кутлуг меросидан бутун ҳалқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол толишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк гоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиш».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Миллий қадриятлар, урф-одатлар, тарихий, маданий, маърифий меросни тиклаш, улуг мутафаккирларимизнинг таълимотларини ўрганиш шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёш авлод онгига сингдириш учун таълимтарбия мазмунига аждодларимиз меросидан давр талаблари ва ёшларнинг маънавий эҳтиёжларига мос келадиган қарашлар ва гояларни олиб кириш учун бутунги кунда қулай педагогик имкониятлар мавжуд.

Жумладан, олимларимиз томонидан, «қадриятлар мавзусининг таҳлилини ҳалқимиз ҳаётida катта маъқега эга бўлган исломий-тасаввифий оқимининг асосий намояндлари илгари сурган қарашларсиз тасаввур қилиш қийин» лиги баён қилинган.

Исломий-тасаввифий таълимоти гоялари баркамол авлод маънавиятини шаклантиришда бекиб имкониятларга эга. Шунинг учун ҳам, бутунги

кунда исломий-тасаввуфий таълимоти ва унинг намояндаси Баҳоуддин Накшбанд ва накшбандия тарикатининг маънавий-ахлоқий қарашларини ўрганиш ва бу буюк педагогик фикр намояндадарининг бунёдкор гояларини таълим-тарбия жараённига олиб кириш ҳамда улар воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш педагогика фанийинг долзарб масалаларидандир. Бу муаммо ечимининг мухимлиги куйидагилар билан изохланади:

- **Биринчидан**, бугунги кунга келиб ажоддларимиз томонидан барто этилган ҳайтбахш гоялардан фойдалангаян холда жамият гъозлари, айниқса ёшлар маънавиятини шакллантириш давлат сиёсатида устивор аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, ажоддларимиз томонидан яратилган кадриятлар, маънавий меросимиз, жумладан, исломий-тасаввуфий таълимоти ва унинг намояндадарини ҳар томонлама ўрганиш, талабалар маънавиятини шакллантирища мазкур меросдан фойдаланиш йўлларини аниқлаш заруриги мавжуд.

· **Учинчидан**, талабаларга миллий истиқлол гояларини сингдириш шароитида мазкур маънавий меросга бўлган қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда.

Тўртинчидан, миллий истиқлол гоясини талабалар онгига сингдиришнинг мухим воситаларидан бири, исломий-тасаввуфий таълимоти намояндадари меросидир. Чунки мазкур меросда ҳакгўйлик, инсонпарварлик, фидонийлик, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик каби олийканоб инсоний фазилатларни эгаллаш йўллари кўрсатилган.

Бешинчидан, улуг мутасаввиф (исломий-тасаввуфий таълимот аҳллари)ларнинг жумладан, Баҳоуддин Накшбанднинг шахсияти ва қарашларини ҳар томонлама чукур ўрганиб, педагогик истеъмолга киритиш натижасида талабаларнинг маънавий савиёси ортади, улар покдамон, инсонпарвар ва жамиятпарвар мутахассислар бўлиб етишадилар.

Бугунги кунга қадар педагогика тарихи соҳасида педагогик гояларни

илгари сурган исломий-тасаввуфий таълимоти намояндалари аҳли (Сўфий, Ориф, Валий, Шайх)лар ҳаётни ва уларнинг таълимоти гояларини ўрганиш, педагогик истеъмолга киритиш ва шахс мънавиятини шакллантиришда мазкур гоялардан фойдаланишга еътибор қаратилмаган.

Олттинчидан, исломий-тасаввуфий таълимоти қарашлари миллий истиқбол гоясининг ҳаётбахш илдизи бўлиб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишини таъминлашга хизмат қиласди.

Мазкур қўлланимада олий таълим тизимида исломий-тасаввуфий таълимот қарашлари воситасида талабалар мънавиятини шакллантириш масалалари баён қилинади.

1. ИСЛОМ ДИНИ ЗАМИНИДА ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТНИНГ ПЕДАГОГИК ФОЯЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШИ

1-мавзу	Ислом дини заминидада исломий-тасаввуфий таълимотнинг педагогик фояларини ўрганилиши
----------------	---

1.1. Амалий машгулотнинг ўқитиш технологияси

Вакти – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машгулотининг шакли ва тури:	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалиёт
Амалий машгулотининг режаси:	<p>1. Ислом дини заминидада исломий тасаввуфий таълимотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;</p> <p>2. Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши хакидаги фикрлар.</p> <p>3. Исломий-тасаввуфий таълимот воситасида талабалар мънавиятини шакллантириш.</p>
Амалий машгулотининг мақсади: Ислом дини заминидада исломий тасаввуфий таълимотнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш, билимга оид кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш	Ўқув фолиатининг натижалари: Талаба: <ul style="list-style-type: none">- Ислом дини заминидада исломий тасаввуфий таълимотнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишини изоҳайдай;- Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши хакидаги фикрларни баён қилади;- Исломий-тасаввуфий таълимот воситасида ёшлар мънавиятини шакллантиришини ўрганади.
Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши хакидаги фикрларни баён килиш; - Исломий-тасаввуфий таълимот воситасида талабалар мънавиятини шакллантиришини ўрганиш	
Ўқитиш услуги ва техникаси	Мунозара, савол-жавоб, блиц-сўров ва топшириклар, тест.
Ўқитиш воситалари	Мавзуга оид адабиётлар, слайдлар, проектор, плакатлар.
Ўқитиш шакли	Амалиёт гурӯхли.
Ўқитиш шарт-шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, кичик тест

**“Ислом динни замининда исломий-тасаввуфий таълимотниң педагогик
төсөларының ўрганилиші” мавзусыннан технологик хартаасы**

Иш боскыч лари ва вакти	Фаолият мазмуни	Таълим олувчилар (талабалар)
	Таълим берувчи (ұқитувчи)	
I-Боскыч. Үкүв машгүлотовининг ташкилий тайёрғарлыйк боскычи (15 мин).	<p>1.1. Амалиёт машгүлотовининг мақсади ва кутилаёттаян натижалари баён этади.</p> <p>1.2. Белгиланган таълимий мақсадларга мос топшириқларни ишлаб чықади.</p> <p>1.3. Топшириқларни гурухларда ишләштарғыс тартиб-коидаларини түшүнтиради.</p>	<p>1.1. Ұқитувчи нутқини тинглайдилар ва өзіб оладилар.</p> <p>1.2. Саволлар билан мурожаат этадилар, аник түшүнчага зәг бўладилар.</p>
II-Боскыч. Асосий боскыч. Англаш (55 дақықа).	<p>2.1. Талабаларни кичик гурухларга ажратади, ишлешининг шарт-шароитлари билан таништиради ва назорат қилиб боради.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича асосий түшүнчаларга таъриф беришни таклиф қиласи ва шу асосда блиц-сўров ва топшириқлар ўтказиб талабалар билимини фаоллаштиради. (1-илова)</p> <p>2.3. Талабаларда исломий-тасаввуфий таълимот ҳакида билим, кўнкима ва малакаларини бойитиш мақсадида тест савол ва топшириқлари билан фаоллаштирилади (2-илова).</p> <p>2.4. Машгүлотий ташкил этишдан кутилган натижага эришганлик даражасини баҳолайди.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва холосалайди.</p>	<p>2.1. Кичик гурухларга бўлинниб, топшириқларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.2. Мавзу юзасидан асосий түшүнчалар келтирилади ва саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Кичик гурухларга бўлинган ҳолда тест савол ва топшириқларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.4. Ўз фикрларини бу мавзу бўйича олган билимларини янада бойитадилар ва таққослаш борасида кўнкима ва малакасини шакллантириадилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, мавзудан олган түшүнчалар асосида хулоса чиқарадилар</p>

III-Босқич Якуний боскич (10 даңыза)	<p>3.1. Фаол иштирокчи талабаларнинг машгулотдаги фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Машгулот ўз мақсади ва кутилган натижаларига қай дарежада эришилганини хуласалайди.</p> <p>3.3. Талабалаларнинг машгулот бўйича пайдо бўлган фикрлари ва тақлифлари билан танишади</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусини зълон қиласди, талабаларга мустакил ишлаш учун топшириклар беради ва уларни топширикларни баҳолашга оид мезонлар билан таништиради. (3-илюз).</p>	<p>3.1. Машгулот иштирокчилари ўз фаолиятлари натижаларидан хабардор бўладилар</p> <p>3.2. Ўз фаолиятлари билан мақсадга эришишда қай дарежада таъсир этганликларини билиб оладилар.</p> <p>3.3. Машгулотнинг ташкил этилиши ва олиб борилиши бўйича фикр билдирадилар.</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусидан хабардор бўладилар ва ўқитувчи томонидан берилган топширикларни ёзиб оладилар</p>
---	---	---

2.2. 1-шлова

Блиш-сўров ва топшириклар:

1. Ёшлиар маънавиятини шакллантиришда исломий-тасаввуфий таълимотнинг роли нимада?
2. Умумбашарий ҳамда исломий қадрингларга тадниш ва ўрганиш деганда нимани тушунасиз?
3. Илохий-руҳоний илм, ботиний илмларни ўрганиш деганда нимани тушунасиз?
4. Исломий-тасаввуфий таълимотни ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон шарки маданий хаёти ҳакида аниқ тасаввур ҳосил килиб бўлмайди. Мазкур таълимот мазмўнини таҳлил қилиш натижасидагина ажоддларимиз руҳияти, маънавияти, маънавий-интеллектуал мероси мазмунини ёшларга етказиш ва шу оркали улар маънавияти шакллантирилади, деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
5. Исломий-тасаввуфий таълимотнинг пайдо бўлиши ва униш йўналишларини айтинг.
6. Исломий-тасаввуфий таълимотда сұхбатнинг роли. Сұхбат – энг таъсирили таълим-тарбия усулидир... – тушунчасини изоҳлаб беринг.
7. Работларда таълим қандай усулда олиб борилган?
8. Хонақоҳларда таълим тизими ҳакида баён килинг.
9. Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши ҳакида Н.Комилов қандай фикр билдиради?
10. Исломий-тасаввуфий таълимотнинг Хиндистонда пайдо бўлганлигини қайси буюк мутафаккир баён қилган?

2.3. 2-илюра

Тест савол ва тошнириклари:

1. Исломий-тасаввуйфий таълимотни Хиндиистонда пайдо бўлганлигини ва ислом дини тъсириини кайси мутафаккир маълумот берган?

А) Форобий;

Б) Фарғоний;

В) Беруний;

Г) Мирзо Улугбек.

2. Инсон маънавиятини шакллантиришда исломий-тасаввуйфий таълимотнинг роли нимада?

А) педагогик жиҳатдан қулайдир;

Б) мукаддас исломий эътиод ва дунёкарашни таркиб топтириш;

В) ёшлар маънавиятини шакллантиришда умумбашарий ва исломий қадрияларга таяниш, бугунги вазият нуқтаи-назаридан дунёвий илмлар бир категорда (диний-илохий-рухоний) исломий-тасаввуйфий таълимотни ўрганиш, аждодларимизнинг интеллектуал-маънавий меросимизни таҳлил, тадбик килиш долзарбdir;

Г) аждодлар меросини ўрганиш, таҳлил килиш.

3. Исломий-тасаввуйфий таълимотни ўрганиш қачондан бошланди?

А) Асрлар оша давом этади;

Б) Узлуксиз ўрганилади;

В) Мустакилликни кўлга киритган сўнг тантана килди;

Г. Таълим тизимида вужудга келди.

4. Ёшларда мукаддас исломий эътиодни таркиб топтиришда исломий-тасаввуйфий таълимотни роли қандай?

А) ёшлар маънавиятини шакллантиради;

- Б) ёшларни баркамолликка ундаиди;
- В) мұқаллас исломий зәтикол ва дүнекарашни таркиб топтырали, диний экстремизм ва ислом фундаментализмінә карши курашғаппактік кайфиятини вужуда келтирали; интеллектуал тараққиеттің тәъминлайди;
- Г) таълим-тарбия жарабинин ривожлаятиради.

5. Исломий-тасаввүфій таълимоти қандай пайдо бўлган?

- А) фанлар таркибидаги бўлган;
- Б) диний нуктаи-назардан ўрганилган;
- В) ислом дини ва унинг заминидаги вужудга келган, нуқсонлардан коли бўлган мукаммал таълимотидир;
- Г) ислом динидан ташкарида.

6. Исломий-тасаввүфій таълимотни Ҳиндистонда пайдо бўлганлиги ва ислом дини таъсири қайси асарда баён қилинган?

- А) Зижи Курагоний;
- Б) Ҳамса;
- В) Тахсик малил Ҳинд (Ҳиндистон);
- Г) Ахлоқи Мұҳсиний.

7. Ислом маданияти Ҳиндистонга қандай йўллар билан кириб келган?

- А) жангут-жадаллар билан;
- Б) тазъиик билан;
- В) мъянавий йўл билан (мутасаввирлар, кубровия, накшбандия, равшания тарикати таълимоти гояларини синглириш билан);
- Г) тарихий манбаларни ўрганиш йўли билан.

8. Исломий-тасаввүфій таълимотни афлотунчиллик таъсирида вужудга келиши хусусида ким томонидан ўрганилган?

- A) Жушон;**
Б) Дж-Трименгэм;
В) Усмон Турор;
Г) Киньш.

9. Исломий-тасаввүй таълимот иброний-насронийликдан келиб чиқсанми?

А) беъзи шаркшунос иброний-насроний мухитда таркиб топган, деб даъво қилади;

Б) ўзаро бир қадар алокадор бўлган;

В) фарқли зътиқод ва анъаналар орасидаги табиий умумийлик;

Г) Исломий-тасаввүй таълимоти ташкил топар экан, хеч кандай ташки төъсирга асосланмаган ҳолда бевосита ислоий тамойиллар устига курилган.

3.4. 3-илова Бахолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гурӯҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилишини 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топишни 0-5 балл	Гурӯҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15-13 балл – “аъло”

12-10 балл – “яхши”

9-6 балл – “қониқарли”

ИСЛОМ ДИНИ ЗАМИНИДА ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТНИНГ ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШИ

Калим сўзлар:

Исломий-тасаввуфий таълимот, яссавия, кубравия, М.А.Жушон, ахли сүффа, работ, Эрон, Хиндистон, афлотунчилик, лаҳут, насут, жабарут, малакут.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамият аъзоларининг маънавияти даражаси билан белгиланади. Шахс маънавиятини юксалтиргасдан туриб, ижтимоий, интеллектуал тараққиётни таъминлаш мумкин эмаслиги барча замонларда ҳам айни ҳакикатдир. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда, биринчи навбатда, умумбашарий ҳамда исломий қадрияларга таяниш мақсадга мувоғиқлар.

Умумбашарий исломий қадриялар, жумладан, исломий-тасаввуфий таълимот ғоялари шахс маънавиятининг асоси сифатида ёшларни баркамолликка ундовчи карашлардир. Шунинг учун ҳам, исломий-тасаввуфий таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш педагогик жиҳатдан қулайдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзан талабалар ислом маданиятининг маънавий-маърифий моҳияти, мазмунини тўла англамаган ҳолда, ундан турли диний-экстремистик мақсадларда фойдаланишлари мумкин.

Демак, бугунги вазият ва ҳаётнинг ўзи дунёвий илмлар билан бир қаторда, илоҳий-руҳоний илмларни ҳам мукаммал эгаллаш, аждодларимизнинг интеллектуал-маънавий меросларини ўрганишни ҳам тақозо қылмоқда.

Шу билан бир қаторда, ёшларда мукаддас исломий зътиқод ва дунёкарашни таркиб топтириш асосида, улар маънавиятини шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шундагина жамият аъзоларида соглом

эътиқод ва диний экстремизм ҳамда ислом фундаментализмiga қарши курашчанлик кайфияти вужудга келади.

«Исломий-тасаввүфий таълимотни ҳар томонлама ва жиiddий таҳлил қилишининг долзарбиги яна бир сабаб билан боғлик. Миллый мустакилликни кўлга кириттгандан сўнг матбуотда исломий-тасаввүфий тарикатлар (яссавия, кубравия, нақшбандия, маломатия, ...) ва уларнинг асосчилари хусусида маҳсус рисола-мақолалар эълон қилинди.

Дарҳақиқат, қадимий ва барҳаёт исломий-тасаввүфий таълимот собиқ шўролар тузуми даврида таъкиқ ва таъзиқ остига олини. Ҳукмрон мағкура нуқтаи назаридан исканичи даражали илм деб ҳисобланди.

Мазкур илмий меросга мана шундай салбий муносабат, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ҳаётига катта зиён етказди. Зоро, бу илмни эгалламасдан туриб, миллий маданият, анъана ва қадриятларимизнинг илдизи, серқирра маънавий меросимизнинг ҳаётбахш имкониятларини тўғри англаш, педагогик жиҳатларини идрок этиш мумкин эмас.

• **Исломий-тасаввүфий таълимотни ўрганимасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон шарқи маданий ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Мазкур таълимот мазмунини таҳлил қилиш натижасидагина аждодларимиз руҳияти, маънавий-интеллектуал мероси мазмунини ёшлиарга етказиш ва шу орқали улар маънавиятгини шакллантириш мумкин. Чунончи:**

1. Исломий-тасаввүфий таълимотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳакида Х.В.Кошифий «Сўфий» қадимий бўлиб, Одам а.с. ўғиллари Шиш а.с. даврида пайдо бўлганлигини баён қилади. Демак, сўфийлик Шиш а.с. даврида вужудга келган.

2. Ислом дини пайдо бўлгач (Муҳаммад пайғамбар с.а.в.) исломий-тасаввүфий таълимот ҳам вужудга келган. Бу ҳакида М.А.Жўшон шундай фикр билдиради: «... тасаввuf ҳол илми бўлиб, пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида саҳобаи киромда мавжуд эди. Ҳазрати пайғамбаримиз мутасаввиғларнинг сultonни эдилар. Ул зот ҳаётлари мобайнida тавозе

билан, ибодатга муштоқлиги билан, воқеаларга кўрсаттган хатти-харакатлари билан исломий-тасаввуфий ҳаёт тарзининг энг гўзал намунаси бўлдилар.

Ул зот дунё салтанатини орзу қилмадилар, дунё матосига майл этмадилар, мол-давлат тўпламадилар, кўлларига пул тушгудай бўлса, ўша кундайдик кеч тушмасдан садака килишга ҳаракет қиласардилар.

Ўша даврларда бугунги кундагидек “тасаввуф”, “сўфий” сўзлари кўлланилмаган. Тобендандаги зътиқод, тақво, жиддият ва Оллоҳ севгисини кўрган кейинги насллар ҳам уларнинг изидан юрдилар. Бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келаверди. Исломий-тасаввуфий таълимот ибораси кейинчалик пайдо бўлди.

Исломий-тасаввуфий таълимотнинг .кейинчалик тариқатлар сифатида давом этиши, бу мавзудаги энг асосий маънавий ва ижтимоий йўналиш яна Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўкув-таълим услубларига эргашиш натижасида хосил бўлди.

Маълумки, пайғамбаримиз кишиларни сұхбат йўли билан тарбиялар эдилар. Масжиди Набавий фақаттина ибодатгоҳ эмас, айни вақтда талабага, зиё тарқатувчи таълим-тарбия даргоҳи бўлган. Саҳобалар Пайғамбардан Ҳадисларни тинглаб, Куръон оятларини ўрганиш натижасида диний билимлар ва ахлок-одоб меъёрларини ўргангандар. Пайғамбарнинг илми, Куръон маърифатидан баҳрамаяд бўлишини истагандар, мазкур масжидда туну-кун колар эдилар. «Ахли Суффа» ёхуд «Асҳоби Суффа» дея сифатланган саҳобалар кечалари 70-80 кишини, кундузлари 400-450 кишини ташкил этарди. Гурух-гуруҳ ҳолида у ерга оқиб келган омма Расулуллоҳдан илм ўрганиш иштиёқида бу ерда тўпланишарди.

Кўриниб турибдикси, Мухаммад Пайғамбар исломий-тасаввуфий таълимотда устоз бўлганлар. Ислом дини ва маънавияти асосларини ўргатиш учун атрофдаги ҳалисларга «Асҳоби суффа»дан вакиллар танлаб жўнатганлар.

Суффа аҳли даврасида тонгтacha сұхбат қилганлари ҳам айни ҳақиқатдир. Сұхбат асносидағи завқу-шавқ туфайли уйқу нималигини билмай, сахарга қадар қизикарли илмий мулоқотлар давом этган.

“Сұхбат – энг таъсирли таълим-тарбия усулидір. Толибининг айби, хатосини күрган үрнек зот дархол уни хафа қалмай, нозик ишора билан тузатиш имконига зәғ бүләди. Бу йұл Расулуллохнинг йұлы бүлгани учун тасаавуф хам ушбу “шайх-мурид сұхбаты” таълим йұлни тәнлаган”.

Үша даврда ислом маңнавияти сахобалар томонидан талабаларға феол тарзда сингдирилған. Мазкур даврда яшаган халқлар бир томондан жомемасжидларида илм сирларини ўргансалар, иккінчи томондан ўз давлатларининг чегаралари хамда ислом дини маңнавияти қарновини кенгайтиришга интилғандар. Ислом диниге қызықиб, мазкур маңнавият асосларини әгалловчылар чегаралардаги қалъаларда таълим оляш учун түпланишган. Бундай қалъалар «Работ»лар деб аталған.

Работларда сахобалар түпленған одамлар билан илмий-маърифий мавзуларда сұхбатлар үтказғанлар. Үша вактларда одамларнинг илм әгаллашға бүлған әхтиәжи юқори бўлиб, улар бўш вактларини ислом маңнавияти ва аҳлоқи асосларини ўрганишга сарфлаганлар. Работларда ғималга оширилған таълим-тарбия кўплаб одамларни ўзига жалб этиб, • хонақоҳлар ва илмий-маърифий даргоҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлған. Кишиларнинг тарихий, ижтимоий, ақлий хамда маңнавий юксалиш әхтиәжлари маҳсулни сифатида исломий-тасаввуфий таълимот вужудга келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, исломий-тасаввуфий ахли чор ёри Узом ва Расулуллохнинг яқин сахобаларидан Салмон Форсий билан Имом Жельфари Содикни сўфийлик ва валайлик хислати кўринган улуг инсонлар сифатида әхтиром билан тилга олганлар.

3. Исломий-тасаввуфий таълимотининг вужудга келиш сабаблари ҳақида тасаввушунос олим Н.Комилов шундай фикр билдиради: “Тасаввуф тадрижий тараққиётта зәғ бўлған бир таълимот бўлиб ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлған”.

Дархакиқат, ислом маңнавиятида Мухаммад Пайғамбардан кейин учинчи халифа Усмон Зуннурайн даврларидан (644-656) бошлаб, айниқса, араб халифалигининг Уммавийлар даврида (661-750 йиллар) әйрим

мусулмон жамоалари орасида маҳаллийчилик, таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчиллик, бир-бирини сийлаш, ҳокимият лавозимларига қариндош уругларини тайинлаш, бойлик йигишга ружуъ қўйиш кучайган. Жамият аъзолари орасида Оллоҳ йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига хирс қўйиш, зеб-зийнатлар, ҳою-ҳавасларга берилish каби салбий иллатлар илдиз ота бошлаган. Ҳашаматли уйлар, дабдабали саройлар қуриш, кимматбаҳо безаклар, олтин-кумуш, бойлик тўплаш авж олиб кетди.

Бундай ишлар эътиқоди мустаҳкам тақводор мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бу ишларнинг олдини олиш учун Мухаммад Пайғамбаримиз ҳадисларини йига бошладилар. Бэъзи мусулмонлар бундай ҳолга қарши норозилик белгиси сифатида таркидунеччилик – зоҳидлик гояларини тарғиб қилиб, сурункали тоат-ибодат билан шугулланишга киришдилар.

Улар ҳалқка жаннат таъмасида ёки дўзах кўркуви билан Оллоҳ таолога тоат-ибодат қўймай, Оллоҳни жон-дилдан севиши, кўнгилни чеклаш, ўзини руҳий поклаш орқали Оллоҳ розилигига, васлига етиш ва бундан лаззатланиш гояларини кенг тарғиб қилиш, инсоннинг бу дунёдаги асосий мақсади илохий оламга бориб кўшилмоқ ҳаракатида бўлиши лозимлигини тарғиб қила бошладилар. Натижада аста-секин дунё васвасаларидан кўнгил узган, аммо куруқ зоҳидларга ўхшамаган оддий диндорлардан фарқланадиган, мутафаккир файласуфлардан ажралиб турадиган, ақлу-фаросатда, заковатда тенгсиз, шариат илмини тўла, мукаммал эгаллаб олган, тоат-ибодатлар мустаҳкам, ажойиб хислатли пок инсонлар тоифаси вужудга келди.

Уларнинг дунё лаззатларидан воз кечишлари, гайриоддий сўзлари, ишлари, кароматлари ҳалқни лол қолдирав, шунинг учун ҳам ҳалқ уларни хурматлаб, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, дарвеш, қаландар, факир деган ном билан тилга олар эдилар. Кейинрок уларга нисбатан умумий қалиб «суфий» деган номни кўллай бошладилар.

Исломий-тасаввуфий (сўфийлик) таълимот ҳакида турлича қарашлар

мавжуд. Бирок, уларга берилган таъриф мазмун-моҳиятига кўра биг ҳил бўлиб, «Ислом маданиятининг таркибий кисми исломий-тасаввуфий ёки суфизм фалсафасидир» кабидир.

Айримлар исломий-тасаввуфий таълимот ва сўфилик (суфизм) бир-биридан фарқланадиган турлича оқимлар, деб хисоблайдилар. «Агар сўфиликнинг маълум бир тармоли, йўналиши, яъни сўфиининг танлаган йўли тарикат сулук деб аталган бўлса, тасаввуф эса сўфиликнинг назарий, фалсафий дунёкарап-тизимиdir».

Демак, исломий-тасаввуфий таълимот тарихий-фалсафий жиҳатдан ҳам, педагогик нуқтаи назардан ҳам инсон қалби ва руҳиятига тааллукли бўлганилиги учун ҳам талабалар мънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятта эга.

Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши ҳакидаги фикрлар турли-тумандир. Чунончи:

а) Бир гуруҳ олимлар мазкур таълимотни Эронда шайдо бўлганилиги ҳакида даъво қиласидилар. Мазкур ақидаларга кўра гўёки: «Араблар фалсафий тафаккур жиҳатидан қобилиятсиз эмишлар, эронликлар бу бобда қобилиятли эмишлар. Шу боис, нозик тафаккур тарзи билан исломий-тасаввуфий таълимот арабларга эрон таъсири орқали ўтган деган даъвони илк бор Канте де Гобинью «Эрон тарихи» номли асарида ўртага ташлаган». Ҳолбуки, илмий далилларнинг тасдиқлашича, исломий-тасаввуфий таълимот Эронга араб миллатига мансуб бўлган исломий-тасаввуфий таълимот ва сўфиylар орқали кириб келган.

б) Бир гуруҳ олимлар исломий-тасаввуфий таълимот Ҳиндистонда вужудга келган деган ғояни илгари сурғанлар: буюк мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1051)нинг «Таҳқики малил Ҳинд» асарида ҳинд фалсафасининг ислом динига кўрсатган таъсири ҳакида маълумотлар берилган. Масалан,

Пантанжали деган бутпарастлик фалсафасининг Ислом мутасаввифларидан Боязид Бистомий, Мансур Халлож ва Маҳмуд

Шабустарийга тъасир қылғанлыги айтылган. Бирок, шарқшуносларнинг тъбирича, мазкур дәуъо ишончсиздир, чунки тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, Пантанжали фалсафаси мазкур зотлар яшаб ўттандан кейин вужудга келган. Шу билан бир каторда, ушбу фалсафий дунёкараш Ислом тълимотига зиддир. Чунки, Ислом «Борлик»ни тан олиб, йўкликни рад этади. Ислом динида мол-дунёга кўнгил кўймаслик, мутлақ борлик хисобланган Оллоҳга яқинлашишга ҳаракат қилинади. Ислом маданияти Ҳиндистонга жанг-жадаллар билан эмас, мутасавифлар: кубравия, нақшбандия, шаттария, равшания ва нурбахшия тарикатлари воситасида кириб борган.

Мазкур ислом тълимоти Ҳиндистонга ёйилганидан кейин, хилма-хил турларга бўлиниб, ҳар бир хинд мухитида ўзига хос тус олди. Масалан, «Чаштия» тарикатининг пайровлари зикр, самой (сўфийларга хос гарзда ракста тушиш)ни мусика билан ижро этадилар. Бу эса Ҳиндистон мухитининг исломий-тасаввуфий тълимотига тўғридан-тўғри тъасири учун яққол мисол бўла олади.

Исломий-тасаввуфий тълиамотдаги «фано» билан будпарастликдаги «нирвона» назариялари ва илк сўфийлардан Иброҳим Адҳам билан Будда хикоялари орасидаги ўхшаплик, мазкур карашларнинг асосий далиллариdir. Бирок, булар ишончили манбалардан олинган фикрлар эмас. Хинд тълимотидаги «фано»дан мақсад, аччик ҳаёт дардидан кутулиш салбий мъянода бўлса, исломий-тасаввуфий тълимотида ушбу ақида сўфийнинг бақо (бокий биллоҳ) даражасига эришишига қаратилган. Шу далилнинг ўзи ҳам кўрсатадики, исломий-тасаввуфий тълимот Ҳиндистонда вужудга келган эмас.

в) Бир гурӯҳ мутахассислар исломий-тасаввуфий тълимот янги Афлотуничилик оқими тъасирида вужудга келган; деган фикрни ҳам асослашга ҳаракат қиласидилар: Бу ҳакида Усмон Турар ўзининг “Тасаввуф тарихи” китобида куйидагича фикрларни баён қилган: “Янги афлотуничилик хинд мистицизмидан ва Орфеос динидан тъасирланиб шаклланган. Орфеос

дини эса, шарқ динлари таъсирига учраган. Янги афлотунчиллик асосчиси Платунус Афлотун фалсафаси билан шарқ фалсафасини бирлаштирган. Шу боис, бу фалсафа ҳам гарбликларнинг ҳамда шарқликларнинг эътиборини тортиб келган. Исломий-тасаввуфий таълимотнинг илк даври бўлган зуҳд босқичида янги афлотунчиллик таъсирини кўриш имконсиз. Чунки таржималар орқали юон фалсафасининг мусулмонлар орасида ёйилиши бу даврдан кейин содир бўлган. Чунончи, илк сўғийлар бу одатларига амал қилиб, доим фалсафага қарши турдилар. Мазкур фалсафа исломий-тасаввуфий таълимотга таъсир кўрсатди, дегувчилар “ваҳдати вужуд” фалсафаси билан Ибн Арабийдан таъсирини кўзда тутмоқдалар. Олим Эрол Гунгўр: “Янги афлотунчиллик таъсири тасаввуфнинг иккинчи даврида тасаввуф тафаккур бир тизимга кирган даврда таъсир кўрсатди” – дейди. Шу билан бирга Эрол Гунгўр Ибн Арабий мазкур фалсафадан кўп таъсиранганинги таъкидлайди. Аммо шу нарса аниқси, Ибн Арабий ва ундан кейин чиккан мутасаввифларда янги афлотунчиллик таъсири сезилмаган. Лекин бу мутасаввифлар ушбу фалсафадан озиқланган бўлсалар ҳам, исломий-тасаввуфий таълимот нуқтаи назарлари унга сингдириб, ўзларининг фалсафий ҳамда таълим-тарбиявий қарашларини исломий пойдевор устига курганлар.

г) Исломий-тасаввуфий таълимот Иброний – насронийликдан келиб чиккан деган қарашни ҳам илгари сурадилар: Иброний – насроний унсурлардан арабларга ўтган ва мутасаввифлар томонидан қўлланилган «Лахут», «Насут», «Жабарут», «Малакут» каби бир қаңча истилоҳларга асосланган беъзи шарқшунослар ислом дини ва исломий-тасаввуфий таълимот иброний – насроний мухитидан таъсирланиш натижасида келиб чиккан, деган даъвони илгари сурадилар. Аммо, ўзаро бир қадар алоқадор бўлган, фарқли эътиқод ва анъаналар орасидаги табиий умумийликни истисно қилганда, ислом дини ва исломий-тасаввуфий таълимот бирорта дин ёки фалсафий оқим таъсирида вужудга келган эмас. Мазкур динлар эътиқод жиҳатдан ислом динига мувофиқ келмаслиги билан ушбу фикрни тасдиқлай

олади.

Исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиши ҳакида турлича карашларни таҳлил килиш натижасида қуидагиларни баён килиш мумкин. Ислом дини заминида **исломий-тасаввуфий таълимот ташкил топар экан**, деч қандай ташки таъсирга асосланмаган ҳолда бевосигта исломий тамойиллар устига қурилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақатгина гарб мутахассислари исломий-тасаввуфий таълимотининг вужудга келиши ҳакида фикр юритиб, ислом динидан ташқари манбалар излаганлар. Бунинг натижасида эса, исломий-тасаввуфий таълимот ислом динидан ташқари, ундан айрича бўлган таълимот, деган нотўғри хulosага келганлар.

Ислом дини ва унинг заминида вужудга келган исломий-тасаввуфий таълимот нуксонлардан ҳоли бўлган мукаммал таълимотdir. У ўз наебатида бошқа динлар ва таълимотларга ижобий таъсир кўрсатган.

Бир сўз билан айтганда, “Исломий-тасаввуфий таълимот ислом дини оламида тан олинган улуғ йўллигини исломий-тасаввуфий таълимот илмидан завқ олмаган, фикри фақатгина зохирдан нарига ўтмаган, дунё мартабаларию шуҳрати калбини эгаллаб олган, кўзи, яъни қалби кўр бўлган олимлар тушуна олмайдилар”.

Исломий-тасаввуфий таълимот баркамол инсон ҳақидаги гояларнинг вужудга келишида алоҳида ўрин эгаллаган.

Исломий-тасаввуфий таълимот тарихи ўз ичига икки даврни қамраб олади: **биринчиси – зоҳидлик; иккинчиси – орифлик ва ошиқлик даврлари**дири.

Зоҳидлик даври мутасаввифлари (Иброҳим Адҳам Ҳасан Басрий, Абдулоҳим Куфий ва б.) такво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билганлар.

Биринчи даврни исломий-тасаввуфий таълимотнинг ибтидоий даври (“аввалги давр”) сифатида тилга оладилар.

Иккинчи давр – орифлик давр эса, IX аср ўргаларидан бошланади. Бу

давр бир неча босқичлардан иборат:

Биринчи босқич – IX-X асрлар – хонақоҳлар; тариқат урғодатларининг пайдо бўлиш босқичидир.

Иккисинчи босқич – XI-XII асрлар исломий-тасаввуфий таълимот мактаблари, сийсилаларнинг таркиб топниш давридир.

Бу даврда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх каби шаҳарлари исломий-тасаввуфий таълимот ривожланган марказлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Натижада исломий-тасаввуфий таълимот намояндалари Миср, Хурросон, Мовароуннаҳр, Ирок ва Туркистон мамлакатларида пайдо бўлган.

Учинчи босқич – XII аср охири XIV аср бошларини ўз ичига олади. Бу босқич исломий-тасаввуфий таълимот тараққиётida сермаҳсул давр хисобланади. Мазкур йилларда исломий-тасаввуфий таълимот ўзининг тараққиёт чўққисига эришди. Айниқса, бу даврда Ибн Арабий (1165-1240), Яхъё Суҳравардий (1145-1234-35), Нажмиддин Кубро (1154-1226), Аҳмад Ясавий (1105-1166/67), Жалолиддин Румий (1273 й. в.э.) каби улуг Мутасаввифлар исломий-тасаввуфий таълимоти доирасини кенгайтирдилар.

“Агар IX-XI асрларда тавҳид асосларини чукурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари тарғиб килинган бўлса, XIII аср ўргаларидан бошлаб тафаккурий – ақлий йўналиш етакчилик қила бошлади... Натижада. Ибн Арабий ва Жалолиддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу-каромуат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳакида ҳам жуда кўп ажойиб фикрларни баён этдилар”.

Шу тариқа, исломий-тасаввуфий таълимот Шарқ тафаккури тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўзида мужассамлаштириб, уни ривожлантириди, дин ва фалсафа, хикмат ва ваҳдат, қалом ва ҳадис илмларини уйгуналаштириди, илоҳий-руҳоний билимлар билан дунёвий илм-фан орасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлади. **Натижада исломий-**

тасаввуфий таълимот мусулмон аҳлисинг тафаккур тарзи ва аҳлок меъёрлари, маънавий оламини белгилаб берувчи таълимотга айланди.

Тўртингчи босқич – XIV-XVI асрларга мансуб бўлиб, бу даврда Баҳоуддин Накшбанд асос солган накшбандия тариқати ўз тараққиётининг юкори босқичига кўтарилди. Мазкур тариқат айниқса, Мовароуннахр ва Хурсоңда ривожланди. Хожа Аҳор Валий ва Маҳдуми Аъзам кабиларнинг фаолиятлари, саъй-харакатлари туфайли накшбандия тариқати мустаҳкамланди. Бунинг натижасида накшбандия тариқатининг қамрови кенгайиб, у Ҳиндистон, Арабистон, Туркияга ҳам тарқалди. Бу даврда етук инсонни шакллантириш гояси такомиллаши.

Мазкур гоялар ёрдамида мақтаб ва мадрасаларда талабаларга накшбандия тариқати таълимоти гоялари чуқур сингдирила бошланди.

2. ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2-мавзу	Исломий-тасаввуфий таълимотда тарбия масалаларининг таҳлили
----------------	--

2.1. Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси

Вакти – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг мақсли ва түри:	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалиёт
Амалий машғулотининг режаси:	<p>1. Исломий-тасаввуфий таълимотда қалб ва қалб тарбияси пайдо бўлиши ва ривожланиши.</p> <p>2. Исломий-тасаввуфий таълимотда рух ва рух тарбияси.</p> <p>3. Исломий-тасаввуфий таълимотда нафс ва нафс тарбияси.</p> <p>4. Исломий-тасаввуфий таълимотда ажл ва ажлий тарбия</p>
Амалий машғулотининг мақсади: Исломий-тасаввуфий таълимотда тарбия масалалари (қалб тарбияси, рух тарбияси, нафс тарбияси, ажлий тарбия)ни ўрганиш, кўнікма ва малакаларни мустаҳкамлаш	
<p>Педагогик оғизифалер:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Исломий-тасаввуфий таълимотда қалб ва қалб тарбияси пайдо бўлиши ва ривожланиши ўрганиш; - Исломий-тасаввуфий таълимотда рух ва рух тарбияси ўрганиш ва баён қилиш; - Исломий-тасаввуфий таълимотда нафс ва нафс тарбиясини ўрганиш; - Исломий-тасаввуфий таълимотда ажл ва ажлий тарбиясини ўрганиш. 	<p>Ўқув фарзандининг хамисалари:</p> <p>Талаби:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Исломий-тасаввуфий таълимотда қалб ва қалб тарбияси пайдо бўлиши ва ривожланишини изоҳлашиб; - Исломий-тасаввуфий таълимотда рух ва рух тарбиясини ўрганади ва баён қиласди; - Исломий-тасаввуфий таълимотда нафс ва нафс тарбиясини ўрганади; - Исломий-тасаввуфий таълимотда ажл ва ажлий тарбиясини ўрганади.
Ўқитиш услуги ва техникаси	Мунозара, савол-жавоб, блиц-сўров ва топшириклар, тест.
Ўқитиш воситалари	Мавзуга оид адабиётлар, слайдлар, проектор, плакатлар.
Ўқитиш шакли	Амалиёт гурӯхли.
Ўқитиш шарт-шароити	Максус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолами	Савол-жавоб, кичик тест

**“Исломий-тасаввуфий таълимотда тарбия масалаларининг таҳлили”
мавзусининг технологик харигаси**

Иш боскичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	Таълим олувчилик (талабалар)
	Таълим берувчи (ўқитувчи)	
I-Боскич. Ўкув машғулотининг ташкилий тайёргарлик боскичи (15 мин).	<p>1.1. Амалиёт машғулотининг мақсади ва кутилаётган натижалари баён этади.</p> <p>1.2. Белгиланган таълимий мақсадларга мос топширикларни ишлаб чиқади.</p> <p>1.3. Топширикларни гурӯхларда ишлаш тартиб-коидаларини тушунтиради.</p>	<p>1.1. Ўқитувчи нутқини тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тушунчага эга бўладилар.</p>
II-Боскич. Асосий боскич. Англаш (55 дақика).	<p>2.1. Талабаларни кичик гурӯхларга ажратади, ишлашнинг шарт-шароитлари билан таништиради ва назорат килиб боради.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф киласди ва шу асосда блиц-сўров ва топшириклар ўtkазиб талабалар билимни фаоллаштиради. (1-илова)</p> <p>2.3. Талабаларда исломий-тасаввуфий таълимот ҳакида билим, кўникма ва малакаларини бойитиш мақсадида тест савол ва топшириклари билан фаоллаштирилади (2-илова).</p> <p>2.4. Машғулотни ташкил этишдан кутилган натижага эришганлик даражасини баҳолайди.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хуносалайди.</p>	<p>2.1. Кичик гурӯхларга бўлинниб, топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.2. Мавзу юзасидан асосий тушунчалар келтирилади ва саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Кичик гурӯхларга бўлинган ҳолда тест савол ва топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.4. Ўз фикрларини бўйича олган билимларини янада бойитадилар ва тақослаш борасида кўникма ва малакасини шакллантириладилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, мавзудан олган тушунчалар асосида хулоса чиқарадилар</p>

III-Боскич Якуний боскич (10 дакика)	<p>3.1. Фаол иштирокчи талабаларнинг машгулотдаги феолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Машгулот ўз мақсади ва кутилган натижаларига кай даражада эришилганликни хуласалайди.</p> <p>3.3. Талабалаларнинг машгулот бўйича пайдо бўлган фикрлари ва таклифлари билан танишади</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусини зълон қиласи, талабаларга мустакил ишлап учун топшириклар беради ва уларни топширикларни баҳолашга оид мезонлар билан таништиради. (3-илюва).</p>	<p>3.1. Машгулот иштирокчилари ўз фаолиятлари натижаларидан хабардор бўладилар</p> <p>3.2. Ўз фаолиятлари билан мақсадга эришишда кай даражада таъсир этганликларини билиб оладилар.</p> <p>3.3. Машгулотнинг ташкил этилиши ва олиб борилиши бўйича фикр билдирадилар.</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусидан хабардор бўладилар ва ўқитувчи томонидан берилган топширикларни ёзib оладилар</p>
---	--	---

2.2. 1-кілова

Блиц-сұров әзіршіліктер:

1. Қалб деганда нимани тушунасиз?
2. Қалб сүзи Куръонда неча марта учрайди?
3. Рух – илохий сирдир., иборани тушунтириб беринг.
4. Рухга Ибн Сино қандай таъриф беради?
5. Рухий тарбия деб қандай тарбияға айтылади?
6. Нафс – бу инсоннинг ўзлиги, “Мен”и демакдир, деган тушунчани изохлаң беринг.
7. Нафс турларини бағн қылпинг.
8. Нафс тарбиясы деб, қандай тарбияға айтылади?
9. Исломий-тасаффувий таълимотида ақл неча йұналишда бағн этилади?
10. Ақлий тарбия деб қандай тарбияға айтылади?

2.3. 2-класда

Тест савол ва топшырылған:

1. Исломий-тасағұый таулимнотта қайси тарбия турлари күпроқ үрганылған?

- А) жисмоний тарбия, иқтисодий тарбия;
- Б) мемлекеттік тарбияси;
- В) қалб тарбияси, нафс тарбияси, ақлий тарбия, нағасат тарбияси, ахлоқий тарбия, әзтиқод тарбияси;
- Г) экологик тарбия.

2. Қайси алломалар қалб инсон ичидеги илохий сирдир, деб бао берадылар?

- А) А.Навой, А.Жомий;
- Б) Кошифий, Давоний, Дехлавий;
- В) Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Газзолий;
- Г) Беруний, Хоразмий.

3. Исломшунос олимларнинг фикрінга күра рухга таъриф бериллади?

- А) рух – илохий құдрат;
- Б) рух – бу юрак;
- В) рух – кон, айримларнинг табиғиға күра рух – латиф ва нағис ҳақыдан иборат мөддий ҳолисадаир;
- Г) рух – бу күвватдир.

4. Қайси қомусий аллома рухга таъриф беради?

- А) Беруний;
- Б) Хоразмий;
- В) Ибн Сино;
- Г) Форобий.

5. Қандай инсон барқамол инсон даражасыга күтарилади?

- А) жисмонан бакувват инсон;
- Б) естук инсон;
- В) калбен, рухан, ҳамла жисмонан покланган инсон гүзәл ахлоқ-одоб төксек мәжнавият сохибига айланыб, барқамол инсон даражасыга күтарилади;**
- Г) рухан покиза инсон.

6. Нафс тарбияси исломий-тасаввуфий тәълимәттә қандай ўринде туради?

- А) мазмун, мохиятини бойитади;
- Б) ҳаром нарсаларни истемол кидишдан қайтаради;
- В) етакчи ўринни эгаллайди;**
- Г) мунтазам ривожланиб боради.

7. “Нафс, нафас – бир сүзләр. Аммо нафсни тарбиялаб бүләди, уны жилюллаб, бошкариб бүләди”, изборасы ким томонидан қайси асарда баён қалинади?

- А) И.Мүминов. Тацланган асарлар;
- Б) Н.Комилов. Тасаввуф ва тавхид асарлари;
- В) Ризоқ Бухорий. Тарикатта йўлланма;**
- Г) У.Махкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари.

8. Нафси аммора – деганда нимдани тушунасиз?

- А) руҳий камолоттага эришиш;
- Б) илоҳий сирларни идрок этиш;
- В) ёмонликка берилувчи нафслир. Нафс эгаси кибру-хавога берилади, мол-дунёга берилиш хиссидир.**
- Г) хатоларини англаш.

9. Иисон ўзи йўл қўйган хато-камчилликларини англайди, ўз-ўзинни танқид қилиш ҳолати нафсиning қайси турида бўлади?

A) нафси мулхима;

B) нафси розия;

В) нафси лайвома;

Г) нафси марзия.

10. Иисон ақли неча чил бўлади ва қайсилар?

A) 1 хил, касбий ақл;

Б) 1 хил, ақл улуг незъмат;

В) 2 хил, тугма ва касбий;

Г) 1 хил, таълим-тарбия жараёнида шаклланади.

3.4. З-илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гурӯҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога очим тошиши 0-5 балл	Гурӯҳ аъзолариning фаолигиги 0-5 балл	Жами балл

15-13 балл – “аъло”

12-10 балл – “ухши”

9-6 балл – “қоникарли”

ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Калим сўзлар:

Қалб ва қалб тарбияси; рух ва тух тарбияси; нафс ва нафс тарбияси; нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулхима, нафси мутманина, нафси розия, нафси марзия, нафси софия, ақл ва ақлий тарбия.

Исломий-тасаввуфий таълимотда қалб, рух, ақл ва нафс тарбиялари етакчи ўринни эгаллайди. Таълим-тарбия жараённада қалб, рух, ақл ва нафс деб аталаған маъноларни аник билдиб олиш лозим. Уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳақиқатни англаб етиш ва бир-биридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Биз уларнинг ҳар бирини қисқача тавсифлашга ҳаракат қиласиз. Чунки, бугунги кунда ҳам талабалар маънавиятини шакллантиришда мазкур тушунчалар муҳимдир.

1. **Қалб ва қалб тарбияси:** қалб, юрәк, дил – илоҳиёт ва исломий-тасаввуфий тушунчаси. Куръони Каримда қалб сўзи 133 марта учрайди.

Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Фаззолий каби алломалар фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли у ҳатто фаришталардан ҳам юкори туради.

Инсон қалб ёрдамида ҳар бир нарса ва ҳодисанинг асл моҳиятини англаб етади. Қалб – инсон ҳатти-харакатларини акс эттирувчи кўзгутир. Инсон ўз қалбини юмшатиб, илоҳий билимларни ўзлаштириб бориши лозимлиги исломий-тасаввуфий таълимотда алоҳида уқтириб ўтилган.

Исломий-тасаввуфий таълимотда қалб дейилганда инсон вужудидаги юрак назарда тутилмайди.

Қалб – раббоний (илоҳий), руҳоний, латиф нарса бўлиб, унинг инсон вужудидаги юрак даражасидаги қалбга боғлиқлиги мавжуд ҳодисадир. Улар орасидаги алокадорлик гўёки сифатининг сифатлангани билан бўлган алокасига ўхшайди. Бу инсон тафаккурида акс этган ҳақиқатдир. Вокеа-

ходисаларни идрок килиш, билим олиш, маърифатга интилиш, хитоб қилиш ҳам қалбга хосдир.

2. Рух ва рух тарбияси. Рух ҳакида одамлар, ҳатто мутахассислар ҳам жуда оз маълумотга эга. Баъзи исломшунос олимларнинг фикрича, рух – кон, айримларининг таъбирига кўра эса, рух латиф ва нафис ҳаводан иборат моддий ҳодисадир.

Бир сўз билан айтганда, рух – илохий сирдир. Унинг ёрдамида илохий қудрат намоён бўлади. У Оллоҳнинг энг улуг неъмати. Жамики тириклик рух билан боғлиқ. Абу Али ибн Сино бу ҳакида шундай фикр билдиради: «Улуг Тангри юракнинг икки бўшлигидан чап бўшлигини рухга ўрин ва унинг вужудга келиш жойи килиб яратди, рухни нафсоний қувватлар учун улов килиб яратдиким, у (кувватлар) рух воситасида гавданинг турли аъзоларига тарқалади. Нафсоний қувватлар, биринчидан, рухга тааллуқли бўлиб, иккинчидан (рух) воситаси билан бадан аъзоларига ёйлади. Тангри рухни хилт (модда)ларнинг латиф ва буғ қисмидан яратди. У файзи илохий билан вужудга келур».

Дарҳакиқат, рух латиф ва нафис ҳаво бўлиб, инсон қонига қўшилиб, юрак орқали бутун танага тарқалади. Рух покиза бўлса, инсоннинг бутун танаси покланиб, сайқал топади. Аксинча у нопок бўлса, инсон ҳою-хавас ва дунё лаззатига берилиб, руҳул ҳабис, яъни ёмон рух эгаси бўлади.

Демак, рух илохий ҳамда табиий кучга зга бўлиб, у инсонни имтиҳон қилиш ва поклаш учун унга ато этилган. Бу покланиш Оллоҳни қалбан ёдлаш, унинг мавжудлигини эътироф этиш орқали амалга ошади. У ўзининг илохий маконига қайтиш жараённида покланади. Бундай объектив ҳакиқат орқали исломий-тасаввуфий таълимотда рух тарбиясининг муҳимлиги гояси илгари сурилади. Қалбан, руҳан ҳамда жисмонан покланган инсон гўзал ахлок-одоб, юксак маънавият соҳибига айланиб, баркамол инсон даражасига кўтарилади.

3. Нафс ва нафс тарбияси. Исломий-тасаввуфий таълимотда нафс тарбияси етакчи ўрин эгаллайди. Нафс – бу инсоннинг ўзлиги, «мен»и

демақдир. Нафс фәқаттана еб ичиш, кийиништа бүлган интилишдан иборат эмас, у жаҳолат, илмсизлик, манманлик, дунёпаратстлик, ўтрилик, таъмагирлик, пораҳурлик, ҳасад, баҳиллик, мансабпаратстлик, шаҳват, ғазаб, ҳасислик, риёкорлик, золимлик, раҳмсизликка хирс қўйишидир.

Нафс мунтазам ривожланиб борувчи ҳолатдир. У инсоннинг дунё лаззатларига бўлган эҳтиёжи туфайли ўсиб ривожланиб боради. Нафс ҳар доим инсонни ёмонликка, гуноҳ ишларни килишга ундаиди. Инсон ўз нафсини қанчалик қондирса, у шунчалик кучайиб, кенгайиб боради.

Исломий-тасаввифий таълимотда агар инсон ҳалол нарсаларни истеъмол қиласа, унинг қалби ва руҳи пок, яхшиликка интилувчан, ҳайрли ишларга мойил бўлади. Аксинча, инсон ҳаром нарсаларни истеъмол қиласа, у инсонни жирканч, дагал, беражм, бешафкат, шаҳватга берилувчан, золим ва нафс баандаси қилиб таркиб топтиради, деб уқтиради.

“Нафсни ўлдириб бўлмайди. Уни ўлдирса, инсоннинг ўзи ҳам ўлади. Чунки нафс, нафас – бир сўздир. Аммо нафсни тарбиялаб бўлади, уни жиловлаб, бошқариб бўлади”.

Нафс ўз навбатида бир неча турларга бўлинади.

а) **Нафси аммора** – ёмонликка берилувчи нафсдир. Бундай нафс эгаси кибру-ҳавога берилади, гуноҳ ва савобнинг фарқига бормайди. Инсон камолотига монелик қиласидиган куч мол-дунёга берилиш ҳиссидир. Бундай тубан ҳолатдан чикиш учун инсонга умид ёрдам беради. Нафси амморага карши кураш жарабнида инсон ахлоқи юксалади ва унда матонат шакланади. Нафси амморани тўлиқ маҳв этган инсон кейинги нафс босқичига ўтади.

б) **Нафси лаввома**. Инсон ўзи йўл қўйган хато-камчиликларини англаған ҳолда, ўз-ўзини танқид қилишидир. Бунда инсон ўзи қилган гунохларини англай бошлайди ва унда афсусланиш, пушаймонлик ҳисси пайдо бўлади. Оллоҳни ёд этиш (зикр) натижасида унинг эзгуликка интилиш ҳолати кучаяди. Нафси лаввома босқичида инсон ўз кувватларини идора қилиб, ўзини-ўзи англайди, бошқареди, руҳий камолотта эришади.

в) Нафси мулхима – маънавий ҳаётнинг гўзалликларини англаб, Оллоҳ сифати билан илҳомланади. Бу босқичда инсондаги барча салбий хислатлар барҳам топади. У илохий сирларни идрок этади. Үнинг қалбида Оллоҳга бўлган муҳаббат устуворлик килади. Бу босқичга эришган инсон оз галиради, оз ухлайди, унда сабр-бардош, саҳоват, қаноат каби сифатлар таркиб топади.

г) Нафси мутманина – таскин топган нафсdir. Бундай инсон Оллоҳ томонидан ато этилган сифатларни ўзида мужассамлаштиради, охират азобини англаб етади ва улугвор сифатларни ўзида намоён килади.

д) Нафси розия – Оллоҳнинг барча неъматларидан рози, ўз ҳаётидан мамнун инсон. Оллоҳ томонидан ато қилинган ҳар бир ишни яхшиликка йўяди.

е) Нафси марзия. Мазкур нафс сохиби Оллоҳ томонидан севишга лойик деб топилган инсонга айланади.

ғ) Нафси софия – бу Пайгамбарларга хос бўлган нафсdir. Ушбу сифатлар турли сабаб ва усуслар орқали Оллоҳ томонидан инсонларга энг улуғ неъмат тарзида тақдим этилади.

4. Ақл ва ақслий тарбия. Ақл инсондаги англаш ва фикрлаш хусусияти бўлиб, у Оллоҳнинг инсонга берилган энг улуғ неъматидир. Турли мажбуриятларнинг инсон зиммасига юкланиши учун у ақлан етук бўлиши керак. Инсоннинг ақли икки хил: тұгма ва касбий характерга эга. Тұгма ақл унинг сохибига Оллоҳ томонидан ато қилинади. Касбий ақл эса, таълимтарбия жараённица мұайян касб-хунар сирларини эгаллаш натижасида ҳосил бўлиб, у хусусий характерга эга.

Исломий-тасаввуфий таълимотда ақл қуйидаги икки йўналишда тавсифланади.

а) нарса-ходисалар ва борликнинг ҳақиқий манзарасини идрок этишга асосланган билимларнинг ифодасидан иборатдир.

б) инсоннинг мавжуд билимларни идрок этиш имкониятидир.

Демак, исломий-тасаввуфий таълимотнинг вужудга келиш сабаблари ва унда ифодаланган педагогик тоялар, шахсга таълим-тарбия бериш

воситалари ва йўлари, шахс маънавиятини шакллантиришга хизмат қиласиган қарашлар ва ахлоқий месъёрлар бугунги кунда баркамол шахсни шакллантиришда муҳим бўлиб, ўкув жараёни мазмунини бойитади. Чунки исломий-тасаввуфий таълимотнинг асосий мақсади ҳам инсонни маънавий-ахлоқий камол топтириш, уни руҳий-маънавий ва жисмоний жиҳатдан поклашдан иборатdir.

Биз юкоридаги фикрларга асосланиб «Исломий-тасаввуфий таълимот воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш» андозасини тавсия қиласиз (1-жадвал).

1-жадвал

Исломий-тасаввүфий таълимот воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш

Пайдо булиши	Таълим олиш усуллари	Макон, жой	Илм олувчилар	Даъволари	Даврлари	Исломий-тасаввүфий таълимот турлари
1) Шиш (а.с.) даврида				1) Эрондан келиб чиккан	1) Зоҳид даври	1) Қалб ва қалб тарбияси
2) Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) даврида	2) Сұхбат (шайх-мурид сұхбаты)	Хонақох, работ, масжид	1) Ахли сүффа кечалари (70-80та), кундузлари (400-450 та)	2) Ҳинддан келиб чиккан		2) Рух ва рух тарбияси
3) Усмон Зуниурайн, Уммавийлар даврида	3) Солмоний Форсий, Имом Жаъфари Содик		3) Авлие Каландар, дарвеш ахли ботин.	3) Янги Афлотун-чиликдан келиб чиккан 4) Иброний насронийлардан келиб чиккан	Орифлик даври босқичлари	3) Нафс ва нафс тарбияси турлари; а) нафси аммора; б) нафси лаввома; в) нафси мулхима; г) нафси; мутмалинна д) нафси розия е) нафси марзия; ё) нафси софия.

3. ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТ ЙЎНАЛИШЛАРИ - ПЕДАГОГИК ВОСИТА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ

З-мавзу	Исломий-тасаввуфий таълимот йўналишлари - педагогик восита сифатида ўрганилиши
----------------	---

3.1. Амалий машгулотнинг ўқитниш технологияси

Вакти – 2 соят	Талабалар сони:
Ўқув машгулотининг шакли ва тури: Амалий машгулотнинг режаси:	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустахкамлаш юзасидан амалиёт 1. Шарнат – зоҳирий билимлар маъмуасидир 2. Тарикат – Исломий-тасаввуфий таълимотнинг амалий кўринишни эквалигига 3. Маърифат инсоннинг баркамолликка эришини йўлида асосий восита эквалигига. 4. Ҳақиқат инсоннинг асл киёфаси билимлар билан сифатланиб баркамоллик маъомига эришини
Амалий машгулотнинг мақсади: Исломий-тасаввуфий таълимот йўналишлари - педагогик восита сифатида фойдаланиш (шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқат)ни ўрганиш, кўникумга ва малакаларни мустахкамлаш	
Педагогик сизифалар: Шарнат – зоҳирий билимлар маъмуасини ўрганиш; Исломий-тасаввуфий таълимотнинг амалий кўринишидан тарикатнинг ролини ўрганиш ва баён юлиш; Маърифат инсоннинг баркамолликка эришини йўлида асосий восита эквалигигини ўрганиш; Ҳақиқат инсоннинг асл киёфаси билимлар билан сифатланиб баркамоллик маъомига эришини ўрганиш.	Ўқув фавқалатининг натижалари: Талаба: - Шарнат – зоҳирий билимлар маъмуасини ўрганиди ва изоҳайди; - Исломий-тасаввуфий таълимотнинг амалий кўринишидан тарикатнинг роли ўрганиди ва баён килади; - Маърифат инсоннинг баркамолликка эришини йўлида асосий восита эквалигини ўрганиди; - Ҳақиқат инсоннинг асл киёфаси билимлар билан сифатланиб баркамоллик маъомига эришини ўрганиди.

макомонга эрпишишкни ўрганиш.	
Ўқитиш услугиси ва техникаси	Мунозара, савол-жавоб, блиц-сўров ва топшириклар, тест.
Ўқитиш воситалари	Мавзуга оид адабиётлар, слайдлар, проектор, плакатлар.
Ўқитиш шакли	Амалиёт гурӯхли.
Ўқитиш шарт-шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, кичик тест

“Исломий-тасаввифий таълимот йўналышлари - педагогик восита сифатида ўрганилиши” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	Таълим олувчилар (талабалар)
	Таълим берувчи (ўқитувчи)	
I-Босқич. Ўкув машгулотининг ташкилий тайёргарлик • босқичи • (15 мин).	<p>1.1. Амалиёт машгулотининг мақсади ва кутилаётган натижалари баён этади.</p> <p>1.2. Белгиланган таълимий мақсадларга мос топширикларни ишлаб чиқади.</p> <p>1.3. Топширикларни гурӯхларда ишлаш тартиб-кўндаларини тушунтиради.</p>	<p>1.1. Ўқитувчи нуткини тинглайдилар ва ёзиг оладилар.</p> <p>1.2. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тушунчага эга бўладилар.</p>
II-Босқич. Асосий босқич. Англаш (55 дақика).	<p>2.1. Талабаларни кичик гурӯхларга ажратади, ишлашнинг шарт-шароитлари билан таништиради ва назорат килиб боради.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тарьиф беришни таклиф килади ва шу асосда блиц-сўров ва топшириклар ўтказиб талабалар билимини фаоллаштиради. (I-илова)</p> <p>2.3. Талабаларда исломий-тасаввифий таълимот хақида билим, кўнишка ва</p>	<p>2.1. Кичик гурӯхларга бўлинниб, топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.2. Мавзу юзасидан асосий тушунчалар келтирилади ва саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Кичик гурӯхларга бўлинган ҳолда тест савол ва топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.4 Ўз фикрларини бу мавзу бўйича олган билимларини янада бойитадилар ва</p>

	<p>малакаларини бойитиш мақсадида тест савол ва топшириклари билан фаоллаштирилди (2-илова).</p> <p>2.4. Машгулотни ташкил этишдан кутилган натижага эришганик даражасини бақолайди.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хуносалайди.</p>	<p>тақослаш борасида кўнімка ва малакасини шакллантирадилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, мавзудан олган тушунчалар асосида хуоса чиқарадилар</p>
III-Босқич Якуний босқич (10 дакика)	<p>3.1. Фаол иштирокчи талабаларнинг машгулотдаги фаолиятини таҳлил килади ва бақолайди.</p> <p>3.2. Машгулот ўз мақсади ва кутилган натижаларига кай даражада эришилганикни хуносалайди.</p> <p>3.3. Талабалаларнинг машгулот бўйича пайдо бўлган фикрлари ва тақлифлари билан танишади</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусини зълон килади, талабаларга мустакил ишлаш учун топшириклар беради ва уларни топширикларни бақолашга оид мезонлар билан таништиради. (3-илова).</p>	<p>3.1. Машгулот иштирокчилари ўз фаолиятлари натижаларидан хабардор бўладилар</p> <p>3.2. Ўз фаолиятлари билан мақсадга эришишда кай даражада тъясир этганликларини билиб оладилар.</p> <p>3.3. Машгулотнинг ташкил этилиши ва олиб борилиши бўйича фикр билдирадилар.</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусидан хабардор бўладилар ва ўқитувчи томонидан берилган топширикларни ёзib оладилар</p>

2.2. 1-члова

Блиц-сұров өз топширикілар:

- 1. Шариат деганда нимани тушунасиз?**
- 2. Дж.Тременгәм тарықатларни вужудға келишини неча босқичда үрганади?**
- 3. XV асрни қамраб олиб, Трименгәм уни тоифа деб атайды. Бу даврда исломий-тасаввуфий таълимот оммавий яхамият қасб этиб, халқ харакатига айланади. Бу қайси босқичта түгри келади?**
- 4. Тарықат турларини бағн қилинг.**
- 5. Накшбандия тарықати ёшлар мәннавиятынни шакллантиришда қандай ахамиятта зга?**
- 6. Мәърифат илми ва унинг ахамияты нимада?**
- 7. Н.Комилов мәърифат ҳақида қандай фикрларни бағн қилган?**
- 8. Ҳақиқат түшунчасини бағн қилинг.**
- 9. Илми хол ва илми қол түшунчаларини фарқлаб беринг.**
- 10. Мәннавият инсон етуклигининг асосий босқичи сифатида үрганилишида ботиний илмнинг ахамиятын бағн қилинг.**

2.3. 2-шлова

Тест савол ва топшырыстары:

1. “Тарикат” сўзининг маъноси йўл демакдир, фикрлари қайси олимга тегишилдири?
А) Ҳамиджон Ҳомидий;
Б) Комилжон Хошимов;
В) Нажмиддин Комилов;
Г) Иброҳим Ҳаккул.

2. Тарикатларининг вуҷудга келиши ва ривожланиши тараққиятни уч босқичга бўлиб, таҳлил қилиб ўрганган олим ким?
А) Кныш;
Б) Идрисшоҳ;
В) Акимушкин;
Г) Дж. Тременгэм.

3. Тарикат талабларида қайси муносабатлар биринчи ўринга кўйилади?
А) Ўзининг хусусиятларини саклаган ҳолда;
Б) Инсоннинг маънавий камолот йўли;
В) устоз-шогирд муносабати;
Г) Рухий камолотига кўмаклашади.

4. Тарикатда устоз-шогирд муносабатлари ким томонидан таснифланади?
А) Алишер Навоий;
Б) Захирiddин Бобур;
В) Вониз Кошифий;
Г) Давоний.

5. Тарқатда устоз-шөгирд мұносабатлари қайсы асарда бағынанади?

А) "Махбуб-ул құлуб";

Б) "Ахлоқи Давоний";

В) "Футувватноми сұлтоний" ёхуд жағонмардлық тарқаты;

Г) "Хамса".

6. "Тавбани – бабул авваб эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар" жумласи қайси алломага тегишилдири?

А) Беруний;

Б) ибн Сино;

В) Баҳоуддин Накшбанд;

Г) Абдухолиқ Фиждуоний.

7. Илми ҳолниңг үзінгә хос қандай босқичлари мавжуд?

А) мұкошафа, тавба, сабр;

Б) чидам, қаноат, бардош;

В) курб, мұхаббат, шавқ, үнс, мұжохила, мұшохила, мұкошифа;

Г) шариат, тарикат.

8. Яссавий тарқаттанның асосчеси ким?

А) Нажмиддин Кубро;

Б) Баҳоуддин Нақбанд;

В) Ахмад Яссавий;

Г) Имом Ғаззолий.

9. Ҳожагон тарқаттанның асосчеси ким?

А) Баҳоуддин Нақшбанд;

Б) Ҳожи Байрам Валий;

В) Абдулхолик Фиждувоний;

Г) Низомиддин Авлие.

10. Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов маърифатни эгаллаш йўлларини неча боскичда тавсифлайди?

А) 3 боскич;

Б) 5 боскич;

В) 4 боскич;

Г) 7 боскич.

11. Ҳакикат бари илмдир” деган ибора кимга тегишши?

А) иби Арабий;

Б) Суҳравардий;

В) Боязид Бастомий;

Г) Абу Бакр ибн Тоҳур ал-Абхарий.

12. Иби Арабий билимларни неча турга бўлади, улар қайслар?

А) 2 та, (1. Илми ҳол, 2. Илми қол);

Б) 1 та, (Ботиний илм);

В) 3 та, (1. Ақлий, хиссий илмлар), (2. Ҳол илми), (3. Билим сиру-асрор илми);

Г) 3 та (илмул яқин, ҳаққул яқин, айнул яқин).

3.4. 3-илова

Баҳолаш мезони ва күрсаткычлари

Гурӯҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилишни 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога очим тошиши 0-5 балл	Гурӯҳ мъозориниң фаолиги 0-5 балл	Жами балл

15-13 балл – “аъло”

12-10 балл – “яхши”

9-6 балл – “қониқарли”

ИСЛОМИЙ-ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТ ЙЎНАЛИШЛАРИ - ПЕДАГОГИК ВОСИТА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ

Калим сўзлар:

шариат, тариқат, тариқат йўналишлари, маърифат, ҳакиқат, тавба, бабул-авбаб, сабр, мукошифа, мушоҳада, илми хол, ботиний илм, ибн Арабий, Ахмад Яссавий, Суҳравардий, устоз-шогирд муносабатлари.

Исломий-тасаввуфий таълимотниң асосий йўналишлари ҳалқ маънавиятини бойитиши, жамият ҳаётини ривожлантириши билан муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади. Бунинг натижасида буғунги кунда ҳам талабалар маънавиятини шакллантириш имкониятлари кенгаймокда.

Исломий-тасаввуфий таълимотниң дастлабки ва энг муҳим йўналиши – шариатdir. Мазкур йўналиш талабларига кўра, жамият аъзолари уларнинг олдиларига қўйилган барча маънавий, ижтимоий қоидаларига бўйсунишлари керак. Шундан кейин иккинчи йўналиш тариқатга ўтиш муммин.

Иккинчи йўналиш бўлган тариқат талабларига кўра эса, инсон энг тўғри маънавий камолот йўлидан юриши керак. Чунки, “Тариқат” арабча сўз бўлиб, йўл деган маънени билдиради. Тўғри йўлдан юрган инсон ўзининг маънавий камолотини таъминлаш имкониятига эга бўлади. бу ҳолат айниқса талабалар учун муҳим аҳамиятга эга. “Тариқат – ҳакиқатни мистик билишининг услубидир” – дейди О.Акимушкин. “Тариқат – амалий услуб бўлиб, толибни тафаккур, хисснёт ва амалларга йўналтиради, уни босқичма-босқич мақомлардан ўтказиб, ҳолатлар деб номланувчи психологик тажрибалар билан илоҳий ҳакиқатга етказади”, дейди инглиз олими Дж.С.Трименгэм. Тасаввуфшунос олим Н.Комилов эса, – “Тариқат” сўзининг маъноси йўл демакдир. Яъни, илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишиининг рухий – ахлоқий камолот йўли, тариқатни

тасаввубининг амалий қисми”, деб таърифлайдилар. “Дарҳакиқат шундай, чунки шир-мурадлик қоидалари одобига риоя этиш, шогирд (яъни тарикатга кадам кўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриклар, иродат ва ишорат усуслари ҳам тарикат ичига киради”.

Исломий-тасаввубий таълимотда инсон руҳий камолотида шариатдан кейинги маърифат ва ҳакиқатдан олдинги камолот даражаси ҳам тарикат дейилади.

Демак, юқорида таъкидланганидек, тарикат бугунги кунда ҳам инсоннинг маънавий камолот йўлидир. Бугунги кунда мазкур йўлиниң бошида талабалар турмокдалар. Исломий-тасаввубий таълимоти маънавиятини згаллаш орқали уларнинг камолоти таъминланади. Бу жараёнда улар маърифат ва ҳакиқат йўлларидан юрадилар.

Инглиз олими Дж.Трименгэм тарикатлар вужудга келиши ва ривожланиш тараққиётини уч босқичга бўлиб таҳлил килади. У босқичларни инсоннинг маънавий камолот даражаси ривожланишига асосланган ҳолда, таснифлаган.

Биринчи босқич – X-XII асрларни ўз ичига олиб, тарикатларнинг олтин даври ҳисобланади. Бу даврда инсонлар хонақохларда таълим олганлар.

Иккинчи босқич – XIII-XIV асрларни ўз ичига олади. Бу босқич жамиятдаги қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш ва ёш авлодга таълим бериш усусларининг вужудга келиши билан тавсифланади. Бу даврда кишиларда жамоа сифатида таркиб топиш йўллари, инсониятнинг руҳий камолоти учун исломий-тасаввубий таълимоти тараққиётида пайдо бўлган қоидаларга бўйсуниш кўниқмалари шаклланган. Мазкур босқични мутахассис тарика деб номлайди.

Учинчى босқич – XV асрни қамраб олиб, Трименгэм уни тенға деб атайди. Бу даврда исломий-тасаввубий таълимот оммавий аҳамият касб этиб, ҳалқ ҳаракатига айланади. Тарикатлар ривожланиб уларнинг янгидан-янги

тармоқлари вужудга келади. Натижада жуда күп қонун-коидалар ишлаб чыкылади, бу эса, жамият аззоларининг рухий эркинлигини бир кадар чегаралайди. Мазкур ҳолатда уч хил ҳолат күзга ташланган. Бу даврда устоз-шогирд муносабатлари шаклланади ва ривожланади.

Биринчи босқичда инсон рухан әркин ҳаракат күлгән бўлса, учинчи босқичда шайхга қарам бўлган. Бу эса, беъзи ҳолларда кишиларни рухий қулилкка ҳам олиб келган. Бунинг натижасида аста-секин тарикатлар ривожланиши таназзулга юз тутган. Биринчи босқичда устоз ўз шогирдларининг рухий камолотига кўмаклашган, унинг эркинлигини кафолатлаган бўлса, кейинги даврларда мазкур ҳолат ўзгарган. Шунинг учун ҳам ўзининг хусусиятларини саклаган тарикатлар ўз тараққиётининг биринчи босқичида камол топган.

Тарикат талабларига кўра, устоз шогирд муносабатлари биринчи ўринга кўйилган. Шунинг учун ҳам “Тарикатни иродат ҳам дейдилар. Яъни иродани шайх иродасига мувофиқлаштириш шайх иродасини ўз иродаси деб билишдир”. Ҳар бир устоз – тарикат мақомларини босиб ўтиши керак. У ҳар жиҳатдан шогирдига ўрнак бўлиши лозим.

Бу ҳакяда Кошифий ўзининг “Футувватномаси султоний ёхуд жавонмардлик тарикати” асарида шундай фикр билдиради: “Агар шайхлик руқијлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айттил. Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин... Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғаб олсин. Учинчидан, етук рухий-маънавий куввати бўлсин, токи агар мурид тарикат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин. Тўртингчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риёв ва таъмани тарк этсин, мол ва мансаб деб бирорвга сарғаймасин, этилмасин. Олтинчидан, ростлик ва беғараз дўстликни шиор қилсин, хақ сўзни ҳар ерда,

хар қандай шаронтда айта олсин, гапирганда иккюзламачилик қилмасин. Еттингчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсич, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун кўйсинг”.

Бу талаблар бугунги кун учун ҳам катта амалий-педагогик аҳамиятта эга бўлиб, устоз-мураббий ҳеч қачон нафса ружуъ қўймаслиги, шоғирдлари билан ҳар бир муаммони оқилона ҳал қилиши, уларнинг манфаатларини ўз манфаатидан устун кўйиши, ҳалол, бегараз, ҳактўй, адолатли, иисофли бўлиши лозим.

Шайхларнинг устозлик қобилияти хусусида накшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Накшбанд кўйидагиларни тъкидлайди:

“...Масалан, улар маърифат аҳлидир ёки муомала аҳлидир ё мухаббат аҳлидир ёки тавхид аҳлидир, дейишади. Авлиё ҳолининг мукаммаллиги ва даражасининг ниҳоятга етганлигини бесифатлик, бенишонлик билан изоҳлайдилар. Бесифатлик Оллоҳдан юз берувчи қашф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир”.

Ёки: “Бу бесифатлик мартабасининг камоли Ҳазрати Саййид улМурсалийн (Мұхаммад с.а.в.)га насиб этган бўлиб, барча анбиё ва авлиёлар ўз мартабалариға мувофиқ ул зотнинг саодат хирмонидан бошок терувчилардир. Улар (Расулуллоҳнинг) мукаддас битикларидан мадад олиб, бу мартабанинг даражалари узра тараккӣ топадилар. Ҳазрати Расул (с.а.в.)га маҳсус бўлган «мақоми маҳмуд» бу зотдаги шу мартабанинг камолига ишоратдир”.

Алломанинг фикрича, устоз (пир, шайх) маърифат аҳли, уларнинг даражаси бесифатлик даражаси, бу Оллоҳдан берилган олий мақом эканлигини уқтиради.

Тариқатда яна шоғирднинг ҳам сифатлари, хислатлари ва зийнатлари кўрсатиб берилган. Бу сифатларни Ҳусайн Вонз Кошифий қўйидагича тавсифлаган эди: “Агар муриднинг нечта сифатлари бўлиши керак, деб сўрасалар, ўнта дебайтил. Аввал шуки, у балоғат ёшига етган бўлиши керак.

Чунки балоғатта стмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба

килмаган одам муридликка муносиб эмас. Иккинчидан, у оқыл одам бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзнинг пасту-баланди, рамзий-ботиний маъноларини англамайди. Учинчидан, муслим бўлсин, агар мусулмон бўлмаса, тавба келтирини мумкин эмас. Тўртингчидан, талабгор бўлсин, яъни талаб йўлига жидду жаҳд билан қадам кўймаса, тараққий этмайди. Бешинчидан, садоқатли бўлсин, чунки агар сидқу дилдан киришмаса, пирнинг маърифати кўнглидан жой олмагай ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадига етолмайди. Олтинчидан, тобеъ бўлсин, яъни пирнинг ихтиёридан бир қадам ҳам чекинмасин. Еттингчидан, баланд идрокли бўлсин, яъни ўткир зехн ва зийраклик билан тўғри йўлни топиб олсин. Саккизингчидан, қабул этувчи бўлсин, яъни пирнинг сўзларини рост деб қабул килсин ва пирга мақбул тушсин. Тўқизингчидан, қаноатли бўлсин, яъни факат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш) билан қаноатлансин, ортиқчасини талаб қилмасин, зеро ортиқча талаблар кишини тарикат шуғлидан четлаштиради. Ўнинчидан, солим (бугун) бўлсин, яъни бошқа пирга қўл бермаган бўлсин, бошқа киши билан келишиб, аҳд килмаган бўлсин, чунки аҳду-паймон битта бўлади”.

“...Агар муридлик хислатларининг кисқача баёни нечта, деб сўрасалар бешта деб айттил, яъни пок бўлиб, пок юриш, жавонмардлик ва маломатий сифатларини эгаллаш (маломатий эл маломатини ўз шарафи, деб билган сўфий), халқнинг гап-сўзидан қўркмаслик, каландар сийратли бўлиб, одамлар таърифутахсини, хоҳиш мақтovларига парво қилмаслик, шижоатли ва жасур бўлсин, ҳар хил хаёлларга бормай, ўзини хотиржам тутиши, ниёзманд, яъни ҳамиша дийдор талаб бўлишdir”.

Аллома яна фикрида давом этиб дейдикя: “Агар муриднинг зийнати нима деб сўрасалар, бу куйидагилардан иборат деб жавоб бергил: зухд, такво, мужохада, ўз нафсини сенгиш учун шижоат кўрсатиш, ҳаммага бирдай беминнат хайру-эхсон килиш, ишининг биносини сидқ асосига қуриш, ўзни таниш даражасига кўтарилгунча илм эгаллаш, одобга мунтазам риоя этиш, биродарини

равшан этадиган мулойим хулкли бўлиш, ёрларга дагаллик килмаслик, инсоф чизигидан чикмаслик, фидокорлик, бирорга озор етказмаслик, камгап бўлиб юриш, лекин керакли жойда муносиб гапни топиб айтиш, олий химматлилик, майда-чўйда ишлар билан қаноатланмаслик, омонатни сақлай олиш, раҳм-шафқатли бўлиш, ота-она ва устозлар раяйидан чикмаслик. Кимки ушбу сифатлар ила музайян бўлса, дарҳакиқат зийнатли муриддир”.

Демак, шогирд устоз отангдек улуг наклига амал қилиши зарур. Шогирднинг хислати поқдомон бўлиши, жавонмард – жисмоний маънавий факирлик йўлида сарф этиши хайру-эҳсонли бўлиши, ҳалқ ганини сингил қилиши, ўз манфаатларидан устун кўйиши лозим (Шогирднинг зийнати зуҳд, мужохада, тавба, вараъ, факт, сабр, таваккул ва бошқалар хусусида кўйида баён килинади).

Маълумки, тариқатда мақомат ва ҳол тушунчалари етакчи ўринларда туради.

«Мақомат» – мақом, манзил, бекат деган маънени англатиб, шогирднинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини ифодалайди. Тариқатда кўйидаги мақомлар мавжуд:

1. Тавба – қайтиш демакдир, яъни камолот ва ахлоқий сифатларни эгаллаш демакдир. Аллома Баҳоуддин Накшбанд бу ҳакида шундай фикр билдиради: «Истиғфор (тавба)нинг ҳакиқати шуки, истиғфор ҳамма гуноҳларнинг негизи хисобланган башарият вужудидан (кечиш ҳакида) бўлмоғи керак».

Яна:

“Тавбани бабул авваб – эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади”.

Демак, шогирд «мен»лик хусусиятидан қайтиши, ўз нуқсонларини тузатиши, қабиқ фикрларга бормаслиги, ўзи-ўзини англаши лозимдир.

2. Вараъ – учинг маъноси парҳез, такводир. Жамиятта маънавий зарар келтирадиган иллатларни йўқотиш демакдир. Бунинг учун талабалар ўз ҳатти-

ҳаракатларини мунтазам назорат қилишга ўрганишлари керак. Вараъниинг учхила кўришини мавжуд:

- 1) Тил вараъси – тилга эҳтиёткорлик, бемаъни гап-сўзлар, гийбат ва бўхтонлардан тийилиш;
- 2) Кўз вараъси – шубҳали нарсалардан сақланиш, нопок жойларга нигоҳ ташламаслик;
- 3) Қалб вараъси – қалбни пок тутиш, гараз ниятларга барҳам бериш, диснатли бўлиш, ўз сиркни ҳар кимга ошкор этмаслик.

Хуллас, инсоннинг юриш-турниши, ҳатти-ҳаракати, гап-сўзларига эътиборли бўлиши лозимлиги исломий-тасаввуфий таълимотининг етакчи формаларидан бирордир.

3. Зуҳд – у вараънинг узвий давоми хисобланади. Зуҳднинг маъноси пархез қилиш, сақланиш демакдир. Бунда ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, ўз ҳалқумини пок тутиш, вужудга зарар келтирадиган таомлар ва ичимликдан сақланиш лозимлиги уқтирилади. Фаззолийнинг таъбирича: «Зуҳд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайгурмасликдир». Демак, зуҳд – Оллоҳ томонидан берилган ризқ-насибага ҳар бир инсоннинг қаноат қилиши, молудунёга ружуъ қўймаслик, ҳалол ризқ билан кун кечириш ҳақидаги маънавий-ахлоқий қоидалар йигиндисидир.

4. Факр – бу қашшоқлик демакдир. Бу ўринда маънавий қашшоқлик ҳақида фикр юритилади. Инсон қалби бенаво бўлиши, хокисорлик ва инёзмандлик, садоқат, адлу-ҳидоят йўлида камтарни бўлиш лозимлиги уқтирилади. Шукроналик умрнинг қадрига этиш мезони сифатида баҳоланади.

5. Сабр – токат, чидам маъноларини англатади. Бу ўринда қийинчиликлардан шикоят кильмаслик маъносини ифодалайди. Инсон ҳаётидаги руҳий маънавий мушкулотлар вужудга келгандаги, у сабр-бардош натижасида ўз мақсадига етади. Инсоннинг нағси ҳам унинг сабр-бардоши брдамида жиловланади.

6. Ҳаф – инсон қалбининг ишончдан чиқиши, искиланиши, таҳликаси маъноларини ифодалайди.

7. Ражо – бу умидворликдир. Инсоннинг келажакда ишончи, умидворлитини таъминловчи түйгудир.

8. Таваккул – таваккал сўзидан олинган бўлиб, кимгадир умид боғлаш, шогирд устозига, ота-онаси ёки яқинларига алоқадорликдир. Ўтмишида таваккул амаллари зоҳидлар ва сўфийлар орасида кенг ёйилган эди. Улар Куръонга асосланиб, таваккулни ниймон-эътиқод билан боғлашган. Таваккул сўфийликнинг бошқа бир макоми юниксиг билан ҳам алоқадордир. Илотиёт олимларининг таъбиричা, таваккул эгаси бўлган инсон меҳнат килиш, илм эгаллаши, тижорат билан шугууланиши мумкин. Лекин, у мол-дунё тўплашга берилмасдан кундалик эҳтиёжлари учун ишлаб ризқ насибасини излаб топишни керак. Шу билан бир каторда, “Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларининг барги улуғ Тангри қудрати туфайли, қудратнинг намоён бўлиши эканлигини о঱глаши шарт”. Мазкур гоя бугуига куни учун ҳам алоҳидга аҳамиятта эга бўлиб, талабаларни билим эгаллаш, ўз куч-қудрати ва ҳалоҳиятига ишониш, мол-дунё кетидан қувваслик ва қунт билан билим эгаллашга ундайди.

9. Ризо – Оллоҳ, ота-она, устоз-мураббий ризолигига эришишдан иборат бўлиб, улар хоҳлаган, буюрган ишларни қилиш демакдир. Чунончи, талабалар ота-оналари ва устозлари хоҳлагандек, илм-фак сирларини эгаллашлари, мустақал жамиятимиз талаб қилинандек, яхши инсон, малакали мутахассис бўлишлари уларни Оллоҳ ризолигига сазовор қиласди.

Тарикатнинг барча мақомларида ифодаланишича, инсон қалбан пок, сабрли, қаноатли бўлиши, Оллоҳ қудратини идрок эта олиши билан тарикатдан мөъриғат сариг йўналтирилади. Шогирдлар, шу жумлаздан, талабалар илм эгаллашининг оғир ва машаккатли йўлини босиб ўтишлари лозим. Бунда устоз (пир) турли воситалардан фойдалаяшиб, ўз шогирдининг мақсадига эришиш

Йўлидаги мислсиз инсонийлик садоқати, фидойилигига мадад беради, унга йўлбошчалик киради. Шогирд макомнинг ушбу даражаларини босиб ўтиб, хол мартабасига эрашади. Хол инсоннинг руҳиги билан боғлиқ бўлганини учун ҳам, у исломий-тасаввифий таълимотида маҳсус илм - илми хол сифатида ўрганилган.

Исломий-тасаввифий таълимоти ахли орасида «**илми ҳол**» ва «**илеми ҳол**» тушунчалари мавжудлар.

«**Илеми ҳол**» сирасига зохирий, яъни шариат илмлари киради. «**Илеми ҳол**» донрасига эса, инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган руҳий кечинималар ифодаланади.

Илеми ҳолининг ҳам ўзига хос босқичлари мавжуд:

- 1) **Курб** (яқинлик), устоз шогирдининг Оллоҳга яқинлашганлигини сезиш холатидир.
- 2) **Мухаббат** – қалбда кучли тутёнинг кўтарилиши, безонта бўлиши, шогирдникинг Оллоҳ гўзаллиги, сифати томон талпинишидир.
- 3) **Шавқ** – мухаббатнинг кучайиши натижасида инсонда вужудга кела-диган хиссий ҳолат.
- 4) **Умс** – меҳрга кўнишиш, одатланишидир.
- 5) **Муҳоҳда** – нафси жиловлашга харакат килиш, мъявнавий-руҳий камолотта интилишидир.
- 6) **Мушоҳида** – кўриш, руҳий изтироблардан кейин шогирд Оллоҳ сифати ва амалини мушоҳида (кўради) эта бопчайди.
- 7) **Мукошифа** – шогирдда илоҳий пардалар очилиб, илоҳий сирларининг кашф этилишига йўл очилди ва мукошифа мартабасига кўтарилади.

Илеми ҳол билан боғлиқ қарашларни ўрганиш натижасида таълабаларда мъявнавий хис-туйгулар ўз яқинлари, ета-оналари, устозлари, эгалайтган касбларига нисбатан кучли мухаббат, олижаноб сифатлар, бунёдкорлик туйгулари, ҳаёт ва ўз меҳнатлари маҳсулидан завждана олмай каби

түйгулар қучанды. Улар илмі ва қасб-хунар әзіллашыптаңт әнг тұғри, самаралы усулдарының таулашға сафарбар этиладылар.

Исломий-тасаввуфий таълимнотда мавжуд бүлгап мұмтоз тарикатларнинг хар бири ўз тарихи ва тасифига зәғ бўлиб, улар бугунги таълим тизими учун мухим педагогик ахамият қаоб згади. Улар куйидагилар:

1. **Қодирия тарикаты:** Ислом оламида көнг тарқалған тарикатлардан бирийдир. Унга XII асрда Абдуқодир Филоний (1077-1166 й.й.) асос соглан бўлиб, «ғавсул еъзам», «ғавсул сақолай» каби сифатлар билан танилган. Уннинг наасаби Ҳазрати Алига бориб тақалган бўлиб, у Эроннинг Фион шаҳрида дунёга келган. Уннинг «Алқуня ли толиби тарикат ҳак» (сулук ва ахлоққа оид); «Фатхур раббоний», «Футухул гойб», «Ал мавоҳиби раббония», «Ал-Фу'узатир раббония фи авраддил қодирия» номдагы асарлари мавжуд.

Фионий ўз фаолияти давомида саҳоват, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, сабжат, фарқ, жунли либос киймоқлика алоҳида зытибор берган. Бу тарикаттаниян маркази Бағдод бўлған. Қодириянинг ташкилий асоси мустакил манзил (хонакоҳ, работ, зовия) хисобланади. Фионий ислом оламидаги тўрт кутбиянг бири саналади.

• Қодирия суннитлик оқимига мансубдир.

2. **Яссавия тарикаты:** ушбу тарикатнинг асосчиси Жоха Аҳмад Яссавийдир (1105-1166/67 й.й.). У Сайрам қашлогида дунёга келган. Яссавийлик Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолик Фиждувоний таълимнотлари негизида шаклланган. Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси бўлган. Жоха Аҳмад Яссавийнинг машхур асари «Девони хикмат»дир. У риёзат, чилла, зикр ва муҳоҳадага зытибор қараттан. Бу тарикатда жаҳрия зикри бўлиб, унда маърифат, таваккул кабиларга зытибор берилган.

Яссавия тарикатида ислом қомун-қондалари (шарият), исломий-тасаввуфий масейдиги (тарикат), ишқи шөхий (маърифат), Ольоҳ висолиши

Эршишни (ҳақиқат) кенг тарғиб этилган. Унга кўра, шаржатсан тарикат, тарикатсан маърифат, маърифатсан ҳақиқат йўқ. Буларниг дар бир илоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва тақомиллаштиради. Ясавия тарикатидаги шогирд риоя этишиб шарт хисобланганкада одоб қондадарни бўлганки, улар бугуаги кунда ҳам талабаларни одоб-хўложи ва маънавийатини шакллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

3. Хилватия тарикати: асосчиси гиёвлик Зоҳирiddин Умар ал-Хилватий (1397 й.в.э.). Бу тарикатда зикри жаҳрия ўрин эгаллаган. Бу тарикат «тарикатлар дояси» деб ҳам аталган (равшания, жамомия, аҳмадия, шамсия каби шаҳобчалар тарқалган).

4. Рифония тарикати: асосчиси Сайид Аҳмад Рифоний бўлиб, яқин Шарқ ўлкалари, хусусан, Эронда кенг тарқалган. Рифоний (1182 й.в.э.) Басрада туғилган. Тарикат силсиласи Ҳазрат Алига бориб тақалади. Рифоний «актоби араббя» (тўрт буюк қутб)нинг биридир. Улар мазкур ўлкаларда ҳозир ҳам мавжуд.

5. Мавлавия тарикати: асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий (1373 й.в.э.) бўлиб, у Балхда туғилган. Ушбу тарикатга Жалолиддин Румий таҳмиман 1240 йилларда Кўния (Кичик Осиё) шаҳрида асос солған. Румийнин кўпинча «мавлоно» деб аталған. Тарикат номи шундай олинган. Тарикат фаолияти Эрон, сўнгра Туркия ҳудуди билая чекланган. Мавлавия тарикатига аввал шахар аҳолисининг ўрта ва қуий кэтламлари, кейинроқ хос табакалари кирган. Мавлавийлар ўз мавалихона ва тақяларига эга бўлиб, бу сирда зикру самой килишган. Бошқа тарикатлардан фарқли тарзда мавлавийлар жамоа бўлиб, мусикя тинглаш, куйлашга катта эътибор қараштагандар. Мавлавийларнинг биринчи расмий бошлиги шайх ва халифа унвонини олган Ҳисомиддин Ҳасан Чалабийдир. Румийнинг ўғли Султон Валад унинг вориси, тарикатининг амалдаги ташкилотчиси хисобланади. Мавлавийлар тарикати Туркияда то 1925 йилга кадар фаолият кўрсатган ва шу йили Камол Отатурқ декрети билан

тарқатиб юборилиб, барча срлари, кўчмас мулки ва банкдаги маблағи мусодара килинган.

Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий», «Девони Кабир», «Фихи мо фихи» асарлари энг мумтоз асарлар сифатида бошкада тилларга таржима килинган.

6. Шозилий тарикати: асосчиси Абу-л-Ҳасан аш-Шозилий (1196/97-1258 й.и.). У дунё ва дин ишларинни кенг олиб боришни тарғиб қиласди, чунончи: 1) яширини ва ошкора ҳар жойда Оллоҳдан қўркиш; 2) Сўзда ҳам, амалда ҳам суннатта қаттиқ амал килиш; 3) роҳат-фароғатда ҳам, кийинчиликда ҳам инсонлардан таъма қилмай, ҳар нарсанни ёлғиз Оллоҳдан кутишдир.

Абул-Ҳасан аш-Шозилий магриблик бўлиб, шажарасини шайх Ибн Хоразм оркали машҳур Абу Мадёнга боғлаган. Шозилийларга гоявий асос бўлган Шозилий таълимоти ўзининг асосий концепциясида „Четалии сўфийлик гояларига асосланган. Улар ўз даврида ал-Жунайд, за бошкалар “мўътадил” сўфийлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Абу Мадён томонидан Шимолий Африка шароитига мослаштирилган. Шозилий Тунисдаги ўз тарафдорларига йўллаган мактубида ва оғзаки вазларидаги ятоатда бўлишга, Оллоҳдан қўркишга, шариат кўрсатмаларига қаттий риоя этишига, Расулуллоҳ (с.а.в) суннатларига зргашишга, дунё лаззатларидан юз ўтиришга давлат этган.

Шозилийлар бир неча аср давомида Африканинг Судандан то Малигача бўлган ички вилоятларида муваффақият билан исломни тарқатган. Шозилийлар ва унинг тармоқлари Марокаш, Тунис, Жазоир, Судан, ва боинча Африка мамлакатларида бугунги кунда ҳам мавжуд.

7. Сайдия тарикати: асосчиси Сайдуддин ибн Мусо ал Жибавий Шайбоний (1301 й.в.э.) бўлиб, Хавронда туғилган. Бу зот таъкин йўли билан рухий беморларни даволаган. Тарикат силсиласидан Ҳазрати Алита бориб тақалади. Бу тарикат Сурия, Миср ва Туркияда кенг таркалган.

8. Дасуқия тарикати: мазкур тарикатнинг асосчиси Шайх Сайид

Иброҳим Бурхониддин Дасуҳий (1272 й.в.э.) бўлиб, Досуқ қишлоғида туғилган.

9. Бадавия тарикати: асосчиси Сайид Аҳмад ибн Али Бадавий (1279 й.в.э.). У аҳмадия тарикати ҳам деб аталган. Аҳмад ал-Бадавий Мисрда мазкур тарикатта асос солған. Бадавия ўз амалий аҳамияти жиҳатдан кодирийлар ҳамда рифоъийларга яқин бўлған. Бадавиянинг ташкилий асослари аниқ белгиланмаган. Тарикат кароргоҳи асосий зиёраттоҳ – Танта шаҳрида жойлашган. Узоқ вакт мобайнида (XX асрнинг 50 йилларигача) Бадавия Миср халқи орасида ўзининг таъсирини сақлаб келган. Бадавиядан камида 15 та тармоқ ажралиб чиккан, уларнинг айримлари (масалан, дасуқия-бурхония) мустакил тарикатга айланган. Бадавияга Миср халқининг қадимги ислом ва христианликдан аввалги диний зътиқодлари, урф-одатлари чатишиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак Абдул Ваҳҳоб аш-Шаъроний Бадавияни шариат йўлидан оғанилиқда айبلاغан.

Унинг «Аврод», «Салотлар», «Васоя» каби асарлари бўлиб, «Васоя» асарида тарикат тушунчаси ҳакида батағсил тўхталган ва қалб зикрига зътибор берган.

10. Акбария тарикати: мазкур тарикатнинг асосчиси машхур олим Мухйиддин Арабий (1165) бўлиб, у «ваҳдати вужуд», яъни Оллоҳ бутун оламнинг яратувчисидир фалсафасининг асосчисидир. Унинг «Фукуҳатил Маккия», «Фусусил ҳикам», «Ганазуллатул мавсилия» асарлари машҳурдир.

Ибн Арабийнинг «Шайхи Акбар» лақаби туфайли «акбария» тарикати, бошка тарикатлар каби кенг тарқалған бўлсада, унинг фикр-карашлари асосан бошка тарикаттарден ўр ж. ч.тан.

11. Сухравардия тарикати: есостиси Шаҳобиддин Абу Ҳафз Умар Сухравардий (1145-1234/35 й.й.). Бу тарикатда шариат мазмунинда тарикат мувозанати сақланган. Унинг «Авариф-ул-маориф» ва «Васияту Сухравардий Ли-нажибил мултоний» (Нажиб мултонийга Сухравардийнинг васияти), «Рисолотун фи адабит тарийҳа» (Тарикат одоблари ҳакида рисола) каби

асарлари мавжуд. Сухравардийнинг «Авориф-ул-маориф» (Маърифатли орифлар) асари 63 бобдан иборат бўлиб, одоб-ахлюк (этика), руҳият тарбияси амалиётига багишланган. Асарда аллома илмни – тил ва қалб билимининг маҳсули эканлигини таъкидлайли. Билим – билишнинг натижаси. Демак, билиш – жараёндир. Бу жараён, Сухравардий фикрича, одамнинг ўзини билишдан бошлаб, Оллоҳни билишгача давом этади.

Билим Оллоҳ томонидан қалбларга инъом қилинган неъматлардир. Билиш эса, шахснинг шу неъматларни бир-биридан фарқлаш ва умумлаштира олиш қобилиятидир. Тўғри йўл бутун бўрлик, оламни қалб билан сезиш имкониятидир.

Билим ҳамма вакт ўзининг мәълум ҳолатига эга. Билимнинг ўзгариши ҳолатнинг ўзгаришидир. Гуноҳкори, ўзини поклаганидан кейин билимли дейиш мумкин. Билимсиз одам ўлик, билимли одам тирикдир.

Ёки: билиш ёрдамида руҳан тирилиш мумкин. Огоҳлик ички дунёнинг поклигидир.

Инсоннинг “Мен”и, яъни ички ҳолати ташки ҳатти-харакатларига мос қелиши лозим. Ниятни нафс камчиликларидан халос қилишни факат мустахкам билим, Оллоҳга зътиқодгина уддасидан чиқади, дейди Сухравардий. Демак, сухравардия тарикатида, билим, қалб поклиги етакчи ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам “Авориф ал-маориф” асари бугунги кунда ҳам катта педагогик қимматта эга.

12. Кубравия тарикати: асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро лақаби билан шуҳрат қозонган Аҳмад ибн Мұхаммад Хийваний (1154-1226) бўлиб, бу шахс исломий-тасаввуфий таълимотининг энг ёрқин намоянчасидир. У Хивада туғилган. У асос солган кубравия тарикати «Олтин тарикат» номи билан машхурдир. Унинг «Усули ашари» рисоласи ва «Фавоҳиул - жамол» асарлари мусулмон оламнада катта шуҳрат қозонган. Мазкур тарикат нақшбандия ва мавлавия тарикатларининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатган.

Кубравия тарикати таълимотига кўра, хар бир киши маънавий камолотга эришиш учун 10 асосга таяниши лозим. 1. Тавба – ўз хохиши билан Ҳақ таолога кайтиш, мак-маникка берилмаслиги; 2. Зухд фи дуне – барча дунёйи нарсалардан тийилиш; 3. Таваккал – барча ишларни қилинган Худонинг меҳрибонлиги ва кудратига умид боғлаш; 4. Қаноат – ҳаёт кечиришда оз нарса билан қаноатланиш, мұтадиллик, тубан майдилардан озод бўлиш; 5. Узлат – рухни мустахкамлаш, ҳис-туйғуларни жиловлаш; 6. Мулозамат аз-зикр – Худонинг исмини ёд килиб туриш, бутун қалбни Оллоҳ билан тўлдириши. Шундагина пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, циккюзламачылык кеби разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди; 7. Таважужу – бутун вужуд билан Худога мурожаат килиш, Унга чексиз мухаббат қўйиш; 8. Сабр – ўз ихтиёри билан машақватлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочиш. Тўғри йўлдан ҳадамасдан бориши учун киши ўз майларини сўндириши лозим. Шундагина дигъ идуруатлардан покланади, рух нафс натижасида занглуб котиб бўлса, жило топади; 9. Мурокаба – қалб поклангани ва тубан таъсирлардан ҳосилитгини тубиб, хотиржам бўлинганини эслаб ҳаётига чўмиш, Ҳақ таюю раҳм-и-иғфатини кутиб туриш ҳолати; 10. Ризо – ризолик макоми шахснинг Ҳакка етишганинги билдиради.

13. Мадания тарикати: асосчиси Абу Мадиғ Шуайб иби Ҳусайн (1197/98 й.в.э.) бўлиб, у Андалусда тугилган. Қисқа вақт ичида исломий-тасаввуфий таълимоти макомлардан ошиб ўтиб, Абу Мадиғ Шуайб иби Ҳусайн “Кутбият” мартабасига эришади.

14. Чиштия тарикати: ушбу тарикат XI асрда Шаркий Хурсонда шаклланиб, XII-XIII асрларда Ҳиндистонда узил-кесил расмий тус олган. Ўтра асрларда Чиштия сухравардия тарикати билан бирга Ҳиндистонда энг оммавий ва кенг таржалган тарикатлардан ҳисобланган. Чиштия асосчиси Ҳўжа Абу Исҳок аш-Шомий (1097 й.в.э.) бўлиб, Ироқдан Чишти кишлоғига (Ҳирот якинида) кўчиб келган ва у ерда хонакоҳ қурган. Унинг 9-(8-) вориси шайх

Муъиниддин Ҳасан Сижзи Чиштий (1142-1236 й.й.) Чиштияни Ҳиндистонга тарқатди. Чиштия тариқати Низомиддин Авлиё даврида ўзининг юксак чўккисига этиб, суфийлик Шимолий Ҳиндистонда оммавий тус олган ҳамда жануб ва шарқ томон кенг ёйилган. У Чиштиянинг алоҳида тармоғи – Низомияга асос солган. Чиштия таълимотининг асосини ваҳдати вужуд гояси ташкил этиб, унда Оллоҳга таваккул қилиб, ўз меҳнати билан тиричилик ўтказишни тарғиб қилинган. Сўфий оч кишининг корнини тўйғазиши, мазлумлар илтимосини албатта бажариш, камбағал-қашшоқларга баҳоли қудрат кўмак бериш йўли билан Оллоҳ марҳаматига сазовор бўлишга интилиши шарт, деб ҳисобланган. Шунингдек, шогирдларга пулга муккасидан кетиш, гадойчалик билан шугулланиш, арак ичиш, гиёҳвандлик қилиш, тамаки чекиш таъқиғланган. Чиштия йўли шариат, тариқат, ҳакикат каби З босқичдан иборат бўлиб, шогирдлик даври 1000 кун давом этган.

Мазкур гоялар бутунги кунда талабалар маънавиятини пакллантиришда муҳим аҳамиятта эга.

15. Байрамия тариқати: асосчиси Ҳожи Байрам Валий (1430 й.в.э.). Бу зот Анқаранинг Зулфаз деган кишилогида дунёга келган. У Яссавия тариқати аъзои Оқсарсий (Сумунжий бобо)га кўл беради. Асл исми Нўймон бўлган Ҳожи Байрамнинг Оқсарсий билан биринчи марта Курбон байрамида танишгани учун устози уни Байрам деб атайди.

Байрамиянинг силсиласи Абул Ҳасан Ҳараконийга келиб, нақпбандия тариқати билан тулашади.

16. Ҳожагон тариқати: мазкур тариқатнинг асосчиси Абдулҳолик Фиждувонийдир (1103-1179 й.й.). У бухоролик етти пирнинг биринчиси бўлиб, Ҳожон Ҷаҳон иоми билан машҳурдир.

Абдулҳолик Фиждувоний Фиждувонда имом оиласида туғилиб, исломий тасаввуф ва урф-одатлар мухитида тарбия топди. 22 ёшида Бухорога келди ва Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди бўлди. Фиждувоний дунёкарашининг

шаклланишида маломатийлар таълимоти ва қаландарлик ҳаракати тъсир кўрсатди. У зоҳидликда яшаши, шариат кўрсагмалари, Пайгамбар суннатларига катый амал килишини тарғиб этди.

У бутун ҳаётини Оллоҳ йўлига бағишлаб, фарз ва суннат амалларини бажариб, ибодату риёзат билан машғул бўлди. Юсуф Ҳамадонийнинг сўфийлик таълимотини эикри хуфия (сўзсиз фикрий зикр тушиш) билан бойитди ҳамда хожагонлик тарикатининг 8 та рашиҳа (конун-коида)сини шакллантириб берди. Бу рашиҳалар ҳар нафасни зое кетказмаслик, ҳар қадамни тўғри босиш, азизларнинг хизматида бўлиш, ҳар бир ишда Ҳақ таолони ёддан чиқармаслик, тилдан кўймаслик, ниятда мустахкам бўлиш, кабилардир. Фиждувоний таълимоти нақшбандия тарикатига асос бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд Фиждувонийнинг ахлокий талабларига яна 3 талаб кўшган. Абдулҳолик Фиждувонийнинг «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи одоби тарикат», «Васиятнома» қаби асарлари бугунги кунга қадар ўз қимматини йўқотмаган. Улар талабалар мънавиятини шакллантиришда муҳим дастурул амал бўлиб хизмат килади. Кейинчалик хожагон тарикатини Махмуд Анжир Фагънавий давом эттириб, «эикри хуфия»га «эикри алония»ни қўшиб давом эттирган.

Хожагон тарикатининг олти пир-устозлари – Абдулҳолик Фиждувоний, Ҳожа Ориф ар-Ревварий, Махмуд Анжир Фагънавий, Али Ромитоний, Мухаммад Бобон Саммосий, Ҳазрат Амир Кулол билан вакшбандия тарикати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳозирги кунгача мусулмон оламида “етти пир” номи билан машҳурдир. Хожагон тарикатининг асосий талаб ва гояларини шакшбандия тарикати тўла қабул этиб, уни ривожлантирган.

Тарикатлар рўйхатини тузган олим Массигноннинг фикрича, ислом тарикатларининг сони 394 тагача етган. Бу эса ўз навбатида тарикатларнинг ижтимоий-диний йўналиш сифатига Ислом дунёси ва тарихида нечогли катта ахамият касб этганлигидан далолат беради.

Исломий-тасаввубий таълимотишиг учинчи ва бугунги куни учун жуда қимматли педагогик аҳамиятга эга бўлган йўналиши – маърифатдир. Исломий-тасаввубий таълимотда зоҳирий (шарнат) илми билан биргаликда ботиний илм ҳам мавжудлиги қайд қилинади.

Маърифат сўзи – арабча “арафа” – билмоқ сўзидан ясалгандир. У тарикатнинг ҳосиласи ва бевосита давомидир. Бошқача қилиб айтганда, тарикатни эгаллашдан мақсад маърифатга йўл топишдир. Маърифат илми ботиний илм сифатида эътироф этилган.

Ботиний илм – тоат-ибодат, зикр, риёзат, такво каби тарикатнинг маком ва боскичларини босиб ўтганидан кейингина, Оллохнинг инсониятга ато қилинадиган эҳсонидир. Маърифат ҳакида Баҳоуддин Нақшбанд шундай фикр билдиради: “Илми ладуний шундай илмки, курс (яқинлик) аҳлига Илоҳий таълим ва Раббоний тафхин (тушунтириш) орқали бевосита мълум ва аён бўлади”.

Ибн Арабий инсон билимини ақлий ва маърифат дея иккига ажраттан. Унинг фикрича, ақлий билимнинг манбани ақл, маърифатнинг манбани эса нағе (руҳдир). Маърифат Оллохга яқинлик қилиш орқали қўлга киритилади ва ақлий билимдан қадрлироқдир. Ақлий билим эҳтимолий, маърифат эса аник билим бўлиб, илоҳий манбага асосланади.

Демак, маърифат – ботиний илм бўлиб, Оллоҳ иноятни билан вужудга келади. Ботиний илм эгаллашнинг йўли: тоат-ибодат, зикр, риёзат, муҳоҳада кабилар билан калбни тозалашдир. Резолатдан тозаланимаган қалба маърифат илми юзага келмайди. Бу илмнинг энг муҳим хусусияти тарикатнинг маком ва ҳол боскичларини эгаллаб, амалда қўллаш ва муайян кўникумга ҳосил қилишдан иборатдир.

Тасаввубушунос олим Н.Комилов маърифатни эгаллаш йўлини қўйидагича тавсифлайди:

1. Шогирд ҳар бир нарсани кўрганида мутлақ фоилнинг асари деб билсин,

яъни дуне ва одамлар ўз-ўзидан мавжуд эмас, яъни Парвардигор туфайли мавжуд экан, имон келтирсинг.

2. Мутлак фоилдан бўлган ҳар бир асарни кўрганда Оллоҳ сифатларидан эканини англаб етсин. Чунки Парвардигорнинг бехисоб сифатлари бўлиб, ҳамма ҳодиса-вокеалар унинг сифатининг натижасидир.

3. Ҳақ муроди-мақсадининг ҳар бир сифатини (пардасини) англаб етсин (танисин).

4. Шогирд илоҳий илм суратини, ўзининг маърифат суратида танисин.

Демак, маърифат ҳамма нарсанинг асоси Оллоҳ эканлигини билиш, аниклаш ва шу тарнига Унга стишишдан иборатдир. Берча нарсалар, шу жумладан, одамзод ҳам Худонинг зуҳурат зарраси эканини тан олишдир.

Учничи босқич – маърифат, ҳамма нарса бутун борликнинг асоси – Оллоҳ эканлигини, ўзининг моҳияти Оллоҳ моҳияти билан бирлигини билиш ва англашдир. Уни эгалтаган инсонга кибру-ҳаво, манманлик, бекорчилик, шон-шуҳрат бемаъни бўлиб кўринади, шундай инсон билимли, Худони таниган шахс бўлади.

Тўртничи йўналиш – ҳакиқатдир. Бунда шогирд Ҳақ даргоҳига рухан эришади. Васлига восил бўлади, у билан бирлашади. Жумладан, бу ҳакида Абу Бакр иби Тоҳур ал-Абдаридан ҳакиқат не? деб сўралганди, Ҳакиқатнинг барни илмдир, – деб жавоб берганлар. “Илм не?” – дейилганди: “Илм ҳакиқатдир”, – деган экан.

Иби Арабий билимларни учга бўлган:

1. Ақлий ҳиссий илмлар;
2. Ҳол илми (ҳолат маҳол илми);
3. Билим сиру асрор илми.

Биринчи илм зохирий фанлар билан шугулланадиган илм бўлса, иккинчи илм – илми ҳол улуғлик мартабасига кўтарилиган валийлар илми ҳисобланади. Учинчи илм – ладуний (ботиний) илмдир. Бу илм рухлар орқали келади.

Исломий-тасаввүфий таълимотда бундан ташкари яна уч хил «ли мавжуд: 1) Илмул яқин; 2) Айнул яқин; 3) Ҳаққул яқин. Булар билиш (илем) босқичларидир (“яқин” араб тилиндеги сүз бўлиб, “илюнч” маъносини билдиради).

1. Илмул яқин – акл ёрдамида эгалланган муайян ҳужоат далилга асосланган билимдир. Илмингт мазкур босқичи шу йўлга кирган инги шогирдларга хосдир.

2. Айнул яқин – шогирд бирор нарса ҳакида далилга эхтиёж сезмай, идрок эгаси бўлишдир; шогирд утун кўнгил покътиги билан гайб олами орасидаги пардаларнинг кўтармалашидир; унинг балимларни рухан хис қилишидир.

3. Ҳаққул яқин – шогирдининг сифатига якин, у билан уйғун тарзда ифодаланган илмидир.

Демак, биринчи ва иккичи босқич таҳсилий билимга ишора; иккичи босқич шахснинг ўзида мавжуд бўлган ва тажрибасидан ўтказган билимни англатади, учинчи босқич эса, тажрибадан ўтказилган, ҳакиқатни англашга кўмаклашадиган билимдир.

Демак, илмул яқин – билимга асосланган ҳолда ишониш, айнул яқин – тўлик асосланган, тажриба асосида тасдиқланган билим, ҳаққул яқин – ҳакиқий билимдир.

Биз юкоридаги фикрларга таянган ҳолда, «Исломий-тасаввүфий таълимот йўналишлари ёрдамида талабалар маънациятини шакллантириштизим»ни жадвал шаклида тақдим этамиз (2-жадвал).


Биз юкоридаги таъкидланган фикрларга асосланиб, куйидагиларни байди қиласмиз:

– Исломий-тасаввүфий таълимот йўналишлари: шарнат, тарикат, маърифат, ҳакиқатдан иборат бўлиб, улар бутуниги кунда талабалар маънациятини шакллантиришга хизмат қиласдиган тоғларнинг асосий манбаидир. Жумладан:

- **Шарнат** – зохирий билемлар мақмуи бўлиб, талабаларни мазнан стук, жисмонан бакувват бўлиб етишишлари учун мухим педагогик восита бўла олади;
- **Тарният** эса, исломий-тасаввифий таълимотнинг амалий кўринишидир. У ўзига хос таълим-тарбия усуллари ёрдамида инсонни, шу жумладан, талабаларни баркамолликка уйдайди;
- **Маърифат** – инсоннинг баркамолликка эришини йўлида ўзлигидан кечиши, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўймаслик, ахлоқ месъёрларидан ташқарида бўлган шахсий хоҳиш-истакларини ақл-идрок ва билим ёрдамида жиловлай олиш, ўзининг энг зарур эҳтиёжлар даражасини белтилай билишдан иборатдир;
- **Ҳакният** – Ҳакнинг иродаси ва ўз меҳнати билан илм сирларини пухта эгаилашдан иборатдир. Бундай инсонларнинг асл қиёфаси улар эталлаган билимлар билан сифатланниб, баркамоллик мақомига эртиладилар (2-жадвал).

Испомий-тәсекүүлүк таңынот күннөлүшлөрү өзүндөнде түзбөлөр мэйненчелүү

224



4. БАХОУДДИН НАҚШБАНД ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНИ

4-мавзу	Бахоуддин Накшбанд ва нақшбандия тарикатининг педагогик талқини
----------------	--

4.1. Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси

Вакти – 2 соат Ўқув машғулотининг маҳсил ва тури:	Талабалар сони: Мавзу бўйича билимларни кентгайтириши ва мустаҳкамлаш юзасида амалиёт
Амалий машғулотининг режаси:	1. Бахоуддин Накшбанд хәти ва фалолити, тарбияий карашлари 2. Накшбандия таридати тъзимоти – инсон мальзамий кимолотининг асоси эканлигини 3. “Дилниг Оллоҳда, кўлиниг меҳнатда бўлсан” шивори ва унинг шу кундаги аҳамиятини Урганини
Подагогик агафият: Бахоуддин Накшбанд хәти ва фалолити, тарбияий карашларини Урганини	Учте физикалические материалы: Тазаби: Бахоуддин Накшбанд хәти ва фалолити, тарбияий карашларини Урганини ва изохвайди; - Накшбандия таридати тъзимоти – инсон мальзамий кимолотининг асоси эканлигини Урганини ва беби қадади;
Накшбандия таридати тъзимоти – инсон мальзамий кимолотининг асоси эканлигини Урганини ва беби қадади; “Дилниг Оллоҳда, кўлиниг меҳнатда бўлсан” шивори ва унинг шу кундаги аҳамиятини Урганини;	- “Дилниг Оллоҳда, кўлиниг меҳнатда бўлсан” шивори ва унинг шу кундаги аҳамиятини Урганини;
Ўқитиш услуги ва техникаси	Мунозара, савол-жавоб, блиц-сўров ва топшириклиар, тест.
Ўқитиш воситалари	Мавзуга оид адабиётлар, слайдлар, проектор, плакатлар.
Ўқитиш маҳсил	Амалиёт гурӯҳи.
Ўқитиш шарт-шароити	Максус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, кичик тест

“Баъуддин Накшбанд ва нақшбандия тарикатининг педагогик талқини” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич лари ва вакти	Фаолият мазмуни Таълим берувчи (ўқитувчи)	Таълим олувчилар (талабалар)
I-Босқич. Ўкув машгулотининг ташкилий тайёргарлик босқичи (15 мин).	<p>1.1. Амалиёт машгулотининг мақсади ва кутилаётган натижалари баён этади.</p> <p>1.2. Белгиланган таълимий мақсадларга мос топширикларни ишлаб чиқади.</p> <p>1.3. Топширикларни гурӯхларда ишлаш тартиб-коидаларини тушунтиради.</p>	<p>1.1. Ўқитувчи нуткини тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тушумчага эга бўладилар.</p>
II-Босқич. Асосий босқич. Англап (55 дақиқа).	<p>2.1. Талабаларни кичик гурӯхларга ажратади, ишлашнинг шарт-шароитлари билан таништиради ва назорат килиб боради.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф киласди ва шу асосда блиц-сўров ва топшириклар ўтказиб талабалар билимини фаоллаштиради. (1-илова)</p> <p>2.3. Талабаларда исломий-тасаввифий таълимот ҳакида билим, кўникма ва малакаларини бойитиш мақсадида тест савол ва топшириклири билан фаоллаштирилади (2-илова).</p> <p>2.4. Машгулотни ташкил этишдан кутилган натижага эришганлик дарајасини баҳолайди.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва холосалайди.</p>	<p>2.1. Кичик гурӯхларга бўлинниб, топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.2. Мавзу юзасидан асосий тушунчалар келтирилади ва саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Кичик гурӯхларга бўлинган ҳолда тест савол ва топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.4. Ўз фикрларини бу мавзу бўйича олган билимларини янада бойитадилар ва таққослаш борасида кўникма ва малакасини шакллантирадилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, мавзудан олган тушунчалар асосида хулоса чиқарадилар</p>

III-Боскич Якуний боскич (10 дақика)	<p>3.1. Фаол иштирокчи талабаларнинг машгулотдаги фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Машгулот ўз мақсади ва кутилган натижаларига қай даражада эришилганликни хуласалайди.</p> <p>3.3. Талабалаларнинг машгулот бўйича пайдо бўлган фикрлари ва таклифлари билан танишади</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусини зълон қилади, талабаларга мустакил ишлаш учун топшириклар беради ва уларни топширикларни баҳолашга оид мезонлар билан таништиради. (З-илова).</p>	<p>3.1. Машгулот иштирокчилари ўз фаолиятлари натижаларидан хабардор бўладилар</p> <p>3.2. Ўз фаолиятлари билан мақсадга эришишда қай даражада таъсир этганликларини билиб оладилар.</p> <p>3.3. Машгулотнинг ташкил этилиши ва олиб борилиши бўйича фикр билдирадилар.</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусидан хабардор бўладилар ва ўқитувчи томонидан берилган топширикларни ёзib оладилар</p>
---	--	---

2.2. 1- ичова

Блиц-сұров вә топширикілар:

- 1. Бақоуддин Накшбанд қачон ва қаерда туғилған?**
- 2. Бақоуддин Накшбандға таълим берган устозлари қандай гурухларга ажратиласы?**
- 3. “Дилинг Оллохда, қўлинг меҳнатда бўлсин” шиорини шу кундаги аҳамияти қандай?**
- 4. “Зикри хуфя” ҳақида маълумот беринг.**
- 5. Бақоуддин Накшбандға кимлар устозлик қилған?**
- 6. Накшбандия тариқатини педагогик моҳиятини тушунтириңг.**
- 7. Бақоуддин Накшбанднинг халифалари кимлар эди?**
- 8. Бақоуддин Накшбанд тариқати силсиласи вакилларини баён қилинг?**
- 9. Накшбандия тариқати хусусиятларини ёритиб беринг?**
- 10. Накшбандия тариқати таълимотининг шу кундаги аҳамиятини баён қилинг.**

Тест савол ва топшириклари

1. Исломий-тасаввуйфий таълимотида устоз-шогирд муносабатлари қандай номланади?

А) старли даражада эркин одам;

Б) маънавий мадад беради;

В) етук маънавий-рухий кувват беради;

Г) Иродат дейилади (шогирд ўз иродасини устоз иродаси билан мувофиқлаштиради).

2. Баҳоуддин Накшбандга тарбия берган устозларини неча гурухга ажратиш мумкин?

А) 10 та;

Б) 3 та;

В) 2 та;

Г) 4 та.

3. Баҳоуддин Накшбанд ислом маънавиятида “Олтин силсила”нинг нечанчи занжирали туради?

А) 15;

Б) 16;

В) 17;

Г) 21.

4. Ким томонидан Баҳоуддин Накшбанд акидалари ўз оғзидан ҳизб олинган?

А) Амир Темур;

Б) Захириддин Бобур;

В) Мухаммад Порс;

Г) Ян Амос Коменский;

Д) Сайид Барака.

5. “Инсон қалби ислом нури билан мунавварлапшади, мәйнавий шаклланиш хис-түйгүси юрагини қоплайды” жумлалари ким томонидан өртилгән?

А) Фаридуддин Аттор;

Б) Ахмад Ясавий;

В) Мұхаммад Порсо;

Г) Ҳасан Аттор.

6. Нақшбандия тарикатининг қандай шиори ҳозирғи кунда ҳам ақамиятлайдыр?

А) Куч адолалдадир;

Б) Билим – куч ва тафаккурда;

В) Дилинг Оллохда, құлинг мекнатда бўлсин;

Г) Рости-русти.

7. Нақшбандия тарикати таълимотининг бошқа тарикатлардан фарқини изохлаб беринг?

А) мекнат килиш, зикри хуфия, инсон ўз-ўзини англаши, ҳалқ мушкулини осон килиш, эзгу сифатларни улуғлайди;

Б) зикри жаҳрия;

В) башарият ривожи йўлида хизмат қилади;

Г) кудсий калималарини шарҳлайди;

8. Нақшбандия тарикати таълимотидаги “зикри хуфия” хусусияти қандай сифатларни улуғлайди?

А) хуш ҳулқ-атвор соҳибига айлантиради;

Б) гафлатни йўқотади;

В) хар қандай шароитда ҳеч кимга халақит бермай, амалға оширишга имкон беради;

Г) Халол меҳнати ила инсоният, табиат, бутун борликка мухаббат назари билан карайди. Ҳар бир дакиқани қадрига етади, ўзи эмас, ўзгалар манфати билан яшайди, нағсоний талабларни өнгәди; барча салбий хислатлардан сакланади. ёмон гурухларга күшилишдан саклайди; Оллоҳ ёди ила халол меҳнати ила жамият ривожи учун ўз хиссанини күшади.

9. Инсон ўзининг ҳар бир нағасидан огоҳ бўлиши, гафлатда қолмаслиги, инсон ҳаётida давомида юриш-туриши, хулқ-атвори, ҳар бир ҳаракатидан хабардор бўлиши, гоялари накшбандия тарикатининг қайси талабида баён этилади ва унга ким асос солган?

А) Назар бар қадам. Юсуф Ҳамадоний;

Б) Ёдкард. Абдулхолик Ғиждувоний;

В) Ҳуш дар дам. Юсуф Ҳамадоний;

Г) Вукуфи замоний. Баҳоуддин Накшбанд.

10. “Инсондаги сабр шундай кўнинмаки, у шахсни мақсад сарн етаклайди” иборалари накшбандия тарикатининг қайси қоидасига тааллукли?

А) Ёдкард;

Б) Вукуфи қалбий;

В) Назар бар қадам;

Г) Ёддошт.

11. “Вужудингдан ўзга хижоб йўқ” ибораси ким томонидан қайси асарда баён қилинади?

А) Навоий. “Ҳамса”;

Б) Бобур. “Бобурнома”;

В) Мұхаммад Порсо. “Рисолан құлдия”;

Г) Амир Темур. “Темур тузуклари”.

12. Накшбандия тарикати таълимотида қайси коңда инсонни ботиний маънавий олам сафарига чорлайди?

- A) Хуш дар дам;
- Б) Ёддошт;
- В) Сафар дар Ватан;**
- Г) Хилват дар аңжуман.

13. Накшбандия тарикатида Юсуф Ҳамадонийга оид коңда қайслар?

- A) Ёддошт;
- Б) Вукуфи ададий;
- В) Хуш дар дам;**
- Г) Ёдкард.

14. Накшбандия тарикати таълимотида Абдухолик Фиждувонийга қайси коїда мансуб?

- A) Назар бар қадам;
- Б) Вукуфи ададий;
- В) Ёдкард.**
- Г) Сафар дар Ватан.

15. Накшбандия тарикати таълимотидаги қайси коңда Баҳоуддин Накшбандга хосдир?

- A) Хуш дар дам;
- Б) Сафар дар Ватан;
- В) Вукуфи ададий;**
- Г) Хилват дар аңжуман.

3.4. З-илюва

Бағлаш мезони ва күрсаткычлари

Гурұхлар	Саволнинг тұлғық әдік өрнектилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гурұх азсоларцининг фәолділігі 0-5 балл	Жами балл

15-13 балл – “ақыл”

12-10 балл – “яхши”

9-6 балл – “қониқарлы”

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНИ

Калит сўзлар:

Баҳоуддин Накшбанд, нақшбандия тариқати, дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин, зикри хуфия, хуш дар дам, хилват дар анжуман, сафар дар Ватан, ёдкард, ёддошт, нигоҳдошт, бозгашт, вукуфи замоний, вукуфи қалбий, вукуфи ададий.

Мустакиллик йилларида жамиятимизда юз берабётган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек халқининг рухияти ва турмуш тарзидан келиб чикиб, ўз тарихи, маънавиятини биладиган, миллат келажаги учун фидокор, юксак маънавиятли баркамол ёш авлодни тарбиялаш муаммосининг назарий ечимларини топиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Шунга кўра, исломий-тасаввуфий таълимотининг XIV асрда яшаб ўтган буюқ намояндаси Баҳоуддин Накшбанд ва у асос солган нақшбандия тарикатидаги илғор педагогик гояларни ажратиш ва ёш авлодга етказиш орқали улар маънавиятини юксалтириш айни муддаодир. Мазкур тариқатда ифодаланган ҳаётни қадрлаш, жамият тараққиёти учун фидойлик кўрсатиш, ҳалол луқма эгаси бўлиш, ҳалимлик, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида хизмат қилиш каби улуғвор гоялар устувордир.

Баҳоуддин Накшбанд тариқати заминида башариятни юксаклика элтувчи асосий мезон – акл-заковат, кучли фаросат, руҳий ишорат, саҳоват, ҳалол луқма топиш ва огоҳлик гоялари ифодаланади. Шу жиҳатдан қараганда, Баҳоуддин Накшбанд тариқати ўзига хос алоҳида педагогик йўналишга эга бўлиб, мураккаб тарихий, маънавий илдизларига эга.

Баҳоуддин Накшбанднинг асли исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Накшбанд ал-Бухорий (аксарият ҳолларда Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хўжай Бузург, Шоҳи Накшбанд номлари билан

машхур) (1318-1389) бўлиб, у Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон (ҳозирги Қасри Орифон) кишлогоғида түгилган.

Ислом маънавияти оламида етти пир номи билан машхур бўлган пирлардан Абдулҳолик Фиждувоний Баҳоуддин Накшбанднинг руҳий устозлари бўлиб, «Зикри хуфия»дан таълим берганлар. Муҳаммад Бобойи Саммосий Баҳоуддин Накшбанднинг түгилишини өлдиндан башорат килганилар.

Алломанинг таваллуди муносабати билан Қасри Ҳиндувон (Қасри Орифон)га айланганлигини илоҳий иноят ила баён қилганилар. Баҳоуддин Накшбанд тарбиясини шогирди Сайд Амир Кулолга топширади.

Оллоҳ Баҳоуддин Накшбандга балогардонлик (балоларни даф қилувчи) кароматини ҳадя қилган. Баҳоуддин Накшбанд тариқати таълимоти Куръон ва Ҳадисга асосланади. Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф балогардондир. Аллома - «Менинг таълимотимга эргашинг, амал қилинг, сиздан бало даф бўлур», - деганларида, шуларни назарда тутганлар.

Баҳоуддин Накшбанд икки марта ҳаж қилган. У 1389 йили вафот этади ва Қасри Орифонда дағн этилади.

Баҳоуддин Накшбандга тарбия берган устозлар ўзларининг дунёкарашлари ва нуқтаи назарларига кўра, икки гурухга мансуб бўлганлар:

1. Зоҳиран, у инсон билан бевосита мулоқотда бўлиб, таълим-тарбия берган устозлари.

2. Руҳан яқин бўлган устозларининг таълим-тарбиявий таъсири.

Биринчи гурухга мансуб бўлган мураббийлари сирасига Ҳожа Муҳаммад Бобойи Саммосий, Ҳалил ота, Сайид Амир Кулол, Ориф Дигтароний, Кусам Шайх кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчи гурухдаги устозлар сирасига Ҳаким ат-Термизий, Ҳаким ота Сулаймон Бокиргоний, Мансур Ҳаллож-Боязид Бастомий, Абдулҳолик Фиждувоний кабиларни киритиш мумкин.

Исломий-тасаввуфий таълимотнинг йирик намояндаси Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган тўрт машхур халифалар: Ҳожа Ҳасан Андоқий,

Хожа Абдуллоҳ Барракий (Баркий), Хожа Аҳмад Яссавий (Яссавия тариқати таълимоти асосчиси) ва Хожа Абдулҳолик Фиждувоний (Хожагон тариқати кейинчалик нақшбандия тариқати асосчилари бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ислом маънавиятида “Олтин силсила”нинг 17 занжирда туради (3-жадвал).

3-жадвал

**Баҳоуддин Накшбанд тариқати силсиласи
(Силсилату-з-захаб- “Олтин силсила”)**

1.	Муҳаммад Алайхиссалом
2.	Али ибн Абу Толиб
3.	Имоми Ҳасан
4.	Зайнулобиддин
5.	Муҳаммад Бокир
6.	Жаъфари Содик
7.	Абу Язид Бистомий
8.	Абулҳасан Ҳараконий
9.	Абулқосим Гургоний
10.	Абу Али Формадий (ваф. 470-1077 йй.)
11.	Хожа Юсуф Ҳамадоний (ваф. 535-1140 йй.)
12.	Абулҳолик Фиждувоний (1103-575-1179 йй.)
13.	Хожа Ориф Ревгари (ваф. 715-1317 йй.)
14.	Хожа Махмуд Анжир Фагнавий (ваф. 715-1317 йй.)
15.	Хожа Муҳаммад Бобон Саммосий (ваф. 755-1354 йй.)
16.	Сайд Амир Кулол (ваф. 772-1370 йй.)
17.	Баҳоуддин Накшбанд (ваф. 718-1318-79-1389 йй.)

18.	Мавлоно Яъкуб Чархий
19.	Хожа Ахрор Валий (1404 - 1494)

Накшбандия тарикати таълимоти ривожи йўлида жонбозлик қилганлар Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъкуби Чархий, Алоуддин Фиждувонийлар Баҳоуддин Накшбанднинг халифалари бўлганлар.

Инсониятни башарият ривожи йўлида фойда бериш руҳида тарбиялаш масаласи ҳамиша долзарб педагогик муаммолардан бири бўлиб келган ва бугунги кунгача ҳам давом этмоқда.

Баҳоуддин Накшбанд халифаларидан бири Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсиййа» («Муқаддас сўзлар ҳакида рисола») номли тошбосма манбаларини ўзбек тилига таржима қилишга ҳам муваффак бўлдик.

Ушбу асар Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтига сақланиб келмоқда. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсиййа» асарининг тошбосма нусхаси 41-85 варакларда сакланган бўлиб, (хиж. 1280 (мел. 1871) йил Ҳиндистон-Лакнав нашриётида чоп этилган.

«Муқаддас сўзлар ҳакида рисола» асари накшбандия тарикатининг қудсий калималари (акидалари)ни шарҳлашга багишлиланганdir. Бу калима (акида)лар Баҳоуддин Накшбанднинг ўз оғзидан эшитилиб, ёзиб олинган бўлиб, Муҳаммад Порсо томонидан жамланган. Бу ҳақда Муҳаммад Порсонинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (Уларнинг) муборак оғизларидан чиқсан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда бу қудсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табаррукона ва иршод сифатида қаламга олиб юради». Фахруддин Али Сафий «Рашаҳот» асарида бу ҳақида шундай дейди: «... Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қ.с. ул ҳамма камолоти суворий ва маънавий била доимо хожаган қ.а. рисолаларидин ўзларида ҳамро сақлаб тутурлар, доимо ногузир турур андинким, «Рисолаи қудсиййа»ни мутолаа этсунлар ва ҳамроҳ сақласунлар».

Мұхаммад Порсо ўзининг бу асарыда, улугвор устозининг құдсий калималарын көлтирибгина қолмай, уларни шархлаб ҳам беради. Бу манба Баҳоуддин Накшбанд ҳаёти, уннің хизматлари ва мәйнавий оламини очиб бериши ҳамда нақшбандия тарикатининг асослари ҳакида мәлтумот бериши билан ҳам киммәтлидир. «Рисолаи құдсийя»ни ўқиган ҳар бир кишида Оллохга нисбатан буюк мұхаббат, Мұхаммад Пайғамбар с.а.в.га нисбатан улут ҳурмат үйғонади, инсоний қалби ислом нури билан мунаавварлашади, мәйнавий покланиш хис-туйғуси юрагини қоплады.

Баҳоуддин Накшбанд ва нақшбандия тарикати мәйнавий гоялари ва уларнинг хусусиятлари қўйидагича ифодаланади:

Биринчидан, Баҳоуддин Накшбанднинг “Дилинг Оллохда, қўлинг меҳнатда бўлсин” (“Дил ба ёру, даст ба кор”) шиори нақшбандия тарикатининг инсонни ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриш, ҳаёт кечиришга ундаиди. Бунда тарикат йўлига кирган кишилар ўз оиласини обод килиш, мамлакат фаровоишлиги йўлида жонбозлик кўрсатиш, савдо-сотик билан шуғуланиш каби ҳуқуқларга эга бўлганилар. Шунинг учун ҳам бу тарикат тез ривожланиб, кенг тарқалган.

Нақшбандия тарикати ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш имкониятларини кенгайтиради. Накшбандия тарикатида касб-хунар орқали ҳалол лукма топишга оид ибратли фикрлар байни қилинган. Алломанинг асосий талаби бўлган «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Дилинг Оллохда, қўлинг меҳнатда бўлсин» шиори ҳам жисмоний баркамоллик, ҳам сабр-каноатни эгаллаш йўлидир. Уннинг фикрича, бекорчилик инсонни тошбагир, тамбал қиласи. Ҳалол меҳнат эса, қалбни юмшатади ва киши вужудини харакатга келтириш орқали уни иллатлардан қутқариб, жисмонан баркамол қиласи. Баҳоуддин Накшбанд мазкур шиор орқали инсонни Оллоҳ меҳрини дилида жо қилиб, касб-хунар эгаллаш ва ҳалол меҳнат қилишга даъват этар экан, ҳалол турмушнинг қалити меҳнатдир, деган хulosага келади. Ҳар қандай оғир ва машаққатли меҳнат ҳамда касб-хунар эгаллаш таъмагирлик, бирорларнинг инъом-эхсонига тобе бўлишидан афзалдир.

«Дил ба ёру, даст ба кор» – «Дилинг Оллохда, қўлинг меҳнатда бўлсин» шиори нақшбандия тарикатининг исломий-тасаввифий оламидаги бутун йўналишлардан фарқ қиласидиган томонларини очиб беради. Жумладан:

1. Исломий-тасаввифий таълимоти оламида асосан дарвешлар бу дунё лаззатларидан воз кечиб, узлатда гўшанишинлик ва таркидунччилик билан машгул бўлиб, Оллоҳ васлига етишишнинг асосий йўли шу, деган тушунча билан яшаганлар. Баҳоуддин Накшбанд эса, Оллоҳ васлига етишишнинг энг яқин йўли ҳалол меҳнат билан жамият ичидан яшаб, Оллоҳни доимо қалбда нақшлаш лозим, деб тушунтирган. Демак, нақшбандия таълимотида таркидунччилик таъкиланган бўлиб, инсон факат ўзининг ҳалол меҳнати билан яшаши керак, деган гоя сингдирилган.

2. Инсон руҳий бойлика илм-маърифат ва қасб-хунарни пухта згаллаш орқали эришиши мумкин. Шу сабабли Баҳоуддин Накшбанд илм-маърифат ва қасб-хунар инсон маънавий камолоти ва жамият тараққиётига кучли таъсир этувчи восита эканлигини алоҳида таъкидлайди.

3. Баҳоуддин Накшбанд фикрича, инсоннинг ҳаётда ўз ўринини топиши ва яхши яшашга сабаб бўладиган биринчи омил – меҳнатсеварликцир. Баҳоуддин Накшбанднинг ўзи ҳам том маънода, меҳнаткаш инсон бўлган. Накшбанд тахаллусининг яна бир маъноси, алломанинг кимхоббофлик касби билан шугулланганлигидан далолат беради. «Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машгул эдик ва ёшлар расмига мувоғик алоҳида хонамиз бор эди.

Баҳоуддин Накшбанднинг донолиги ҳам шундаки, у кишилик жамиятининг асосини моддий неъматлар учун бўлган харакатларда, яъни, ижтимоий-фойдали меҳнатда, деб билади. Шу билан бир қаторда, аллома, меҳнат билан шугулланиш бутуни дунё мушкулотларини енгизиш ва энг яхши инсоний фазилатларни згаллаш учун қалит эканлигини устиради.

4. «Дилинг Оллохда, қўлинг меҳнатда бўлсин» шиори – инсон ўз ҳаётида юксак илоҳий нишон – қадриятга эга эканлигини, ана ўша нишон қадрият юксаклигидан туриб, унинг мөъёрлари асосида, ҳатто оғир дамларда ҳам

үзиниң йүқтөмаслик, үзиниң таниш, ўз-ўзиниң бошқара билиш, инсонийлік шағынниң юксак тутиш, фактат Оллохда илтижо килиб, ҳамма қатори ҳалол мәднәт билан нағсаниң жиһовлай олиш, дүр, озод, әрқын фикрли, зәзгу амалға зәг бүлгән барқамол инсон бүлиш зарурлығини аңглатади.

5. «Дилинг Оллохда, құлинг мәннатда бүлсін» шиори инсонни зәгулика дағыват этади. Инсон ҳәетидаги асл мақсад, ҳалол мәннат билан саодатта эришиш мүмкінлігіні аңглатади. У одамларни нөпөклик, беңағылым, ишшекмаслик, икисінде замағылым, лоқайдылым ва мұртадлықдан узок бүлишгә ҹакырады. Шу мәннода, «Дилинг Оллохда, құлинг мәннатда бүлсін» шиори ахли башарияттың мәннаттага ундовчы мәннавий қадрнан мәнбаандыр.

6. «Дилинг Оллохда, құлинг мәннатда бүлсін» - шиори одамларнинг, ўзларининг буюк зот Инсон эканликларини аңглашлари, Оллох берган несьматлардан оқилюна фойдалана олишлари, ҳалол мәннат билан жамият равнақыга хисса қүшишгә бурчли эканликларини уқтиради. Демак, нақшбандия тарикатидаги «Дилинг Оллохда, құлинг мәннатда бүлсін» шиори – инсоннинг поқланиши ва камолотта эришуви асоси - зәгулик, яхшилік, сақратылған бүлиш, жамиятта фойда көлтириш, ҳалол мәннат билан халқ мүшкүлүнни осон этиш кәби ғояларни ифодалайды. Бу фактат Оллохның қалға жо этиб, тақво қилиш биланғина эмас, балки Оллох ато қылған құлни ҳалол мәннат билан банд қилиш, яъни мәйлум касб-хунарни әгаллаб, фаровон жамият истиқболи учун фойда көлтиришни вазифа килиб күяды.

7. «Дилинг Оллохда, құлинг мәннатда бүлсін» шиори – ҳар қандай экстремистик оқимларға қарши кураш қуроли бүла олади. Бундай шиорниң қалғында жо қылған одам юрт тиңчилиги, зәл фаровонлігі, жамият ривожының үйүнде хизмат қыла олади.

Биз күйидеги фикрларға ассоғланған холда нақшбандия тарикати таълимотининг «Дилинг Оллохда – құлинг мәннатда бүлсін» шиорида педагогик қарашшлар” номли жадвални тавсия қыламыз (4-жадвал).

Накшбандия тарикати таълимотидаги “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсени шиори”да педагогик қарашлар	
1.	Ҳалол меҳнат билан жамиятда фидокор инсон бўлади
2.	Инсон илм-маърифат ва касб хунари орқали маънавий камолотта эришади
3.	Меҳнатсеварликни улуғлайди
4.	Инсон ўз-ўзини англайди ва бошқаради
5.	Ҳалол меҳнат салбий хислатлар (локайдлик, муртадлик, ишёкмаслик)дан қайтаради ва инсонни эзгуликка етаклайди.
6.	Эзгу сифатлар, ҳалоллик инсониятни ҳалқ мушкулини осон қилишга чакиради, саҳоватли бўлишга ўргатади.
7.	Инсонни ислом экстремизми, фундаментализми ва терроризмга қарши курашга ундаиди.

Накшбандия тарикатидагилар «зикри ҳуфия» билан ҳам шугулланганлар. Дарҳакиқат, зикр (ёд олиш) нафакат инсонни инсон, балки унинг Оллоҳ олдидаги мавқенини ҳам ошириб, покиза ҳаёт тарзини таъминлайди. Шундай қилиб, Оллоҳни ёд этиш, уни қалбан зикр этиш инсоннинг Оллоҳга ҳақиқий яқинлашувини таъминлайди. Чунки, Оллоҳ йўлида фидоийлик, инсонларнинг ўзаро бир-бири, Ватани, оиласи, Оллоҳ яратган барча неъматларига нисбатан фидоийликка ўргатади. Оллоҳ йўлидаги ҳақиқий зикр (ишк) – инсоннинг бир-бири, Ватан, ота-онаси, оиласи ва табиатнинг жонли ва жонсиз маҳсулига нисбатан меҳр-оқибат ҳосил қиласди.

Нақшбандия тарикатидаги зикри ҳуфия қуйидаги хислат ва фазилатларни ифодалайди:

1. Зикр амалларининг энг хайрлиси афзали, садақа ва закотдан ҳам устунроқдир, у энг юксак даражага чиқарадиган ибодат бўлиб, «ишқуллоҳ» ҳосил қиласди. «Ишқуллоҳ» - олий муҳаббат бўлиб, унинг соҳиби эса барча кишиларга, табиатга, бутун борлик ва унинг маҳсулига ҳам ҳакиқий муҳаббат назари билан карайди. Унинг қалби факат ижобий фазилат, хислатларга бой бўлади. Бундай инсонлар кундалик ҳаётларида ҳам ҳалол турмуш кечириш йўлни тутиб, ҳар бир нарса ҳодисанинг кадр-кимматини чуқур англаб етганлари боис, атрофдагиларга ўз ҳаётларини багишлай оладилар.
2. Ҳакиқий қалб зикри зокир(инсон)ни хуш хулк-атвор, олижаноб, гўзал муомала ва муносабат соҳибига айлантириб, уни нағсоний талаблардан голиб қиласди.
3. Ижтимоний-дунёвий нуктаи назардан, инсоний мулокот: (муомала, муносабатда) ёлгончилик, товламачилик, зугум қилиш, ҳасадгўйлик, очкўзлик каби барча салбий хислатларга барҳам бериб, ёмон тўда ва гурӯхларга кўшилишдан сақлайди.
4. Диний нуктаи назардан, зикр инсондаги гафлатни йўқотиб, унинг қалбida Оллоҳ қалъясини ҳосил қиласди.
5. Ижтимоний-рухий нуктаи назардан, зикри ҳуфия хотирани ёмон, салбий тасаввурлардан озод этади. Инсонни ўз-ўзини англай билиш, бошқара олишга ўргатади.
6. Зикри ҳуфия. Уни ҳар кандай вақт ва шароитда ҳеч кимга ҳалақит бермай амалга оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, зикри ҳуфия хислатлари инсон фаоллигини юксалтириб, уни нағфакат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғломлаштириб, унга янги ижобий фазилатлар соҳиби бўлиш имконини беради ва маънавиятли шахс бўлиб етишиши учун хизмат қиласди.

Кўйида шу фикрларга асослаянган ҳолда, “Нақшбандия

тариқатидаги зикри хуфияниң фазилатлары” андозаларини тавсия киламиз (5-жадвал).

5-жадвал

Накшбандия тариқати таълимотидаги “зикри хуфия”ни фазилатлари

- 1) Ҳалол меҳнати ила инсоният, табиат, бутун борликқа мұхаббат назари билан қарайды, хор бир дақиқаны қадрига етады; ўзи әмас, үзгалар манфаати учун қайғурады.
- 2) Инсон яхши хулк-автор, гүзәл мұомала, мұносабат сохибига айланады, нағсан ой талабларни енгады .
- 3) Барча салбий хислатлар (Әлғончилик, товламачилик, зулм қилиш хасад, гина күдурат)дан сақтайтынды.
- 4) Ёмон тұда ва гурухларға құшилишни олдини олади, ғафлатдан үйгөтады
- 5) Хотираны ёмон, салбий тасаввурлардан өзөд қиласы, инсон ўз-ўзини бошқарады
- 6) Оллоҳ әди ила ҳалол меҳнати билан жамият ривожи, юрт тинчлиги учун ўз хиссаны құшады.

Дилида қалб зикрини ҳосил қила олған кишиларға Оллоҳ инояты билан унинг дарвозалари очилиб, унинг нуридан ва «Ҳол» илми (ботин илми, илми ладуний)дан баҳраманд қиласы ва улуг мартаба, мавқеь инъом этады. Шу боисдан ҳам, накшбандия тариқати таълимотидаги «зикри хуфия» хусусиятларидан ҳабардор бўлиш ҳозирги замон кишиси, жумладан, талабалар маънавиятини шакллантиришда қимматли воситадир. Баҳоуддин Накшбанднинг ўзи зикри хуфия ва «илм ҳол» юксаклиги ва муваффакияти хусусида шундай деб ёзган эди:

“Кўпілаб толиблар комилу-мукаммаллардан тарбият ва қабул назарини топар эдилар, сұхбатларининг ишоратига ва хизматларининг саодатига

эришар эдилар. Улар бундай зотларнинг илм нури ва ҳол билимларидан насиба оладилар, уларнинг тасаввуфдаги насаблари ва ботинлари туфайли равнаклари улуг ва зиёда бўларди”.

Накшбандия тарикатининг учничи хусусияти шундан иборатки, мазкур тарикатта кирган шахслар, валийларда бемордан касалликни тортиб олиб, сўнг бу иллатни ўзларидан чиқариб ташлаш куввати мавжуд эди. Бошқа тарикатларда эса, касалликни тортиб олиб уни қайта ҳайдаб юбориш куввати бўлмаган.

Накшбандия тарикатининг тўртнинчи хусусияти шундаки, ушбу тарикатидаги авлиёлар кароматчурушикка кескин карши бўлганлар. Бунда шогирдларнинг асосий мақсади - маънавий ва рухий покланиш, Оллохга рухан стишини ва вахдат ҳосил қилишдан иборат. Баҳоуддин Накшбанд мусулмонлар оғир ҳолатга тушиб қолгандагина каромат кўрсатишни лозим топганлар. Бошқа холларда эса шогирдларини ўз илму ҳунарига кизиктириш ёки уларга намуна бўлиш, тарбиялаш мақсадидагина бу ишга кўл урганлар. Бу ўринда устоз-шогирд муносабатлари етакчи ўринда туради. Бу ҳакда «Рисолаи кудсиййа»да шундай дейилади:

«Аммо маърифат камолоти ва одоб камоли шуни тақозо қиладики, ўшал маҳбуб ўз иродасини Ҳак субҳонаху ва таълонинг иродасига тобе қилмоги лозим. Ҳак иродасини ўз ифодасига тобе қилмаслиги керакки, Он ҳазрат табъият (тобелик)ка сазовор эмас, бордию бу сифат ундун зухурга келса, беихтиёр зухурга келади, демак, уни ҳоҳищдан қайтармоқ лозим».

«Авиёда Оллоҳдан етган қудрат бўлгани учун,

Отилган ўқни йўлдан қайтара олади».

Накшбандия тарикати таълимоти ўн битта қонда ва «Дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин» шиоридан иборат. Бу қондаларнинг тўрттаси «Хуш дар дам», «Назар бар кадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» Юсуф Ҳамадонийга, «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт» қондалари Абдулҳолиқ Фиждувонийга «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи қалбий» қондалари Баҳоуддин Накшбандга хосдир.

1. Хуш дар дам қоидаси. Унинг мазмунини биринчидан, Оллохга бевосита ибодат қилиш жараёнида унга яқинлашишнинг бир шарти сифатида инсон ўзининг ҳар бир нафасидан огоҳ бўлиши, гафлатда қолмаслиги, иккинчидан, инсон ҳәёти давомида юриш-туриши, хулк-автори, ҳар бир ҳаракатидан ҳабардор бўлиши, нуқсонга йўл қўймаслиги талаб этилади.

«Хуш дар дам» қоидаси ўз даври, ҳәётига шукроналик, борига қаноат қилиш, барча нарсаларни қадрлашга ундейди. Бунинг натижасида инсон гафлатга ботмайди, ҳушёр тортади. Бу ҳакида Баҳоуддин Накшбанд томонидан шундай баён қилинади: «... Бу йўлдаги ҳакиқий талаб мукаммал ҳаракатдан иборат бўлиб, у бандани бекарор ва беором қиласди».

Кўриниб турибдики, «Хуш дар дам» қоидаси ҳар бир кишидан ҳушёр бўлиш, жамиятда ўрнатилган ахлок-одоб қоидалари доирасида ўзини-ўзи бошкаришни талаб этади.

Мазкур тарикат таълимотининг “Хуш дар дам” қоидаси ҳар бир шахсни ҳидоятга чорловчи мукаммал чакириклир. Унга амал қилиш, натижасида ҳар бир инсон ўз ҳәёти давомида нуқсонлардан ҳоли бўлади юксак ахлок сифатларни ўзида сингдиради. Унинг ички дунёси эса, гафлатдан ҳоли бўлиб, мукаммаллашади. У рудан эркин шахс сифатида фаолият кўрсатади. Бундай заковатли, ҳәётнинг ҳар бир дақиқасини қадрлай оладиган ва ҳар бир вазиятни тўғри бадолай оладиган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, атрофдагилар билан муносабатлари барқарор ҳамда умуминсоний ахлок меъёрлари доирасида бўлади. Бу шахс маънавиятини юксалтиришинг мухим омилидир.

2. Назар бар қадам - бу қоида доирасида инсон ўзининг ҳар бир қадами ва ҳатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиши, юриш-туриши, ҳәёти давомида ўз номига дод туширадиган нолойик, ҳаром ишларга кўл урмаслиги ва ўз зътиборини инсонийликса ёт нарсалар билан ҷалғитмаслиги тақозо қилинади.

Юқоридаги ҳар иккала қоида талаблари ўзаро мутаносиб ва узвий характерга эга бўлиб, улар биргаликда талабалар маънавиятини

шакллантиришда мұхим восита бўла олади.

Мазкур қоидалар «назар» - «нигоҳ», «қараш ва қадам» - йўл юрмок, оёқ кўймок сўзларидан олинган бўлиб, айнан нигоҳ қадамга қаратилган бўлиши лозимлигини уқтиради. Бу қоидаларда жуда чукур ҳаётий фалсафага эга бўлган мазмун ҳам ифодаланган.

Ташки томондан таҳлил қилганда, «Назар бар қадам» қоидаси ҳақиқат йўлидан борувчи шогирднинг нуқтаи назарлари, қараашлари, ҳаётий эътиқодларини хатти-харакатлари билан уйгунаштиришлари лозимлиги таъкидланади. Демак, ҳар бир толиби илм ўзига эътиборли бўлиши, ўз хатти-харакатлари ва қўйган қадами учун масъуллиги уқтирилади.

Ички томондан эса, инсоннинг хатти-харакатлари уни ҳақиқат сари йўналтирувчи восита эканлиги таъкидланади.

Бу қоидага амал қилиш натижасида инсон сабр-бардошли бўлиш, эҳтиросларини тия олишга ўрганади. Инсондаги сабр шундай кўникмаки, у шахсни максад сари йўналтиради.

Накшбандия таълимоти «Назар бар қадам» қоидаси орқали шундай таълим берадики, инсон намунали хулққа эришиши учун унинг калби пок бўлиши керак. Бунинг учун инсоннинг кўзи нопок нарсаларга қаратилмаслиги, тили ноўрин сўзларни айтмаслиги, қулоги ёмон сўзлар, гийбатларни эшитмаслиги, кўл нопок ҳаракатларни амалга оширмаслиги керак.

Накшбандия тариқатининг мазкур қоидаси педагогик жиҳатдан яна шуниси билан кимматлики, унда инсон ўз максадидан чекинмаслиги, улуг максадларни назаридан қочирмаслиги талаб этилади.

Инсон ҳаётини давомида унинг ҳар бир қадами максад сари яқинлаштириши лозим. Агар инсон тўсиқлар, қийинчилисларга учраганда ўз олдиға қўйган максадидан чекинса, у мазкур максадга ҳеч качон эриша олмайди. Шунинг учун ҳам, инсон ўз максадлари йўлида событқадам бўлиши лозимлигини аллома алоҳида уқтириб ўтади. Айни вактда «Назар бар қадам» қоидасига амал қилиш, мутассил кучли

назорат орқали, иродавий зўр бернишлар билан инсонни ўз мақсадига эришишига чорлайди.

Ўз мақсадига эришиши натижасида инсон қалби ва руҳи роҳатланади, унда шукроналик хисси кучаяди. Бу ўз навбетида унга янгича куч, кўтаринки ҳолат багишлаб, эзгу ҳатти-харакатлари кўламини кенгайтиради. Инсон назарининг нуқсонлардан ҳоли бўлиши натижасида, унинг қалби ва руҳияти хузур-халоват топади.

«Назар бар қадам» қондаси талабаларга юриш-туриш, ўз ҳатти-харакатларига нигоҳ ташлаш одобини ўргатади. Бу ҳақида накшбандшунос олима Г.Наврӯзова шундай ёзди: «Хожа Али Ромитоний Ҳакка етиш учун кўзни асраш зарур» деб хисоблаган ва «Рисолаи ҳазрат Азизон»да қўйидагиларни таъкидлаган эди: «...Кўз одобини қўйидагича баён этганлар: «Агар кўзнинг одоби нечта деб сўрасалар, иккита деб айт. Биринчидан, кўзни тўрт нарсани кўришидан саклаш керак. Иккинчидан, тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак. Агар кўз кўриши лозим бўлган тўрт нарса нима деб сўрасалар, айттил, йўлни кўриб, қадамни кўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга қараш керак. Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ олсин...».

Агар кўзни беркитиш зарур бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил, биринчидан, кўзни номаҳрамни кўришдан манъ этмоқ керак. Иккинчидан, кўзни шахват кўзговчи суратлардан асраш керак, аммо, бирор поклик юзасидан бошқа бирорвга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир.

Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асраш керак, зоро, бирорлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

Тўртингчидан, кўзни бирорвга ҳакорат назари билан қарашдан асрарил. Ўзгаларни камситиш, мазаҳ қилиш, ожизалар устидан кулишдан сақлан. Чунки, ҳеч ким нуқсондан ҳоли эмас.

«Оёқ одоби тўғрисида ҳам шундай фикрлар ёзилган, агар обижнинг одоби нечта, деб сўрасалар, иккита деб айттил. Биринчидан, учта жойга бориш,

иккинчидан, учта жойга бормаслиқдан сакланиш. Гар бориленің лозим бүлгән мавзөй (жойлар) қайсідір, деб сұрасалар, айттыл, биринчидан, хайрли жойга борищ, искінчидан, қабрлар ва қалблар зиёратига борищ, бирор гунохкорнинг шарофати ёхуд беморнинг оғедатига борищ ёки жабру-зулмни дафъ этиш учун қадам ташлаш ...

Агар борилеміши мань этиладиган жойлар қайси, деб сұрасалар, айттыл: биринчидан, золимлар ва ҳаромжұрлар үйига бормаслик, иккінчидан, қиморхона ва харобат каби нолойиқ ва тұхмат жойларға бормаслик, учинчидан, номахрамлар орқасидан қадам ташламаслик».

Күриниб турибдікі, нақшбандия таълимотининг «Назар бар қадам» қондаси, инсонни ўз-үзини аңглаш ва ўз фаолияттіні назорат килишга үндайды. Бу ҳақда «Рисолаи кудсийя»да күйндагича бағн килинган:

«Сенинг хижобинг сенинг вужудинг змас, дафъ нағсака ва таъол (нағсингни қўй ва олдимга кел). Ўзингни эшик олдига келтир, сўнг, дер эдилар.

- «Вужудингдан ўзга хижоб йўқ», ёки;

“Ўртамиёнга йўл тутиш тўгри йўлдир. Бу йўлда унга нимаки тўсик бўлса, уни йўлдан олиб ташласин, чунки озод дилсиз бу йўлда юриб бўлмайди. Бу йўлга кирган одам таҳорат килған одамга ўхшайди, энди унга иктидо килиш учун имон керак, бу имон исломий-тасаввуфий сохиби пирдир... Ҳақ йўл битта, бузук йўл мингта”.

Демак, “Назар бар қадам” қондаси қалб ва имон пояслагыдир. Бундай қалб назоратига эга бўлган кишинлар ўз ҳаёттй фаолиятларида католикка йўл кўймайдилар.

Бундай бунёдкор гоялар ёш авлодни қалби, хатти-харакатларини назорат килишга чорлайди. Ўз ҳаёті фаровонлиги ва жамият манбаатлари йўлида хизмат килишга үндайди.

3. «Сафар дар Ватан» – қондаси ботинан сафар, ахлоқни поклаш, шогирд одамийлик табигатида сафар килиш, жыны ёмонликдан яхшилик сари юришдир. Бу талабаларнинг ҳаёт даражасыни ўрганиш, билимини ошириш,

гам-андухга берилмасликка ундаиди.

«Сафар дар Ватан» қоидаси, ичкя чукур рухий ҳаракат бўлиб, у шундай амалий-абстракт ҳаракатдирки, ўз йўлида инсоннинг барча ёмон сифати ва иллатларини унга намоён қилиш йўли билан англатади ҳамда кишини ундан ҳолос қилишга хизмат қиласди. Шунингдек, у шахснинг жамики яхши хислатларни эгаллашими талаб қиласди.

Бунда солик (шогирд)нинг ўз табиатига сафари тушунилади. Унинг башарий сифатлардан малакий (фариштагалар) сафарига, яъни ёмон иллатлар кибр ҳасад, ужб, риё, баҳилликдан яхши сифатлар мухаббат, ихлос, тўтири сўзлик, эътиқодга сафар қилиш, уни эгаллашдан иборатир.

Бахоуддин Накшбанд таълимотининг «Сафар дар Ватан» қоидасини тавсифлашда кўйидаги рубоий алоҳида аҳамиятга эга:

«Ё раб, оғиз бўлатуриб, оғизсиз кулмоқ,

Кўэсиз бутун жаҳонни кўриб турмок накадар соз.

Ўтирган кўйи жаҳонни кезмок.

Оёққа заҳмат етказмай, сафар килмоқ накадар соз».

Бу ҳолатни қўйидагича шархлаш мумкин: Мутасавифларнинг иборалари билан айтганда, ҳар бир одам иккى оламдан иборат, жисм таңда мужассамланган фардий алоҳида олам - «кичик олам» - олами асгар ва ички ботиний рухий олам эса, «бутун олам» олами бокийдир. «Олами асгар» - жисм, вужуд билан боғлиқ, у муайян вақтда тугилади ва маълум вақт ўтгач тугайди, яъни йўқолади. Агар олам ички томонини англай олса ёки «олами асгар», «олами акбар»ни англай олса, у тақдирда фардий онг бокий рух даражасига етиб унга кўшилиб, мужассамлашади. Шу тариқа фардий онг ва рух абадийлашади.

Рухий оламини тушуна олмаган, унга интиҳол этмайдиган одам, ўлимидан кейин уйқу ҳолатига тушади. Сўфийлар қарашича, туш кўриш ҳам иккى ҳолатнинг мужассамлашувидир. Бирор, одамлар хусусиятини самовий рухлар назари билан кузатиш, кўриш – инсон учун фарогат ҳолатидир.

Накшбандия таълимотидаги «Сафар дар Ватан» қоидасининг

ғоялари шундан иборатки, мазкур қоидага амал қилиш натижасида инсон ёмон иллатлардан воз кечиб, яхши сифатларга эришади. Шу орқали инсон мукаммалликка интилади, гуноҳлардан фориг бўлишга ҳаракат қиласди. Оллоҳни билиш, у яратган оламни идрок этиш - Унга яқинлашиш демакдир. Эзгуликларда Оллоҳ жамоли, сифати, хислатлари мужассамлашган бўлади. Бу қонда инсонни ботиний-маънавий олам сафарига чорлайди.

Инсон қалби гўзалликка интилар экан, меҳнат қилиш, маълум қасбий фаолият жараённида ҳам бундай эзгу хислатларни эгаллаши мумкин.

Бу ҳақда Мұхаммад Порсонинг «Рисолаи қудсийя» асарида, мазкур қоиданинг талаблари куйидагича баён қилинган: «Шартлардан яна бошқалари шуки, талабда содик бўлсин, талаб ва сулук йўлини кидиришда унга камол ҳосил бўлсин, токи уни нима нарса сулукдан қайтарса ва унга моне бўлса, шу нарсадан даҳшатта тушсин ва ундан кочсин».

Демак, нақшбандия таълимотининг “Сафар дар Ватан” қоидаси ўз мөхиятига кўра, инсоннинг ички дунёсини поклашни тақозо этиб, ундаги нуқсанлардан ҳоли бўлишини талаб қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ақл-заковатининг ривожи жамият тараққиёти маҳсули эканлиги, жамият хаётидаги ўзгаришлар унга муайян таъсир кўрсатишини ифодалайди. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон кишиси тафаккури исломий-тасаввўфий таълимот тарикати яратувчилари яшаган замон кишилари тафаккуридан кескин фарқ қиласди. Бугунги кунда илм-фан, техника, ахборотлар оқимининг жадаллашуви (радио, телевидение, китоб, газета-журналлар, компьютер алоқалари ва б.) инсон дунёкараши ривожига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ривожланиш ҳалқимизнинг тарихий маънавий меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш натижасида, умуминсонийлик ва миллийлик қасб этади. Бунинг учун уларни чукур таҳлил қилиш ва давр талабларига жавоб берадиган талабаларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган ғояларни таълим-тарбия

тизимига олиб киришни тақозо қылмокда.

Накшбандия таълимотининг мазкур қоидаси, бугунги кунда талабалар учун ҳам жуда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Мазкур қоидага амал қилган талабалар покиза қалбли, имон-эътиқодли, инсоний фазилатларга эга бўладилар.

4. «Хилват дар анжуман» - қоидаси ҳадқа якинлашиш, уларнинг дарди, қувончига шерик бўлишга ундайди. Баҳоуддин Накшбанд ривожлантирган накшбандия тарикатининг асосини, бош вазифасини ҳалқка хизмат қилиш ғояси ташкил этади.

Ҳалқ ва жамиятта хизмат қилишни мукаддас бурч даражасида тарғиб қилган мазкур тарикат намояндалари бу хислат инсонни Оллоҳга якинлаشتарида, деб ҳисоблайдилар.

Жамиятта хизмат қилиш, тарқидунё (ҳаётдан қочиш) ўрнига жамият ва ҳалқ манфаатларини қондириш, илм сирларини эгаллаш, инсоният бахти, учун курашиш ва кишиларни турли зулмлардан ҳимоя қилиш шогирднинг улуг фазилати эканлиги уқтирилади.

Баҳоуддин Накшбанд маънавий устози Абдулҳолик Фиждувоний изидан бориб, хилват ва симоъни анжуманда сұхбат билан алмаштиарар эксан, бу ғонни ўз тарикатининг мағзи сиғатида эътироф этади.

Алишер Навоийнинг «Насойим-ул муҳаббат» асарида, шу қоида тўгрисида унга боғлиқ масалалар юзасидан Баҳоуддин Накшбанднинг берган жавоблари баён қилинади:

«Яна алардан сўрадилар: - Сизнинг тарикатингизда зикри жаҳр ва хилват ва симоъ бўлур? Дедиларки: бўлмас» .

Баҳоуддин Накшбанд бу жавоби билан зикрни, яъни Оллоҳ номини тилга олиш «ожаҳр» - баланд овоз билан зикр тушиш, ибодат қилиш, «хилват» - одамлардан холи жойда ёлғизлиқда умр ўтказиш, «симоъ» - ашула, мусика орқали амалга оширмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун бундай ҳолатларни ўз тарикатида қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат, деб ҳисоблайди.

«Яна сўрадиларки: Сизнинг тариқатингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, «Анжуманда хилват: зохир юзасидан ҳалқ билан ва ботин тарафидир Ҳак субҳонаху ва таоло била», яъни бу ерда ташқаридан караганда мажлис иштирокчилари билан сұхбатда бўлсангиз ҳам қалбингида доимо Оллоҳни саклаш, демакдир.

Умуман олганда, накшбандия тарикати асос соглан «Хилват дар анжуман» коидаси мазкур таълимот намояндадари томонидан ривожлантирилиб, мукаммаллаштирилган.

Баҳоуддин Накшбанд устозлари гояларини ривожлантириб, хилватдаги хаётдан воз кечиш ижтимоий ҳаёт, жамият манфаатлари йўлида фаол ҳаракат килиш зарурлигини кўрсатади.

«Навоий ёзди: Накшбанд дер эмишларки, бизнинг тариқимиз сұхбатdir ва хилватда шұхраттур ва шұхратда оғат». Нима учун хилватда шұхрат?» Чунки таркидунё этиб хилватда ўтириб, бутун умрини тоат-ибодатга бағишлиш – Оллоҳ одамлар олдида шұхрат қозонишнинг, яъни тарикат коралаган манфаатпастликнинг бир туридир».

• Бу ўринда инсонларнинг жамъ бўлиши, бир-бирлари билан фикр алмашишлари, маърифат ортиришининг фойдаси катта эканлиги таъкидланади. Ташки тарафдан анжуман, яъни одамлар даврасида яшаб ўзида фазлу-карамидан келиб чиқадиган барча яхши фазилатларни намоён эта оладиган феъл-атвор, Оллоҳ учун хилват яратишни тарғиб этади. Бу хилват анжуман (ҳалқ) ичida яратилишининг моҳияти шундаки, инсон ўзида бошқаларга нисбатан ҳалол ва олижаноб муносабатлар, Оллоҳ ато қилган барча жонзот, ўсимлик, инсониятга нисбатан меҳр-оқибатли, шафкатли муносабатларини намоён қила олмас экан, у Оллоҳни сева олмайди ва унинг Оллоҳга қилган ибодати кўз бўямачиликка айланади.

«Хилват дар анжуман» коидаси, меҳр билан ҳақиқий ибодатга эришиш учун аввал зодиран ҳалқ билан бирга бўлиш, шу орқали ўзини тарбиялаш ҳамда жамият аъзолари ва атроф-муҳитга фойда келтириши, ўзини бошқара олиши, ботинан Оллоҳ билан бўлиб, унга покиза қалб

билин ибодат қилиши лозимлиги уктирилади. Бу хақда «Рисолаи қудсийя»да шундай фикр билдирилади: «Бу тариқат (йўлда) ботин нисбати шундай: мало (одамлар ичи)да жамиъят (йигноклик). Бунда тафриқа (ъни паришонлик) ҳолати хилватдагидан кўпроқ бўлади. Жамиъят (йигноклик) ҳолати бир жавҳарга ўхшайдики, у қанча яширин бўлса, жавҳарлик можияти шунча мусаффолашаверади».

Ҳақиқатан ҳам, «Хилват дар анжуман» қоидасига етишган инсонларнинг қалбида шундай Оллоҳ ёди жилоланган бўладики, уларни ҳар кандай моддий эҳтиёжлар ҳам маънавий бойликларни згаллаш ва ҳалиқа хизмат қилишдан чалгита олмайди.

Инсон ўз ҳаёти давомида турлича дунёкарашга эга бўлган одамлар билан мулокотда бўлиб туради. Бу мулокот қаерда бўлишидан катъи назар, авваламбор, ҳалоллик, тўгрисўзлик асосига қурилиши лозим. Акс ҳолда инсоннинг қалби, нотўғри ҳатти-харакат, нопокликдан булғанади. Бу ҳолат тақрорланаверса, инсон нопок йўлга киради ва ўзининг талабларидан келиб чикиб, эҳтирослари қулига айланади. Ундаги гўзал, эзгу фазилатлар чекиниб, барҳам топа бошлайди.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараённада ҳар бир талаба ўзининг адолатли, астойдайл ҳаракатлари билан тенгдошлари орасида ўз ўринини топиши лозим.

Юкоридаги тўрт қоидага Абдулҳолик Фиждувоний томонидан киритилган тўртта қоида (талаб) ҳам кўшилади:

5. Ёдкард – (ёдга олиш). Бу тил ёки дил зикри ҳисобланади. Накшбандия таълимоти инсоннинг баркамоллик даражасига кўтарилиши ўз-ўзини идора этиши ва қундалик ҳаракатларини тартибга солиши, назорат этиши оркали, бу тариқатининг «Ёдкард» қондасига амал қилишини таъкидлайди.

Бу қоида ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради. Бир томондан, ботиний, ъни Оллоҳни англаб, уни қалбига муҳрлаш; иккинчи томондан, инсоннинг пок бўлиши, ахлоқий мезъёрларга амал қилишини назарда тутади.

«Ёдкард» – тил зикри, қалб зикри эканлиги ҳакида Мухаммад Порсо томонидан шундай фикр юритилади:

«Ҳазрати Ҳожамиз, Оллоҳ руҳларини мұқаддас кілсін, «ақтаркүм» маңында ҳакида буюрадилар: «Ҳақ субханоҳу зикр бобида бандага тавғиқ ёр килган». Бу күйидеги мартабалардаги, зикр (ассосан) тил зикри, рух зикри, сир зикридир. Дилнинг хафий (хуфя) зикри, жисмоний ва руҳоний каби оламнинг воситасидир. Рух дил ва сир оламнинг воситачиси. Сир мартабаси авалийлар назаріда рух ва қалб мартабасидин юксакрек».

Ёки:

«Ҳакикатан хафий (хуфя) ва сир зикри биттадир».

«Дил табиати эса жисмоний ва руҳий накшларнинг барчасидан мусаффо бўлади».

«Тил зикридан кўзланган максад руҳоний ва жисмоний кучларнинг барчасига тўлиқ юзланиш бўлиб, у орқали барча фикрлар қувилади».

Шунингдек:

«...Тил зикри қалб зикри ўқий олиш малакасини ҳосил килиш алифбодан таълим беришга ўхшагандир. Муаллим доно бўлиб, содик толибда йўлнинг истеъдодини топса, биринчи қадамдаёқ уни оладиган килиб кўяди ва ёддашт мартабасига алифбонинг кийинчилигисиз етказади. Аммо толибларнинг кўпичундай кишиларки, уларни тил зикри дил зикридан аввал ёддоштга далолат килиш «суч» ва «томга қўн» деб айтиш билан тенгдир».

Дарҳақиқат, нақшбандия тарикати таълимотидаги «Ёдкард» қоидаси талабаларга ўз-ўзларини англай олишлари, бошқара билишлари орқали билимдонлика эришиш йўлини кўрсатади. Бунинг натижасида инсон кўркув, нафс, турли ғамлар, ҳаёт штироблари ҳамда ўз «мен»идан устуна келади.

Иккинчи томондан, инсон бу қоидага амал килиши орқали ўзини моддий таъсиrlар ва салбий иллатлардан ҳимоя қиласиди. Бу эса, ҳозирги даврда талабаларни экстремистик ҳамда террорчи гурухлар таъсиридан ҳимоялашга хизмат киласиди. Бу ўз навбатида талабаларнинг маънавий-руҳий ҳамда

жисмоний жиҳатдан баркамолликка эришишларини таъминлайди.

6. Бозгашт – (бошга қайтиш), бу инсоннинг турли салбий фикрлардан халос бўлиши, ўз дилини поқлашга интилиши демакдир. Мазкур коидаги инсоннинг ўз фикрини марказлаштиришига кўмаклашади.

Бозгашт коидаси ботиний ва зоҳирий маъноларга эга. Ботиний жиҳатдан Оллоҳни ёдлаш ва қалбан Унга қайтишни англатади.

Зоҳирий жиҳатдан эса, инсонни у мудайян вазифани бажараётганда чалғитмаслик, дикқат-эътиборини бўлмаслик ва ўзига талабчан бўлишга ундайди. Талабаларни ўз мақсадларига эришиш учун кийинчиликлардан чўчимасликка чорлайди.

Бу ҳақда Абдулҳолик Фиждуонций шундай ўйтит берганлар:

“... Зикрни бошловчи бу бозгашт сўзларини айтиётган пайтда чин дилдан бўлмаёттанини сезса ҳам, бироқ уни айтишни тарқ этмасин бора-бора у ҳакиқатга айланиб, таъсири зоҳир бўлади”.

Бу билан аллома, инсон ҳам ботинан, ҳам зоҳирлан чин дилдан ҳаракат килиши, иродали бўлиши, ўз ҳаёти ва жамият ҳаётига муносиб ҳисса кўшиши лозимлигини уқтиради.

Демак, “Бозгашт” коидаси талабаларни адашмаслик, ўз ҳатоларини тузатиш, ҳар доим олдинга қараб интилишига унлайди.

7. “Нигоҳдошт” - коидаси (саклаш) демакдир. Инсон ҳар хил ёмон фикрлардан халос бўлиши, ҳаёлнин ноҳуш нарсаларга қаратмаслиги лозимлигини ифодалайди. Бунда ҳаёл куввати ўз амалида қолиши малакасини ҳосил қиласди. Инсон ўз-ўзини билиши, бошқара олиши, ўз-ўзини тартибга солишини англатади. Шунинг учун ҳам исломий-тасаввифий ахли, жумладан, Баҳоуддин Нақдбанд таълимоти бугунги кун таълим-тарбия тизими учун таъсирчан педагогик восита ва бекиёс аҳамиятга эга тарихий-маърифий манба ҳисобланади. Бу ҳақида Муҳаммад Порсо «Рисолаи қудсиййа»да қўйидагиларни баён юллади:

«Маърифат ахли нимани кўрсалар ўзларида кўрадилар, ниманини танисалар ўзларида танийдилар, уларнинг ҳаёлоти ўз вужудлари ичидадир...

Сизларнинг ўзларингиздадир, аё, кўрмаяпсизларми? Кимки ўзини таниса, демак, у Парвардигорини танийди».

Накшбандия таълимотининг коидаларидан бири «Нигоҳдошт» коидаси инсонни ички - ботиний ҳамда ташки - зохирий баркамолликка эришиш йўлида кучли хушёрлик, огохлик билан ҳар хил ноўрин фикрлардан холос бўлишни талаб қиласди. Оллоҳ ёди билан жамият равнаки учун фидойи инсон бўлишга чакиради. Нигоҳдошт коидаси – инсон нигоҳини маълум нарсага узоқ вакт сақлай олиши унда хотирасини жамлаш имконини беради. Хотира, диккат-зътиборни жамлай олиши инсон ўз устида тинимсиз харакат килиши билан нияти, мақсадига эришишни намоён қиласди.

Демак, инсон ўз мақсадига эришиши учун нигоҳни жамлаши, хотирани ҳар хил ёмон фикрлардан холос килиши лозим. Накшбандия тарикати коидаларидан бири - хотирани сақлаштир. Хотира тўрт хил бўлади: а) раҳмоний хотира; б) малаконий (фаришталарга хос) хотира; В) шайтоний хотира - гуноҳ ишларга раббат қилиш; г) нафсоний хотира - шахватга берялиш.

* Демак, толиб (шогирд) нигоҳдошт коидасига амал килиши учун бундай ҷалгитувчи хотиralардан холос бўлиши керак. Бундай ёмон фикрлардан холос бўлғандагина инсон ўз олдига кўйган мақсадига эриша олади. Бу ҳақда аллома Баҳоуддин Накшбанднинг шундай ўйт беради:

“Ҳар бир алломанинг рухи бу - ният, агар ният бўлмаса умид йўқ бўлса, ҳеч бир амал, бордюю касбда бўлса ҳам, ҳеч натижа бермайди. Шунинг учун: “Амал - умидсиз натижа бермайди”, – дейдилар.

Демак, кундалик ҳаётда инсонни яхши, тўғри фикрлар билан бирга ёмон, ҷалгитувчи фикрлар таъкиб қиласди. Инсон ўз нигоҳининг мустаҳкамлиги, иродасининг кучлилиги билан ижобий фазилатларга эга бўлади. Бу билан орзу қилган ниятига эришади.

Инсон умид билан яшайди, харакат қиласди. «Нигоҳдошт» коидаси бунга замин ҳозирлайди.

8. «Ёддошт» – коидаси ёдда сақламокдир, яъни ҳар лаҳза Тангридан

огоҳ бўлиш, Уни ёлда саклашдан иборатдир. «Ёддошт» Оллоҳ мұхаббати инсон қалбини бутунлай эгаллаши демақдир.

Дарҳақиқат, ҳаётда инсон ўз нағс әхтирослари елдида запфлиги оқибатида хато ишларни килади. Қалбида «Ёддошт» әхтироси билан Оллоҳ қарами, чукур муруввати, ҳурматини забт этган қалб эгаси эса унинг барча ҳаракатларидан ягона Оллоҳ вөқифлигини чукур англаш, унга шукроналик ва қаноат юзасидан нолок ҳаракатларни килмайди. Шунинг учун ҳам бундай кишилар қаерда, қайси мұхитда бўлмасин ёлгон, ёзузлик, ҳасадга ўрин қолмайди. Чунки уларнинг киладиган барча чиройли эзгу-амаллари, Оллоҳга қилинган ибодатнинг бир кисмидир. Улар жамиятда маънавий юксаклиги ва олижаноб меҳнати билан ўз-ўзларини намунали бошқарадилар. Бундай инсонлар маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб, бунга кучли иродалари ёрдамида боскичма-боскич эришадилар. Натижада улар баркамоллик даражасига эришадилар.

Бу коидаларга Баҳоуддин Накшбанд томонидан қаритилган тўртта коида (талаб) ҳам кўшилади.

9. Вукуфи замоний – коидаси замон, вактдан огоҳ бўлишдир. Бу ҳақда «Рисолаи қудсийя»да шундай фикр билдирилган: «Вукуф шундайки, у орқали жазава таъсири мутолаа қилинади ва бу таъсир дилда қарор топади...».

Демак, инсон ҳаёти, ўтган вақтнинг қадрига етиши, уни ганимат билиши лозимдир. Вақтнинг қанчаси яхши, савоб ишлар билан, қанчаси эса, ёмон, гуноҳ ишлар билан ўтгаилигини билиши, ундан огоҳ бўлиши лозимдир. Бу талаб ҳақида Баҳоуддин Накшбанд шундай деганлар: «Толиб доимо ўз ахволидан хабардор бўлиши, ҳар бир замонда ўзининг холи ва сифати қандай: шукр пайтими, узр пайтими, буни билиши керак».

Демак, «Вукуфи замоний» коидаси инсоннинг вакти огоҳлик билан ўтиши, Оллоҳга, замонга шукроналар қилиши, агар хато қилган бўлса, умри гафлат билан ўтган бўлса, тавба қилиб хатосини тузатиши лозимлигини ўргатади.

10. “Вукуфи ададий” – коидаси, (адад вукуфи – ададга, саноқка, тартибга риоя килишдир). “Вукуфи ададий” – (төк айтиш) илми ладунийнинг бошлангич поғонасидир”.

«Риояти адад» (сонга эътибор бериш) тарқоқ хаёлларни бир жойга йигишидан иборатдир. Қалб зикрида адад (сон) йигирма биттадан ошса ва таъсир сезилмаса, бу амалларнинг беҳосилигига далилдир».

Бу коида бевосита инсонни маънавий – ахлоқий камолотта етаклайди. Ҳар кандай ёмонликларнинг олдини олади ва бу коидага эришиш ва амал килиш, инсонни баркамоллик даражасига қўтаради.

11. «Вукуфи қалбий» - коидаси қалб вукуфидир. Бунинг икки маъноси бор. Биринчиси - зикр килувчи (зокир)нинг қалби Оллоҳдан огоҳ бўлиши, хушёр бўлишидир. Иккинчидан ҳар бир дақиқанинг қадрига етиш зарурлигидир. Бу ҳакида «Рисолаи қудсиййа»да шундай фикр баён килинади: «Зикрда нафасни ичга ютишини, ададга риоя килиш каби зарурий нарсалардан, деб хисобламайдилар. Аммо «Вукуфи қалбий»ни қалбан доимо хабардор бўлиб туриш мухим деб билар ва зарур деб хисоблайдилар. Чунки зикрдан кўзланган мақсаднинг асл ҳулосаси «Вукуфи қалбий»дадир.

Ёки:

«Вукуфи қалбий жазаба таъсирини ўзида ҳис килиш ва бу таъсирининг қалбдан ўрин олиши учундир».

Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандия тариқати гоялари бугунги кунда айникса, мухим педагогик аҳамиятта эга.

Нақшбандия таълимотидаги бу гояларга амал килиш – Оллоҳ нуридан кувват олиб, баҳраманд бўлиб, руҳан, маънан ва жисмонан камолотга етишишга кўмаклашади. Бу таълимотнинг педагогик аҳамияти эса, талабалар маънавиятини шакллантириш имкониятларининг кенглиги билан белгиланади. Акл-идрок орқали инсонийлик мақоми, ўз-ўзини бошқариш ва руҳий эркинликка эришилади.

Баҳоуддин Нақшбандининг педагогик қарашларини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил килиш натижасида уларнинг XIV-XV асрларда

ҳаётни синичислаб кузатганиларни, одамларнинг хулқ-авторлари ва ички оламларини чукур ўрганганиларни, ҳалқ билан яхнидан алоқада бўлганиларни, жамият талабарини чукур хис этганиларни, најоткор, ҳалол, покиза инсонлар бўлиб яшаганиларидан далолат беради.

Демак, Баҳоуддин Накшбанд ва накшбандия тарикати ахлиниг педагогик карашлари ўзаро уйғун бўлиб қуйидаги йўналишларда ифодаланади:

1. Инсоний сифатларни эгаллаш.
2. Устозларга ҳурмат бажо қилиш; устоз ва шогирд муносабатларига кириша олиш.
3. Қўлдан келганча ҳалқка яхшилик қилиш.
4. Табиат яратган неъматларни эъзозлаш, камтарин бўлиш.
5. Гуноҳ ишларни килмаслик, дилни пок тутиш, меҳр-мурувватли бўлиш, бойлика хирс кўймаслик, ҳалол лукма эгаси бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, охиратни ўйлаш, имон -эътиқодли бўлиш.
6. Худони билиш - Худони таниш, ўз акл-заковатини йўналтира олиш, ўз-ўзини тарбиялаш.
7. Тавба қилиш - гуноҳдан фориг бўлиш.
8. Куръони Карим ва Ҳадис талабларига тўла риоя қилиш.
9. Ахли сунннат ва жамоат ақидасига мувофиқ эътиқодда бўлиш.
10. Ҳалқларвар бўлиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун кўйиш.
11. Ҳаёт учун зарур бўлган энг муҳим нарсалар: содда ва кифоя қиладиган микдоргача озиқ-овқат, энг зарур кийим-кечак ва бошқалар билан каноатланиш.
12. Озиқ-овқат ва кийим-кечакларни ҳалол меҳнат орқали топиш.
13. Никоҳидаги аёлдан ташқари бошқа аёллар билан майшатдан воз кечиши.
14. Оллоҳ исмлари ва сифатларини такрорлаш (яъни зикр қилиш) ни

товуш чиқармасдан пинхона бажарыш ва б.

Накшбандия тариқати қоидалари амалда инсоннинг ички дунёсини поклаш ҳамда шу поклик унинг хулқ-авторида намоён бўлиши лозимлигини тарғиб килади. Биринчидан, инсон ўзининг ҳатти-харакатлари билан баркамолликка эришса, иккинчи томондан, у Оллоҳга рухан яқинлашади ва бунинг натижасида гуноҳ ишлардан сақланади ҳамда маънавий баркамолликка эришади.

Накшбандия тариқати қоидалари инсоннинг ички ва ташки дунёсини ойдинлаштириш билан унинг ғам-андух, изтироб, ҳасад, кўркув каби эҳтиросларини сўндириб, ўз-ўзини англай олиши, ўз ҳатоларини тушуниб, бартараф этган ҳолда юксак ишонч билан яшашини таъминлашига кўмаклашади.

Бундай маънавий жиҳатдан шаклланган етук инсонлар жамиятта катта манфаат етказадилар. Чунки улар оиласда ҳам, жамиятда ҳам инсон учун Оллоҳ берган барча неъматларнинг қадрига етишга ҳаракат қиладилар. Шунинъ учун ҳам, мазкур маънавий педагогик бойликлар талабалар маънавиятини шакллантиришда мухим дидактик восита бўлиб хизмат килади.

5.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вакти – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданийтас тушунтириш; Соҳибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида туттган ўрни; Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари; Захириддин Мухаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари; Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний, Вонз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари;
Ўқув машғулотининг мақсади:	XIV-XVI асрларда Мовароуннахрда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти ҳакида тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик язиғилар:	<p>Ўқув фазолаларининг мақсадлари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> -2 Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданийтас тушунтириш; -3 Соҳибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида туттган ўрни; -4 Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашларини изоҳлаш; -5 Захириддин Мухаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашларини ўрганиш; -6 Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний, Вонз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини ўрганиш.
Ўқитиш услуги ва техникаси	Ахборот маъруза, блиц-сўров, ЎТВ/КТ, график органайзер, кластер, концептуал жадвал
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, маркер, проектор, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, индивидуал, жуфтликда, жамоада ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

Маъруза машгулотининг технологик картаси

Босқичлар вакти	Фаолият мазмани	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, режа, мақсад билан таништиради. 1.2. Машгулотни қайтарзда ўтказилишини таъкидлайди.	1.1. Ёзади. 1.2. Тинглайди.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабалар билимини аниклаш мақсадида блиц-суроў үтказади (6-илова) 2.2. Экранга Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-ғон ва маданият, Соҳибжон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни, Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари, Захирiddин Мухаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний, Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари слайд ва жадвал чиқарилади ҳамда шарҳланади (1-5-иловалар). 2.3. Визуал материал асосида маъруза ўқиди. Ўқув саволлари мазмунини ёритади ва изоҳлади. Ўзларни дафтарига юшимича маълумотларни ёзib олишиларини таклиф қиласди. (1-5 иловалар). 2.4. Талабаларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мувофиқликни аниклашга доир топширикни беради (6-илова). Мустақил равишда, кейин жуфтликда бажарилинши айтилади.	2.1 Жавоб берадилар. 2.2. Тинглайди ва ёзади. 2.3. Тингланади ва керакли маълумотларни дафтарга кайд этади. 2.4. Топширикни бажаради, натижаларни мухокама қиласди, ўз фикрларини химоя қиласди.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Машгулотта якун ясади, фаол иштирокчиларни раббетлантиради. Келеккадаги амалиётда аҳамияттини таъкидлайди. 3.2. Мустақил иш учун топширик беради. Амир Темур ҳаёти ва фаолигига оид педагогик концепция тушиб келини.	3.1. Эшигадилар. 3.2. Топширикни ёзib оладилар.

1-савол. Амир Темур ва төмүрийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият

1.1-илгова

... Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳакида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шиҷоат, мардлик ва донишшамандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдириди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, ҳуддики ўзимга қандайдир руҳий куч-кувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга тақорор-тақорор мурожсаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч досил қилиганман. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шиҷоатни бир киши мингта тадбирсиз, лоқайди кишидан яхширокодир, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён. Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни шикар” деган мақолга гоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идорок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашига даъват этиши билан эътиборлидир.



Соҳибқирон Амир Темур сайъи харакати туфайли Самарқанд шаҳри янгидан қайта тикланди. Шаҳарда Кўк сарой, Бибихоним масжиди, Шохизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боги Чинор, Боги Шамол, Боги Дилкуши, Боги Бехишт, Боги Нав каби боз ва саройлар барто этилди.

Кўҳак - Зарафшон, Амударёга кўпроқлар қурилди. Тошкент атрофида каналлар қазилди

• Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида - шеърият, мантиқ, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, астрономия, математика, нағосат, тилишунослик, лугатшунослик, мусиқашунослик, тарбияшунослик, меъморшунослик, тасвирий санъат, тижкорат - тадбиркорлик, таржимонлик, ҳаттотлик, жўғрофия ва элишунослик каби бошқа ўнлаб дунёвий билимларни ўрганиши, шу билимлар асосида асарлар яратиш йўлга қўйилди.

**2 савол. Соҳибқирон Амир Темурниң маърифий қарашлари ва
университет педагогика фанида туттган ўрни**

2.1-илюзия

Амир Темур давлатини бошқаришдаги 4 омил



Хаммага
хам бир
хил:
жиддий ва
одил
карадим...
Бойни
камбагал-
дан устун
күймадим

Исломга
катьй
риоя
килдим...

Мен
камбагал-
ларга кўп
хайр-эх-
сон
килдим.

Халойикка
раҳм
килдим,
барчага
нафъ
еткурдим

Бирорвга
ноҳак озор
етказма-
дим ва
мендан
срдам
сўраб
келгандар-
ни
кўнглигидан
итармадим

Исломга
тааллукли
ишиларни
мен хар
доим
кундалик
ва дунёвий
ишлардан
устун
килиб
кељдим...

АМИР ТЕМУР ЎЗИ АМАЛ ҚИЛГАН СИФАТЛАР ТАСНИФИ

Барча
сўзларим-
да доим
ҳакикат-
тўй-ликка
амал
килдим...

Мен хар
кимга
вавда
берсам,
унга вафо
килдим...

Доимо
ўзимни
Аллох-
нинг
ердаги
мулкининг
посбони
деб
билдим ва
Парварди-
гор
изнисиз
уни сарф
этмадим...

Мен хар
доим
инсоф
байрогини
баланд
кўтардим
ва иймон
тарка-
тишини ўз
буюклиги
м-нинг
кудратли
замини
деб
билдим...

Мен доим
саидларга
эҳтиром
 билан
карадим

Ҳар
можаро
ва
муаммо-
ни
диккат
 билан
текшири-
дим ва
уни
мумкин
кадар
тўғри
хал
килишга
бутун
жаҳдим-
ни сарф
килдим


2.3-илова




3 савол. Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари.

3.1-илова

“Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарзdir”




3.2.- илова



4 савол. Захириддин Мұхаммад Бобурнинг маърифий-аҳлоқий қарашлари.

4.1.-илова



4.2.- илова




Захириддин Мұхаммад Бобур фарзанд тарбияси хақида



**5 савол. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний, Вонз
Кошифийларнинг таълимий–ахлоқий қарашлари**

... Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, милллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон – бир инсон йўкки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларни мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг сultonидир.



Жалолиддин Давоний газаб турлари хақида

Баъзилар
тез газабга
келади ва
тез жаҳлдан
тушади.

Баъзилар тез
газабланиб,
узоқ вакт
жахллари-
дан тушмай
юрадилар.

Баъзилар
секин-аста
газабланиб,
тез жаҳлдан
тушадилар.

Буюк мутафаккирлар инсон камолоти ҳақида

Навоий тарбияда намуна
усулини кўллашни тавсия
этади.

Жомий тарбия оркали
билим туфайли инсонни
узгартриш аклий
кобилиятининг ўстириш
мумкин, дейди.

Алишер Навоий тарбияда
инсони ўз-ўзини
тарбиялаштига хото ва
камчиликларини англаб
тузатишга эътибор
беришни тавсия этади.

Кошифий илм бойлик ва
дунё орттириш учун эмас
балки ҳаёт кечириш учун
зарурдир, дейди.


Алишер Навоий билим
олицида барча фанларни
урганишни тарғиб этади.

Кошифий илм доимий, мол
дунё ўткинчи, деб
уктиради.

Жомий билим-хунарсиз
кишини ўтдиндан бошкага
ярамайдиган мевасиз
даражатга ўхшатади. У хар
бир ёшини ота обрўси,
шухратидан
магуруламасдан, уз
йўлини танлашга илм
хунар ўрганишга унлайди.

Кошифий фарзанд ота-
онанинг баҳти унинг тўғри
тарбиялаш эса ҳамманинг
баҳти, деб уктиради.

СИМВОЛИЧНЫЙ
ИЗОБРАЖЕНИЕ ДЛЯ ВОСПРОИМЧИХ
СТАВР ЧАЙГАЛАРУ



6-4 шлова

Блиц-сўрови бўйича саволлар:

- 1.** Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият қандай ривожланган?
- 2.** Сохибкирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни нимада?
- 3.** Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашларини айтинг.
- 4.** Захирiddин Мухаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашларини баён килинг.
- 5.** Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний, Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини айтинг.

Амалиёт машғулотининг таълим технологияси

6 - мавзу:	Алишер Навоий таълим-тарбия түгрисида
Амалиётта ажратилган Вакт – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалиёт
Амалиёт машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Алишер Навоийнинг илмий-маърифий фаолияти. 2. Ҳайратул-аброр достонининг тузилиши ва мазмуни. 3. Достонда шоирнинг илгари сурган таълимий-аҳлоқий қарашлари. 4. “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг тузилиши ва мазмуни. 5. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида инсон камолотига хос хислатларнинг ёритилиши. 6. Алишер Навоий таълимий-аҳлоқий асарларида таълим-тарбия усуллари ва услублари. 7. Алишер Навоий мактаб ва мадрасалар, ўқитувчи устоз ҳақида қарашлари. 8. Алишер Навоийнинг маърифий қарашларининг таълим-тарбияядаги туттаган ўрни.
Ўқув машғулотининг максади	Талабаларда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича олган билим кўнисмаси ва малакаларини мустаҳкамлаш , Алишер Навоийнинг яратган таълим-тарбияга оид асарлари билан яқиндан таништириш , шоирнинг асарларидаги комил

	<p>инсонни шакллантиришга оид фикрларининг мохиятини <u>тушунтириш</u>, уларда миллий гурурни, Ватанга бўлган мухаббатни янада <u>шакллантириш</u>, амалиётда талабалар фаоллигини <u>ошириш</u>.</p>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p>Ўкув фаолияти натижалари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Алишер Навоий яшаган давр муҳити, илм-фан, ахлоқий таълимий асарларининг яратилиши бўйича ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш. 2. Алишер Навоийнинг Хайратул-абор дистонининг тузилиши ва мазмуни хакида маълумот бериш. 3. Алишер Навоий яратган таълимий-ахлоқий асарларини таълимий тарбиявий томонини фактлар орқали исботлаб берадилар. 4. Талабалар онгида ахлоқий ҳислатларни таркиб топтиришнинг ҳамда илм
	<p>1. Шоирнинг ҳаёти ва ижодини, у яшаган давр муҳити, илм-фанинг қай тарзда ривожланганлигини хакида ўз тушинчаларини намоён этадилар ва таълимий-ахлоқий асарлари бўйича билим, кўниикма ва малакаларини намоён этадилар.</p>
	<p>2. Ахлоқий асарларининг мазмуни ва мундарижасини таққослайдилар.</p>
	<p>3. Алишер Навоий яратган таълимий-ахлоқий асарларини таълимий тарбиявий томонини фактлар орқали исботлаб берадилар.</p>
	<p>4. Талабалар сўз мулкини сultonи Алишер Навоийнинг таълим-тарбия хакидаги қарашларини таққослайдилар, илмли бўлишнинг аҳамияти хакидаги фикрларини таҳлил қилишни ўрганадилар.</p>

<p>ўрганишнинг йўллари ва инсон камолотида илмнинг роли ва аҳамиятини англаш, таълим ва тарбия бериш усул ва услублари ҳакида тушинча ҳосил қилиш.</p>	
<p>5. Алишер Навоийнинг мактаб ва мадрасаларда таълим олиш аҳамияти, ўқитувчи мураббий ҳакидаги фикрларини ўқиб ўрганиш ва хозирги замон таълим тизими билан таккослаш.</p>	<p>5. А.Навоийнинг мактаб ва мадрасалар ислохотини таҳлил қилиб, унинг прогрессив томонларини мисоллар билан очиб кўрсатадилар.</p>
<p><i>Таълим бериш усуllibари</i></p>	<p>Мунозара, сұхбат, тезкор-сўров “Венн диаграммаси”, “Кластер”.</p>
<p><i>Таълим ташкил этиши шакли</i></p>	<p>амалиёт гурӯхли.</p>
<p><i>Таълим бериш воситалари</i></p>	<p>Ўқув кўлланма, проектор, плакатлар, көзоз, доска</p>
<p><i>Таълимни ташкил этиши шароити</i></p>	<p>Техник таъминланган, гурӯхларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></p>	<p>Оғзаки назорат, савол-жавоб</p>

**“Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисида”
мавзусининг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	Таълим олувчилик (талабалар)
	Таълим берувчи (ўқитувчи)	
I-Босқич. Ўкув машгулотининг ташкилий тайёргарлик босқичи (15 мин).	<p>1.1. Амалиёт машгулотининг мақсади ва кутилаётган натижалари баён этади.</p> <p>1.2. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўкув-билиш топширикларини ишлаб чиқади. (1-илова).</p> <p>1.3. Топширикларни гурӯхларда ишлаш тартиб-коидаларини тушунтиради.</p>	<p>1.1. Ўқитувчи нуткини тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тушунчага эга бўладилар.</p>
II-Босқич. Асосий босқич. Англаш (55 дақика).	<p>2.1. Талабаларни кичик гурӯхларга акратади, ишлашнинг шарт-шароитлари билан таништиради ва назорат килиб боради.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф килди ва шу асосда тезкор сўров ўтказиб талабалар билимини фаоллаштиради. (2-илова)</p> <p>2.3. Талабаларнинг Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги билим, кўнкима ва малакаларини бойитиш мақсадида “Венн диаграммаси” технологияси ва “Кластер” график органайзери тақдим этилади ва уларнинг моҳияти билан таништиради. (3-илова)</p> <p>2.4. Машгулотни ташкил этишдан кутилган натижага эришганлик даражасини баҳолайди.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва холосалайди.</p>	<p>2.1. Кичик гурӯхларга бўлинниб, топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>2.2. Мавзу юзасидан асосий тушунчалар келтирилади ва саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Кичик гурӯхларга бўлинган холда “Венн диаграммаси” технологияси ва “Кластер” технологияси бўйича берилган топширикли бажаришга киришадилар.</p> <p>2.4. Ўз фикрларини бу мавзу бўйича олган билимларини янада бойитадилар ва тақкослаш борасида кўнкима ва малакасини шакллантирадилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, мавзудан олган тушунчалар асосида холоса чиқарадилар</p>

III-Босқич Якуний босқич (10 дақика)	<p>3.1. Фаол иштироқчи талабаларнинг машгулотдаги фаолиятини таҳлил килади ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Машгулот ўз максади ва кутилган натижаларига кайдаражада эришилганликни холосалайди.</p> <p>3.3. Талабалаларнинг машгулот бўйича пайдо бўлган фикрлари ва таскиллари билан танишади</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусини зълон килади, талабаларга мустақил ишлаш учун топшириклар беради ва уларни топширикларни баҳолашга оид мезонлар билан таништиради</p>	<p>3.1. Машгулот иштироқчилари ўз фаолиятлари натижаларидан хабардор бўладилар</p> <p>3.2. Ўз фаолиятлари билан максадга эришишда кайдаражада таъсир этганликларини билиб оладилар.</p> <p>3.3. Машгулотнинг ташкил этилиши ва олиб борилиши бўйича фикр билдирадилар.</p> <p>3.4. Навбатдаги амалиёт машгулоти мавзусидан хабардор бўладилар ва ўқитувчи томонидан берилган топширикларни ёзib оладилар</p>
---	---	--

Кичик гурұхларда ишлаш қоидаси

1. Талабалар ишин бажарыш учун зарур билем ва малакаларга эга бўлмоги лозим.
2. Гурӯхларга аниқ топшириқлар берилмоги лозим.
3. Кичик гурӯҳ олдига қўйилган топшириқни бажарыш учун етарли вақт ажратиласди.
4. Гурӯхлардаги фикрлар чегараланмаганилиги ва тазийикча учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гурӯҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўрикнома берини лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулокотда бўлинг, ўз фикрингизни эрқин намоён этинг!
7. Ҳар бир дарс очиқ жонли мулокот дарси бўлсин!

2(1.2.)-Илова

Бағолаш мезони ва күрсаткычлари

Гурұхлар	Саволнинг түлік ва аник ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гурұх аъзоларининг фаолиги 0-5 балл	Жами балл

15-13 балл – “ағыл”

12-10 балл – “яхши”

9-6 балл – “қоникарлы”

Мавзу бўйича топшириклар

1-гурӯҳ

Алишер Навоийнинг хаёт фаолияти ва маданий-маърифий қарашлари, асарлари хусусида нималар деб оласиз? (Аниқ мисоллар келтиринг)

2-гурӯҳ

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида нечта достонлари бор, аллома хаётининг сўнггида қайси асарини яратган? (Аниқ мисоллар келтиринг)

3-гурӯҳ

Алишер Навоий инсонпарварлик тарбияси ва унинг педагогик фикр тараққиёти ривожида қандай аҳамияти бор? (“Маҳбуб ул-қулуб” асари мисолида баён қилинг)

4-гурӯҳ

Тасаввуф таълимоми, Баҳоуддин Нақибанд ва Алишер Навоий қарашларида қандай уйгунилеклар мавжуд? (Аниқ мисоллар келтиринг)

4(2.2.)-Илова

Кластер методи бўйича Интернет материаллари асосида А.Навоийнинг воизлиқ санъати, нутқ ва тил одоби сўз санъати хусусида унинг мөдияти



Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисида

“Агар бу улуг зотнинг авлиё десак,
у авлиёлар авлиёси, мутафаккир десак
мутафаккирлар мутафаккири, шоир
десак, шоирларнинг султонидир”

И. Каримов

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан

Калит сўзлар:

“Маҳбуб-ул-кулуб”, илм ўрганмок, ҳаёт, садокат, қаноат, мударрис,
шогирд (толиб), танбех.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ўзбек халқининг улуг мутафаккири жаҳон
адабиёти, унинг маданиятига, инсон баҳт-саодати, халқ фаровонлиги, жамият
ривожи учун буюк хисса кўшган алломадир. Забардаст олимнинг таълим-
тарбия соҳасига алоҳида эътибори илм-фан тараққиётига муносабати
таҳсинга сазовордир. У ўз асарларида тарихий-маърифий, ижтимоий-
тарбиявий, инсонпарварлик, халклар дўстлиги хакидаги гояларни ифода
этади.

Алишер Навоий “Маҳбуб-ул-кулуб” асарида жамиятнинг ҳар бир
аъзоси ўз халқига садокатли хизмат килиши, ёрдам берниши, халқ манфаатини
ўз манфаатидан устун кўйиши, халқ учун ватани истиқболи учун фидой
инсон бўлиши улугланади. Халкларварлик, инсонпарварлик – бу асарнинг
бош гояси ҳисобланади.

**Алломанинг фикрича, ҳакиқий, баркамол инсон – халқнинг баҳти-
саодати, манфаати учун курашадиган, ўз бурчига тўғри, ҳалол
муносабатда бўла оладиган инсон.**

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам халкларвар инсон сифатида, меҳнаткаш
халқ томонида бўлиб, халқ бошига тушган жабру-ситамлардан азобланади.
Жумладан “Маҳбуб-ул-кулуб” асарида шундай дейди:

“Юз жафо қилса манга, бир қатла фарәд айларам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарәд айларам”

Навоий инсонга муносабати, халққа ватанга муносабати билан бөглайди. Навоий ватан обод, фаровон, мустакил бўлишини ва унда инсонларни аҳил-инок, бир-бирларини сўз билан, дил билан хур яшашини истайди.

Шунингдек, Навоий ҳаётда илмли бўлиш, эгаллаган илмига амал килиш лозимлигини уқтиради:

“Илм ўқиб унга амал қилмаган – ерни хайдаб, уруг сепмаганга ёки уруг сепиб, хосилдан баҳра олмаганга ўхшайди.”

Байт:

“Ким илм ўқиб дуруст амал қилмади,
У уруг сепиб, хосил ола билмади”

Демак, илмли инсон илмига амал қилиши, ўзига хос мактаб яратиши лозим.

Илм ўрганиш – инсонни ҳар томонлама етуклик поғонасига кўтариш, бундан инсон маънавиятигининг юксалиши улуғланади.

“Илм ўрганмоқ, - дейди аллома, - эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик ортириш учун эмас;

Саховатсиз бой – ёгинсиз булуттга ўхшайди;

Илмига амал қилмаган олим-устига китоб ортилган эшакка ўхшайди
Байт:

Ҳаммол химматли юқ тортишса ҳам

Унга иш ҳаки бир-икки чақадан бошқа нафъ тегмайди.”

Инсон илмни қунт билан ўрганиш, бунида нафсими жиловлай билиши лозимлигини уқтиради.

Алишер Навоийнинг фикрича, илм-маърифатда етук бўлиш, инсонпарварлик гоялари марказий ўринда туради. Навоийнинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак, азиз ва қадрлиидир.

Аллома, одоб-аҳлоқ инсоннинг олийжаноб фазилатларидан биридир, - дейди. У инсоннинг ахлокий фазилатлари ҳақида алоҳида тўхталиб, ҳар бир инсоний фазилатларнинг таърифини беради.

У яхши, олийжаноб феълларга: ширин сўзлик, тилга эътибор бериш, очикчехралик, ақслилик, сабр, каноат, саховат, ҳикмат, карам, юксак кобилият, ҳаёс, садоқат, мурувват, юмшок кўнгиллилик, мулойим табиатлилик (хилм) кабиларни киритади ва улуғлайди. Ҳар бир фазилатлар танbihҳ ва байтлар воситасида ўз фикри тўлдирилади.

Масалан, **хилм** (мулойим табиатлилик), - дейди аллома, инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшок кўнгиллилик – ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният кадрини улуғлайдиган тарозининг тошига тенглаштирилса ҳам бўлади. Демак, **хилм** инсон маънавияттининг асосий мезони экан.

“Хилм – ахлокли одамнинг қимматбахо либоси ва у кийим турларининг энг ҷидамли матосидир. У – ёмон нафси дайди шамол учирishiдан асрарувчи ва иккюзлама мунофиқларни бехуда харакатидан ҳимоя килгувчидир”.

Ёки:

“Хилм натижасида одам ҳалойикнинг иззат-хурматига сазовор бўлади, хилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат ўтади”, - дейди.

Хилм инсон номини эъзозлайди, уни баҳт-саодатга етаклайди, иккюзламачилик ва мунофиқлик каби салбий одатларни олдини олади. **Хилм** (мулойим табиат)ли инсон доимо иззат-хурматда бўлади. Катта-кичикларга, дўст-биродарларга ҳурмат-иззатда бўлади. Бу ҳар бир маънавиятли кишининг бурчи эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг фикрича, ақлий тарбия ёш авлодни баркамол инсон килиб тарбиялашда асосий восита бўлиб хизмат қиласи.

“Ақли одам ёлғон гапирмас,ammo, барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бирорни ноҳақ хижолатта солмоқ – ўз подонлигини изхор қилмоқ

ва бир күнгилни оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа киладиган чин сүздан күра зарурат юзасидан, ўрни билан гапирған ёлғон яхшироқдир.”

Байт:

“Ёлғон агар тасалли, таскин берса,
Дахшатли чиндан азизроқ бил.”

Ақыл инсон кишиларга озор бермаслыгы, элга яхшилик килиб, ном колдириши, инсон дилини оғритадиган чин сүздан кези келганды жойида ёлғонни оқилона ишлата олиши ифодаланади. Қаноат, қарам, сабр-сақоватнинг юксак устунлари улугланади.

“Қаноат – эхтиётсизликнинг негизидир, иззат ва шараф тантанасидир”, - деб улугланса, “Таъма-хорликка сабаб, таъмагир бой-хор ва тубан. Кимки таъна билан бирор нарсаны олиши мумкин бўлсаю, лекин олмаса бу таъна йўклиги бўлиб, хар қандай сақоватдан қолишмайди. Бу хил сахилар – олийжанобу таъна аҳли эса – хасису нокаслардир.”

Байт:

Хорликларни бошланиши танаъдандир, билгил,
Ҳамиша “қаноатли-азиздир” билгил.

Қаноат шараф деб улугланса, таъма, таъмагирлик ҳўрлик ва маънавий тубанлик белгиси деб қорланади.

Алишер Навоий ҳакиқий инсонни – сабрли, қарамли, ҳимматли инсон деб билади.

“Сабр билан кўп мушкул ишлар осон кўчади. Ишга шошган кўп тойилади, кўп тойилган кўп йикилади. Ишга ошиқмок – ёш болалар иши, сабр билан иш килемок тажрибали ёши катта одамлар ишидир”

Ҳакиқий инсон сабрли бўлади. Шошма-шошарликка йўл кўймайди. Тажрибали, билимли инсонларга эргашади.

Алишер Навоий “Маҳбуб-ул-кулуб” асарида юрг ободлигы, ҳалқ фаровонлигы, жамият ривожида қарам ва мурувват ўрни бекиёсладир, деб ҳисоблайди.

“Карамлик одам у гўзал матодан (карамдан) айрилишни хоҳламайди, мурувват эгаси эса шундай шарафли ҳулқдан ажрамайди.”

Карам билан мурувват иксаласи қайда бўлса ҳам Тангри паноҳида бўлгай, иззат ва ҳурмат маконида ўрни бўлгай.

Демак, Алишер Навоийнинг бу таълимий-тарбиявий асарида ўзи орзу килган баркамол инсонга хос ахлоқий сифатлар улуғланса, ёмонлик, разиллик, фосиклик, нодонлик каби сифатлар қораланди.

“Фосик олим – ўзига золим, донишманддир, давлатманд, баҳил – ўз зиёнини кўзловчи нодондир”

“Ёмонларга лутфу-карам килмоқ – яхшиларга зарар ва озор бермоқдир”

Алишер Навоий стук педагог олим сифатида таълим-тарбия жараёнинг алоҳида эътибор беради. Шогирд билимларини муттасил равишда ошириб бориши зарурлигини уқтиради.

“Мударрис, - дейди аллома, - мансаб ва амалдорликка қизиқмаслиги, ўзи билмайдиган илмдан дарс беришга хавас кўргисмаслиги, олғирлик билан дарё ўрнига шовқин – сурон солмаслиги, мақтоночоқлик учун мадраса айлонининг тўрини эгалламаслиги лозим”

Демак, мударрис, устоз-мураббий, 1) мансабга қизиқмаслиги; 2) ўзи мустахкам билимга эга бўлиши; 3) вазманилик билан иш юритиши; 4) довлиқмаслиги; 5) мақтанимаслиги; 6) таъмагир бўлмаслиги уқтирилади.

Яна, “Мударрис – дил илмидан аниқ масалаларни билмоғи керак, кўпчиликни дунёвий билимлардан таълим бермоғи лозим, у ярамасликлардан хазар қилмоғи ва нопок одамлардан узоқ юрмоғи, ўзини олим ва билармон деб кўрсатмаслиги, турли-туман ахлоққа хилоф ишларни “килса ҳам бўлади” деб ҳаромни ҳалолга чакирмаслиги, жойиз бўлмаган ишлар билан машғул бўлиб, одамларни ёмонликка ўргатмаслиги, қилиш керак бўлган ишларни килмасликни ҳам одамлар ундан ўрганмаслиги керак. Агар шундай ножӯя ишларни килса, бу мударрис эмас бидъатчи – бехуда одатларни тарқатувчиидир. Мударрис – олим тақводор бўлмоғи, яъни ҳамма зарарли ишлардан сакланмоғи, ҳалол иш тутмоғи лозим.”

Мударрис – 7) диний ва дүйөвий илмларни билмоги; 8) салбай одатлардан огох бўлмоги; 9) пояслик, пок, ҳалол инсонлар билан муносаbatда бўлиш, пояслик-ҳалолликни қадрига етиш; 10) маниман бўлмаслиги; 11) ҳалолни ҳаромдан ажратса олиш, огох бўлиши; 12) ўз-ўзини англай билиши, бошкара олиши; 13) инсонларни хидоятга чакириши, эзгулик сари етаклаши, мумкин бўлмаган ишларни килмаслиги; 14) бехуда одатларни олдини олиши лозим.

Бу фикрлар билан Алишер Навоий нодон, жоҳил, билимсиз устозларни танкид қиласди. Мураббий таълим тизими, унинг ўқитиш йўллари, воситаларини билиш лозимлигини уқтиради.

Чунончи, “Махбуб-ул-кулуб” асарида мактабдорлар ҳакида фикр юритар экан, шундай дейди: “Мактабдор домла гунохсиз бечораларга жафо китувчидир. У ёш болаларни жазолаш ва калтаклашга ўрганганд; ўзи раҳмсиз, мияси пўлатдан, кўнгли эса тош кабидир. Газабидан қоши чимирилган, гунохсизлар билан аччиқлашишга одатланган. Уларнинг кўнглида кўнгил каттиклиги ва таъна хасталиги ошкор. Бунргинг устига, улар ақл камлигига ҳам гирифтор. Улар қийнаш йўли билан болалар кўнглини ўзларига ром килмоқчи ва кичкинтойларнинг бекарор табиатини дўй-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар. Улардаги кўриниб турган кўполлик ёш болалардаги келишмаган ҳатти-харакатларни силлиқлашга йирик эговдир.”

Алишер Навоий билимсиз қаттиқ кўл ўқитувчиларни коралайди. Шу билан бирга ўқитувчилик касбини машаққатини, уларнинг меҳнатини оғирлигини ҳакконий ҳолисона баҳо беради.

“Уларнинг иши одам тутул ҳатто девнинг ҳам кўлидан келмайди, лекин инсоф билан айтганда, ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби холларда юзлаб машаққат чекади. Болаларда унинг ҳакки кўп, агар шогирд улгайгач, подшохлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимга қуллук қилса арзийди”.

“Ҳақ йўлида кимки сенга кийналиб бир ҳарф ўргатган бўлса,
Унинг хаққини юзта хазина билан ҳам адо килтиб бўлмайди”
Алишер Навоий тарбиячининг хурмат-эътиборини кадрлайди. Унга
бўлган талабни шунчча оширади.
Алишер Навоий меросида баён этилган фикрлар, таълим-тарбия
тизимида ёш авлод тарбиясида гоят аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

XXI асрдаги фан-техника тараққиёти ҳар бир шахс ва у оркали жамиятнинг маънавий юксалишини талаб қилмоқда. Диний-маънавий, маърифий, ҳукукий қадриятларимизни ўрганишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Улуг бобоқалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуг аждодларимизга, улар қолдириган улкав меросга муносаб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйниши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим ҳусусиятидир”.

Дарҳакиат, аждодларимизнинг педагогик қарашлари ва ҳаётбахш маънавий гоялари, уларнинг диний таълимотларида илгари сурилган инсонпарварлик гояларини ўрганишга бўлган интилиш кучаймоқда.

Исломий-тасаввифий таълимот гоялари пайдо бўлганлигига қарийб 13 аср бўлган бўлсада, унинг бугунги кунда миллий ғоя билан ўйгун жиҳатларини аниқлаш ва педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда талабалар маънавиятини шакллантиришда улардан фойдаланиш ижтимоий-педагогик заруриятга айланганлигини назарий жиҳатдан асослаш талаб этилмоқда.

Зоро, акл-заковатли, юксак маънавиятли, имон-эътиқодли, билимдон ёшларни тарбияламасдан туриб, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлик бўлган мураккаб ва ўта масъулиятли вазифаларни муваффақиятли равишида ҳал қилиб бўлмайди.

Исломий-тасаввифий таълимот ва унинг вужудга келиши ва шу даврдаги алломалар мероси жамият аъзолари маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятта эга бўлиб, унда акс этган педагогик гоялар бугунги кунда ҳам умуминсоний ва миллий ҳусусиятларга эга бўлган таълим-тарбия жараёни мазмунининг негизини ташкил этиши керак.

Исломий-тасаввифий таълимот йўналишлари: шарнат, тарният, маърифат, ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар бугунги кунда талабалар

маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган гояларнинг асосий манбаидир. Жумладан:

Шариат – зохирий билимлар мажмуи бўлиб, талабаларни маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб етишишлари учун муҳим педагогик восита бўла олади;

Тарикат эса, исломий-тасаввуфий таълимотнинг амалий қўринишидир. У ўзига хос таълим-тарбия усуллари ёрдамида инсонни, шу жумладан, ёшларни баркамолликка ундайди;

Маърифат – инсоннинг баркамолликка эришиш йўлида ўзлигидан кечиши, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўймаслик, ахлоқ меъёрларидан ташқарида бўлган шахсий хоҳиш-истакларини ақл-идрок ва билим ёрдамида жиловлай олиш, ўзининг энг зарур эктиёжлар даражасини белгилай билишдан иборатdir;

Ҳакният – Ҳакнинг иродаси ва ўз меҳнати билан илм сирларини пухта эгаллашдан иборатdir. Бундай инсонларнинг асл қиёфаси улар эгаллаган билимлар билан сифатланиб, баркамоллик мақомига эришадилар.

• Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳалқимизнинг маънавий хаётида салкам бир аср давомида хосил бўлган маънавий бўшликини тўлдириш эктиёжи вужудга келди. Мазкур эктиёж мутахассисларни ушбу бўшликини тўлдиришнинг педагогик воситалари ва имкониятларини излашга ундади. Кўп ғонли сиёsatшунослар, файласуфлар ҳамда педагоглар мустаҳкам фуқаролик жамиятини барпо этиш учун маънавий ҳамда илмий-назарий жиҳатдан катта салоҳиятта эга бўлган ёш мутахассисларни етиштириш лозимлигини англаб етдилар ва бу йўлда саъй-харакатларни амалга оширишга киришдилар. Маънавиятли ёш мутахассисларни етиштириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш ва миллий-гоявий илдизларимизни мустаҳкамлашда ислом дини заминида шаклланган исломий-тасаввуфий таълимот ва алломалар: Баҳоуддин Накшбанд, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур кабилар мероси алоҳида аҳамият касб этади.

Исломий-тасаввүфий таълимот ва алиомалар мероси ва ундаги илгор карашлар талабалар томонидан эгалланган билимларни мустаҳкамлани, уларда маънавий-ахлокий сифатларни шакллантириш, улар томонидан маънавий-ахлокий мазмундаги амалий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўнингма ҳамда малакаларни шакллантиришга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 48 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 686 б.
3. Каримов И.А. Миллый истиколол ғояси – халқ зътиқоди ва буюк келажақка ишончdir: – «Фидокор» газетаси мұхбири саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишdir. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Т.13. – Б. 174-222.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
6. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни: 1997 йил 29 августда қабул қилинган. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – Б.20-29.
7. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – Б.31-61.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: Адолат, 1998.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ижтимоий-маънавий мухитни янада согломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (1998 йил 26 март) // Халқ сўзи. – Т., 1998 йил 27 март.
10. Миллый истиколол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б.

- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоя тартиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўгрисида» Қарори // Ҳалқ сўзи. – Т., 2006 йил 26 август.
- 12.Каримов И.А. Улуғ аллома Абдулҳолик Фиждувонийнинг 900 йиллигига бағишлиланган маросимда сўзлаган нутки // Ҳалқ сўзи. – Т., 2003 йил 28 ноябрь.
- 13.Баҳоуддин Накшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш ҳакида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори № 497, 1992 йил 28 октябрь.
- 14.Баҳоуддин Накшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2004 йил 28 май // Ҳалқ сўзи. – Т., 2004 йил 28 май.
- 15.Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001. – 696 б.
- 16.Аждодлар ўтити: ҳикоятлар, ҳикматлар, тамсиллар (Тўпловчи: Б.Аҳмедов). – Т.: Чўлпон, 1999. – 163 б.
- 17.Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. – 163 б.
- 18.Аҳмедов Б. Улугбек. – Т.: Фан, 1991. – 64 б.
- 19.Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1992. – 152 б.
- 20.Бобохонов А. Ислом одоби ва маданияти. – Т.:Чўлпон, 1995. – 1766.
- 21.Бокир М. Баҳоуддин Балогардон (форс тилидан М.Ҳасаний тарж.). – Т.: Ёзувчи, 1993. – 206 б.
- 22.Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – 368 б.
- 23.Бокирғоний С. Бокирғон китоби. – Т.: Ёзувчи, 1991. – 80 б.
- 24.Бобомурод Аҳмаджон Ҳожи. Баркамол инсонлар йўлидан. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 150 б.
- 25.Болтаев Н. Абдулҳолик Фиждувоний – инсон, дўст, ҳаким, рифъат, шайх. – Бухоро, 1994. – 30 б.
- 26.Бухорий С.С. Баҳоуддин Накшбанд ёки етти пир. –Т.: Ёзувчи, 1993.–16 б.

- 27.Бухорий С.С. Дилда ёр (Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанд); бадиа. – Т.: F.Ғулом номли нашр., 1993. – 80 б.
- 28.Бухорий С.С. Дурдона. Миркулол ва Шоҳи Накшбанд мақоматларидан (форс-тожик тилидан М.Субҳоний тарж.). – Т.: Шарқ, 1993, – 75 б.
- 29.Бухорий Роззок Абдулғоғир Ҳожи. Тарикатга йўлланма (накшбандия таълимоти асосида). – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 103 б.
- 30.Буюк алломаларимиз (масъул муҳар. З.Исломов). – Т.: Ислом университети нашр., 2002. – 77 б.
- 31.Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. – Т.: Ёзувчи, 2000. – 406.
- 32.Жаҳон мулкининг нигоҳони (Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанд хаёт йўли тарикатига оид тезис ва мақолалар). – Бухоро, 1993. – 121 б.
- 33.Жузжони А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 189 б.
- 34.Жўраев З. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 366 б.
- 35.Жавлиев Т. Анъаналар – хаёт сабоги. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 68 б.
- 36.Жўшон М.А. Зикруллоҳнинг фазилатлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – 40 б.
- 37.Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси (Н.Ҳасан тарж.). – Т.: Чўлпон, 1998. – 80 б.
- 38.Зиямұхамедов Б. Илм ҳикмати: олим бўлиш сирлари. – Т.: Ибн Сино, 1999. – 88 б.
- 39.Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. – Т.: 1993. – 120 б.
- 40.Зоҳидов В.З. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 495 б.
- 41.Зуннунов А. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 332 б.
- 42.Ибн Сино Абу Али. Юрак дорилари. – Т.: Фан, 1966. – 71 б.
- 43.Идрис Ш. Накшбандия тарикати (масъул муҳар. Н.Ғиёсов). – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 62 б.
- 44.Идрис Ш. Суфизм. – М.: Кнышев, 1994. – С. 446.

- 45.Имомназаров М. Миллӣ мънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. – 240 б.
- 46.Исломий Ҳ. Ипор ҳид ила түғилган Ориф Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд. – Т., 1993. – 29 б.
- 47.Комил инсон ҳакида тўрт рисола (форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж.). – Т.: Маънавият, 1997. – 280 б.
- 48.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – 1-китоб. – Т.: Фан, 1996. – 276 б.
- 49.Комилов Н. Тасаввуф, тавҳид асрори. – 2-китоб. – Т.: F.Фулом ном. Адабиёт ва санъат нашр., 1999. – 208 б.
- 50.Кошифий Ҳ.В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (тарж. Н.Комилов). – Т.: 1997. – 21 б.
- 51.Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 135 б.
- 52.Минг бир ҳадис. Ўзбек маскани (тарж. А.Мансур). – Т.: Тижорат ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1991. – 285 б.
- 53.Мўминов М. Танланган асарлар. 3 томлик (тузувчи ва нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев. – Т.: Фан, 1969. –Т.I. –1969. – 494 б.; – Т.II. – 1969. – 494; Т.III. –1972. –457 б.
- 54.Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Шайх. Тасаввуф ҳакида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 251 б.
- 55.Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – 261 б.
- 56.Назаров Қ.Н. Аксиология қадриятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият, 1998. – 183 б.
- 57.Насафий. Ҳазрати Баҳоуддин Накшбандия (терж. М.Андижоний). –Т.: Мероснур, 1992. – 110 б.
- 58.Нишинова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003. – 224 б.
- 59.Ортиков Н. Яхши кулқ тарозу (Буюқ аждодларимиз ўйтлари). – Т.: 2007. – 203 б.
- 60.Олимов С. Накшбанд ва Навоий. – Т.: 2002. – 187 б.

- 61.Семенов А.А. Бухарский Шейх Бахауддин 1318-1389 (к его биографии) // Восточ. сбор., в честь А.Н.Веселевского. –М., 1914. – 202-211 с.
- 62.Султон И. Бахоуддин Накшбанд абадияти. –Т.: Фан, 1994. – 34 б.
- 63.Трименгэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. / Пер. с англ.под.ред. Акимушкина. – М.: Наука, 1989 – С. 32-66.
- 64.Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 178 б.
- 65.Турар У. Туркий халқлар мағкураси: Рисола. (тарж. У.Абдуваҳобов). – Т.: Чўлпон, 1995. – 104 б.
- 66.Йилмаз К. Тасаввуф ва тариқатлар. –Истамбул, 1997. – Б. 20-22.
- 67.Уватов У. Донолардан сабоклар. – Т.: Мерос, 1991. – 98 б.
- 68.Усмонов О. Баҳоуддин Накшбанд ва унинг таълимоти ҳакида. – Т.: Университет, 1993. – 34 б.
- 69.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий ном. ҳалқ мероси нашр., 1993. – 224 б.
- 70.Фиждувоний Ҳожа Абдулҳолик. Ҳожаижаҳон (тарж. М.Ҳасаний ва б.). – Т.: Наврӯз нашр., 1994. – 127 б.
- 71.Фиждувоний Ҳожа Абдулҳолик. Васиятнома (мастьул мухар. Ҳ.Даврон). – Т.: F.Ғулом ном.адаб. ва санъат нашр., 1993. – 9 б.
- 72.Хайруллаев М. Үйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971. – 310 б.
- 73.Ҳамидов Ҳ. Аждодлар сабоги – ақд қайроғи. – Т.: А.Қодирий ном. Ҳалқ мероси нашр., 1998. – 108 б.
- 74.Ҳамидов Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. – Т.: Шарқ, 1999. – 346 б.
- 75.Ҳасанов А. Тарих сабоклари ва ёшлар тарбияси. – Т.: Мехнат, 2000. – 14 б.
- 76.Ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор «Рисолаи Волидиййа» (нашр. тайёр. С.Ҳасан). – Т.: Адолат, 1991. – 15 б.
- 77.Ҳаккулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: F.Ғулом ном. нашр. матбаа бирлашмаси, 1991. – 184 б.
- 78.Ҳаккулов И. Мерос ва моҳият. – Т.: Матнавият, 2008. – 204 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-6
1. Ислом дини заминида исломий-тасаввуйфий таълимотнинг педагогик ғояларини ўрганилиши.....	7-24
2. Исломий-тасаввуйфий таълимотда тарбия масалаларининг таҳлили.....	25-37
3. Исломий-тасаввуйфий таълимот йўналишлари – педагогик восита сифатида ўрганилиши.....	38-67
4. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тарикатининг педагогик талқини.....	68-103
5. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия, педагогик фикрлар.....	104-121
6. Алишер Навоий таълим-тарбия тўгрисида.....	122-137
 Хулоса.....	 138-140
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	 141-145

КИЛИЧЕВА КАРОМАТ ЮНУСТАЕВНА

Умумий педагогика назарияси ва амалиёти

**(VII АСРДАН XIV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАКТАБ ТАРБИЯ
ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАКҚИЁТИ)**

Методик кўлланма

Босишга руҳсат этилди 03.07.2012 йил. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
«Тіңес Уз» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 9,75. Нашр босма табоги 9,25.
Тиражи 100. Буюртма № 89.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Ташкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

